

# МАЬНАВИЙ ХАЁТ

ТАРИХИЙ-ФАЛСАФИЙ, МАЬНАВИЙ-МАЬРИФИЙ, ИЛМИЙ-ОММАБОП ЖУРНАЛ

№3/2024





*Бугунги ниҳоятда мураккаб ва  
таҳликали давр олдимиизга янги-янги синов  
ва муаммоларни кўндаланг қилиб қўймоқда.  
Лекин ҳаёт қанчалик машаққатли бўлмасин,  
мамлакатимиизда демократик ислоҳотларни изчил  
давом эттириб, халқимизни рози қилишга, тинчлик  
ва барқарорликни мустаҳкамлашга бор куч ва  
имкониятларимизни сафарбар этамиз.*

*Шавкат МИРЗИЁЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти*

*(Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз уч йиллигига  
багишланган тантанали маросимдаги нутқидан)*

# МУНДАРИЖА

8



54



34



64



72



92



## 4. ҚҰТЛУФ САНАЛАР

Келажак дарвозаси

## 8. КАРВОН ҚҮНГИРОГИ

Миллийлик хусусида беш сабоқ

## 18. МЕН МАҢНАВИЯТЧИ БҮЛСАМ...

Ёриқ күза билан сувга борманг!

## 24. ТИЛГА ЭЪТИБОР

Сўзнинг тузи нимада?

## 30. ТАВСИЯ

Эшиклар очик, лекин...

## 34. XXI АСР ЎЗБЕК ФАНИ

Ойга интилсанг, юлдузлар орасида бўласан

## 42. ЎРГАНГАНИНГ ЎЗИНГГА

Қалтис саволларга нозик жавоблар


## 48. МУЛОҲАЗА

Виктор Алимасов. Маңнавиятнинг сири нимада?

## 54. ЭЛ ОДАМЛАРИ

Мактаб амма

48




66



42



84



78



## 64. КИТОБНИНГ КУЧИ

Кичик хонимнинг катта уруши

## 66. ШАХСИЙ АРХИВДАН

Собир Ўнар. Жўнатилмаган мактуб

## 72. МИЛЛАТ ВА ИЛЛАТ

Ўргимчак инидан репортаж

## 78. ҚОНДОШИМ-ҚАРИНДОШИМ

Уч юз йиллик йўл

## 84. ДУНЁ МАНЗАРАЛАРИ

Дилемма мужodalами ё муроса?

## 88. КЎРИБ-КЕЧИРГАНЛАР

Қуёш ҳаммамизни танийди

## 92. ОТАЛАР ВА ҚИЗЛАР

Ҳаётда ҳам, адабиётда ҳам снайпер...

## 100. НИГОХ

Ўйин ичидаги ўйин

## 108. МАВЗУ ВА ТАҲЛИЛ

Гул гулдан ранг олади

Ўзбекистон ва Шанхай ҳамкорлик

ташкилоти

# Келажак дарвозаси

“  
 «Янги Ўзбекистон» боғидаги Мустақиллик монументини томоша қилаётган отахон эътиборимни тортди. Чўққи соқоли ҳафсала билан кузалган, симбатидан зиёлиларга хос нур балқиб турган бу киши саксондан ошгандек туюлди менга. Эгнида оҳорли желак. Ёнидаги ҳамроҳлари эса ёшлар – талаба ёшидаги бир йигит ва бир ўспирин, яна иккита болакай... неваралари бўлса керак.



**Ү**лар гурунглашиб рўпарамга келиб қолишид. Шунда отахон кутилмаган савол билан ҳамроҳла-

рига мурожаат қилди:

– Э-э-э... бу ерда манови нима қилиб турибди?

– Кимни айтаяпсиз, бобо? – деди ҳайрон бўлганча бир Мустақиллик монументи пойида қабартириб ясалган ҳайларга, бир бобосига қараётган ўсмир йигит.

Отахон монументдан жой олган Телман Гдлян ва Николай Иванов сиймоси қошида оёқ илган эди. У киши неварасининг саволига жавоб бермасдан ҳалиги манзарага диққат билан боқиб турарди. Невара ажабланиб саволини такрорлади:

– Ким бу бобо, кимнинг ҳайкали?

Мен беихтиёр уларнинг даврасига бориб қўшилдим. Салом бердим. Отахон хушламагандек, қандайдир паришон ҳолда қўлимни қисиб қўйди. Сўнг йигитчанинг саволига негадир менга қараб жавоб бера бошлади:

– Сизлар кўп нарсани билмайсизлар... билишларингиз керак. Бу Гдлян ва Иванов деган золимларнинг ҳайкали. «Ўзбек иши», «Пахта иши» деб саксонинчи йилларнинг адогида ўзбекларнинг тинкасини қуритган, не-не зўрларини қамоқларда чиритган терговчилар булар. Кўп ўзбекларнинг қирғини шуларнинг қўли билан қилинган. Шароф Рашидовдай одамнинг ҳаётини эговлаган золимлар булар. Эҳ, невара, – чол неварасига юзланди, – ўзбек, Ўзбекистон деймиз, Президент Учинчи ренессансга қадам қўямиз деб бош бўлаяпти. Бу гаплар ўз-ўзидан бўлмаган, бўлмаяпти ҳам... Биз жуда машаққатли, оғир йўлни босиб, шу кунларга етиб келдик.

\*\*\*

Отахон билан ўша кунги танишувим ва орамизда бўлиб ўтган суҳбатлар қалбимнинг бошқа бир саҳифаларини очиб юборди.

Мустақиллик монументининг барпо этилишидаги асл муддаони англагандек бўлдим.

«Авесто»ни битаётган аждодларимиз қўлларининг тафти, эзгу нияти кўчган бугунги қўлларнинг титроғини ҳис этдим бу ерда. Уч минг йиллик буюк тарих, қонли ва шонли ўтмиш шу манзилда бирма-бир кўз олдимдан ўтди.

Бу азим маконда бугун Ўзбекистон мустақиллигига 33 йил тўлгани нишонланмоқда. Шу аснода Ислом тамаддунига бемисл улуш қўшган, дунё илм-фани, маданияти, адабиёти, санъатига бешик бўлган бу заминнинг фарзандлари – бизнинг боболаримиз эканини ҳис этиш нақадар катта саодат. Аввал ҳам айтилган, такрор айтилса ҳам зиёни йўқ. Юртга чинакам меҳр-муҳаббатни қўксимиздаги фаҳр ва фурур ўстиради. Ўзидан кўнгли тўлмай, бирорларга ҳавас билан улғайган авлодда фаҳр ҳам меҳр бўлмайди.

Бир неча динлар ибтидо олган, бир қанча тамаддунлар ўз асосини топган юртимизнинг тарихи бу манзилда ўз аксини топган. Қадим Термиз харобаларидан топилган Будда ёдгорликлари, шаҳзоданинг олтин боши, кўхна Афросиёб сари келаётган Чагониён элчилари – бу эрамизгача бўлган тарихнинг бир қисми холос. Бу тарихни билмай туриб, келажакка қайси куч билан қадам қўйиш мумкин?

Дунёдаги энг обод, энг улкан салтанатга асос солган улуғ аждодимиз Амир Темур от устида мағур туриб, авлодларга қаратса «Бошингни баланд тут! Кимнинг авлоди эканингни унутма!» деётганга ўхшайди.

У кишининг қошидаги сўз мулкининг сultonи Алишер Навоий ва Бобур Мирзонинг сарватидан эса қалбларга сўз, сўз орқали маърифат нури оқиб туради.

Мустақиллик монументининг бир буржидаги қад кериб турган Беруний, Хоразмий, Мирзо Улуғбек каби улуғ алломаларимизнинг нигоҳи бугунги мактаб партаси

сидаги ўғил-қизларнинг кўзларига жуда ҳам ўхшаш, улардаги ўт буларда ҳам яшапти. Шу сүяқ сурган, бардавом жараёнларнинг овозини эшигидим бу манзилда.

Обиданинг бир четида аламкор, ярадор ва ожиз қолган йўлбарснинг нигоҳидек кўзларига боқиш маҳол бўлган жадид боболарнинг сиймоси қаршингиздан чиқади.

Томоғимга ёш аралаш шеър тиқилади:

Кўлларимни қияр қурқинчи йиллар,  
Занжирлар товшидан жоним шовуллар,  
Қайдадир бир аёл бўзлар, увуллар:  
Сен менинг бегимсан, боримсан, ватан,  
Бўғизимга тортилган доримсан, ватан!

Жадидлар... рус босқинидан кейин, аниқроғи мураккаб ва талош бир паллада «Миллатни маърифат қутқаради!» дея ҳайқирганча янги бир даврга асос солган, аммо жўмард кетган шахид боболар. Қисқагина фаолиятида бир неча аср уйқуда ётган миллат фарзандларини уйғотган табаррук сиймолар. Бу инсонларнинг ҳар бирининг қисмати бир тарих. Рух уйғонмай, қалб тирилмай, миямиз илм билан, юрагимиз миллий туйғу билан тўлишмай ҳеч қаерга боролмаслигимизни ўз вақтида англаған, аммо золим давр қурбони бўлган жадидларни бугунги авлодларимизга қайтаришнинг замирида жуда катта эзгу ният бор.

Йўлда учраган ўша сухбатдошим – отаҳон фахрий муаллим экан. Ёши саксон иккида. Унинг куйинчаклик билан айтган сўзлари жадидлар сиймоси тасвирланган лавҳани кўриб такрор эсимга тушади. Дарҳақиқат, ҳалқ хотираси қондан-қонга ўтиб яшайверади.

Монументда қизиқ бир шакл бор. Бу шакл-тимсолни кўрган ҳар бир ўзбек бирданига 1966 йилда содир бўлган Тошкент зилзиласини кўз олдига келтиради. Дарз кетган тош ва соат ойнаси, 1966 йил 26 апрел санаси лавҳага тошбитик қилинган.

Бу оддийгина тасвирда эса ҳалқимизнинг матонати, бир бағирлиги, айниқса, бошга иш тушган дамларда қўрсатажак жасорати, мардлиги, меҳр-оқибати ўз аксини топган. Ҳалқнинг сабри кўп нарсани ҳал этар экан. Миллатнинг бошига тушган босқинлар, мустабид тузумларнинг алами излари ва буларни бирма-бир енгид ўтган ҳалқнинг асл кучи сабри ва матонатидадир.

Ушбу муҳташам боғ ва ундаги ёдгорлик мажмуасининг очилиш маросимида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев барчани табриклаб, шундай деган эди:

«Мустақиллик монументи она ватанимиз, мард ва жасур, тинчликсевар ва меҳнаткаш, қаҳрамон ҳалқимиз шарафига бунёд этилган буюк обида сифатида қад ростлади. Монумент пойига битилган “Ҳалқимиз тарихида эзгу из қолдирган барча аждодларимиз доимо қалбимизда” деган чуқур маъноли сўзлар ота-боболаримиз хотирасига бугунги авлодларнинг юксак ҳурмат ва эҳтиромини англатади!».

Дарҳақиқат, ўзбек ҳалқи ўз тарихига ўзи ҳайкал қўйиб келмоқда. Бироннинг ҳисобига яшамаган, биронни тутқун қилиб шундан манфаат кўзламаган бу заҳматкаш ҳалқ асрлар давомида ўз тили, дини, маданиятини фақат ҳалоллик билан ҳимоя қилди, асраб қолди.

\* \* \*

Яқиндагина Париждаги 33-ёзги олимпиадада қатнашган спортчиларимиз тантанали кутиб олинди. Уларнинг катта спорт майдонларида қўрсатган жасорати бутун ҳалқимизни тўлқинлантириб юборди. Ҳалқни яна бир бор руҳан бирлаштириди.

Мен ҳам шу юртнинг бир фарзанди сифатида уларни қувонч билан олқишлиб турдим, улар қаторида қувондим.

Гап шундаки, «Янги Ўзбекистон» боғидаги Мустақиллик монументидан олган таассуротларим билан тўлиб



Юрта чинакам меҳр-муҳаббатни  
кўксимиздаги фаҳр ва ғуур  
үстиради. Ўзидан қўнгли тўлмай,  
бировларга ҳавас билан улғайган  
авлодда фаҳр ҳам меҳр бўлмайди.

юрган пайтимда спортчиларимизнинг келтирган шодлиги бир-бирига уйғун бўлиб, юрагимга янги умидларни, фаҳрни солди.

Шубҳасиз, худодан умиди бор, тарихига, боболар меросига катта эътиқод билан, келажакка орзу или қараб талпинаётган ҳалқнинг мустақиллиги барқарордир. Дунё майдонида Ўзбекистоннинг бирор вакили олтин медал олган пайтда қатағон бўлган аждодлар ҳам, мустақиллик учун, шу ватанин бунёд этиш учун фидо бўлган зотлар ҳам кўз олдимга келаверади.

Асрларки томирда оқаётган қонимизнинг ҳалоллиқдан қуч олиб келаётганига ишора бериб турган монументга боқиб, шоирнинг «Ҳалқим, берган тузинг ҳамиша ҳалол» деган сатрлари ёдга тушади.

Ҳа, эзгулик ва ҳалоллик қийналиб, заҳмат тортиб, аммо собит ҳайкал бунёд этади.

Уч минг йиллик шонли тарихимиз, бунгунги ҳаётимиз, кечмишларимиз ва орзу-умидларимиз, ҳалқимизнинг иродаси акс этган Мустақиллик монументи буюк келажак дарвозасининг рамзидаи қад кўтарган.

# МИЛЛИЙЛИК ХУСУСИДА БЕШ САБОҚ

Раҳмон Қўчқор

Биринчи сабоқ:  
ЭЪТИРОФ



1980-йилларнинг боши. Ёзувчилар уюшмаси нафақат адид-шоирлар, балки бутун миллат зиёлиларининг халқ ва ватан дардидаги фикр алмашиш, баҳс-мунозарада тобла-ниш ўчоғи, ҳар жиҳатдан поймол этилган элга мустамлакадан қутилиш ҳақидаги илк даъватларни ҳайқириш минбарига айланган йиллар. Ҳар баҳорда навбати билан ўтган йилги шеърият, наср, драматургия, болалар адабиёти, адабиётшунослик, ҳатто таржима йўналишларида эълон қилинган асарлар, амалга оширилган ижодий ишлар муҳокамаси уюштирилади. Биз – ТошДУнинг ўзбек филологияси, журналистика факултети талабалари, дарслардан «қочиб» бўлса-да, бу «дарслар»га шошамиз, Пушкин кўчаси 1-йининг иккинчи қаватидаги залдан жой олиб қолишга уринамиз. Чунки, айтилганидек, бу ердаги гапларни бошқа жойда эшитиш, дарсликлардан ўқиш имкони йўқ...

Ана шундай йифинларнинг навбатдагиси – насрый асарлар муҳокамасида менинг ёнимдаги стулга оқ-сариқдан келган, юзларини билинар-билинмас сепкил босган,

энгил-боши, кўринишидан вилюятдан экани билиниб турган бир йигит келиб ўтиради.

Асосий маъруза – ўтган йили китоб шаклида эълон қилинган, газета-журналларда чоп этилган ҳикоя, қисса, романлар таҳлили яқунлангач, муросасиз муҳокамалар бошланди. Орада сўз олган отахон адид Сайд Аҳмад ака бир-икки қизиқ гаплар билан йифилганларни ўзига қаратиб олгач, чиқишидан кўзлаган муддаосига ўтди:

– Энди, биродарлар, битта савол: шу тўплангандарнинг орасида Тоғай Мурод деган бола борми?



Ҳамма атрофга аланглаб қараётган бир паллада менинг ёнимда ўтирган бояги йигит ийманибина ўрнидан турди ва ўнг қўлини яrim кўтариб, эшитилар-эши-тилмас:

– Мен, домла, – дея овоз берди.

Сайд Аҳмад аканинг буришқоқ юзи ёришиб, устози Абдулла Қодирий ибораси билан айтганда, қулоғи билан қошиқ солишар даражадаги катта оғзида табасум мавжланди:

– Э-э, бормисан, ука! Отангга раҳмат сени! Ҳўй, боллар, билиб қўйларинг, худо хоҳласа, мана шу бола ўзбекнинг катта ёзувчиси бўлади! Мен бу гапни осмондан олиб айтиётганим йўқ. Ўқиган бўлсаларинг, ўтган йилги «Ёшлик»да шу боланинг «От кишнаган оқшом» деган қиссаси бо силди. Шахсан мен мазза қилиб ўқидим. Қиссанинг бошқа ютуқларини айтмай кўя қолай-да, биттагина эпизодини ўқиб берай, мана (адиб қўлидаги журналнинг керакли саҳифасини очиб ўқий бошлади):

«Биродарлар, ёш болага иш буюру, изидан ўзинг югур дегани ҳаққаст чин бўлди!

Қайнумиз нима қилибди денг? Қайнумиз уйимиз олдидан оқадиган ариққа келиб, Тарлонни сувга қўйибди. Farқ терга ботиб турган Тарлон тўйиб-тўйиб сув ичибди. Кейин Тарлонни отхонага олиб кириб бοглаб қўйибди...

Эрталаб Тарлонни етаклаб чиқдим. Айлантириб қарадим. Қорин этлари дир-дир учди, пир-пир учди!

Биродарлар, отга сув тушса ана шундай бўлади! Тарлонга сув тушибди!

Ай, қайнум-е, ай, калла-е! Энди сенга нима дейин? От гарқ терга ботса, сув ичириб отхонага бοглаб бўлмайди дейинми? Мабодо ичирса, хийла ўйлар юриш лозим бўлади, бўлмаса отга сув тушади дейинми? Кейин от кўпкарига ярамай қолади дейинми? Мактабда комсомоллар каттаси бўласан-да, шуни-да билмайсанми дейинми? Битта-да тўрти йўқ аълочи Қодиров Қоракул бўлатуриб, шунга-да фаросатинг

еттадими дейинми? Омон сурнайчининг қизи билан партанинг остидан хат олишиб-хат беришиб туришга етган ақлинг шунга етмай қолдими дейинми? Мендайин бир кал бўлсанг экан, ақли сочи билан қушилиб тўкилиб кетган десам дейинми? Калланг тўла жун бўлса дейинми?

Демайин, демайин! Қайнуга илкис гапириб бўладими?..

Онаси бизда!».

Қиссадан парчани жон қулоғи ила тинглаётган аксарият «қойил» маъносида бошини тебратиб, бир-бирига қош учирив қўяр экан, Сайд Аҳмад ака қўлидаги журнални ёпиб, уларга юзланди:

– Мана, биродарлар, чинакам миллийлик. Мана, миллий адабиёт, миллий тил, миллий образ ва характер деганлари қанақа бўлиши керак! Яна бир марта отангга раҳмат, ўғлим. Ҳеч ёққа оғишмай, шунақа ёзишда давом эт!..

## Иккинчи сабоқ:

# ЭЪТИРОЗ

Ёзувчи Мурод Муҳаммад Дўст «Ўзбеккино»га янги раҳбар этиб тайинланган дастлабки ойлар. Ўша пайтгача доим ошиғи олчи турган, ҳар йили камида биттадан катта кинолойиҳага эгалик қилиб ўрганиб қолган, аксарияти соч-соқолини ўстириб, бошига кепка кийиб юрадиган кинорежиссерлар янги раҳбар устидан мамлакат катталарига кетма-кет ариза ёзишдан чарчашмайди: «Муҳаммад Дўст бизга фильм бермаяпти» мазмунида.

Хизмат тақозоси или Мурод ака билан гаплашгани ишхонасига борамиз. Ўзи ўтирадиган столи баландгина, келувчилар ўртасидаги стол эса (журнал столовига ўхшаш) пастгина қилиб ясатилган хонада ёзувчи-раҳбар билан сухбат бошланади. Келишдан мақсадимизни эшитиб ўтирган Мурод ака ўнг қўл томонида турган,

қип-қизил бахмал билан ўралган ажабтовор қутини очиб, унинг ичидан ўтдони қимматбаҳо ёғочдан, муштуги тилларанг металлдан ясалган трубкани чиқаради. Кейин қутининг ичига чиройли қилиб жойланган ўша рангдаги бахмал қопчанинг бурама боғичини ечиб, ундан учта бармоғида сиқиб тамаки олади ва ҳафса-ла билан, тўқмасдан трубкага жойлайди. Маросим охирида шу ишлар учун маҳсус ясалган йирик гугуртни чақиб, трубканни ўт олдиради ва дастлабки тортимни овозсиз пуфлаб чиқаради. Хонани Кубанинг хушбўй тамакиси ҳиди тутади. Бизнинг савол назари билан қарашимизга жавобан эса шунчаки, арзимас гапдек қилиб айтади: «Ҳа-а, “янги ўзбеклар”нинг совфаси...».

Кейин асосий масалага ўтади:

– Жўралар, мен барибир бу «красный кхмерлар»га фильм бермайман (ёдингизда бўлса, 1970-йилларда зўрлик эвазига Камбоджа (Кампучия) давлати тепасига келган коммунистлар шундай аталар, улар ўзларига бўйсунмаган миллатдошлирига қўшиб миллий руҳни ҳам қатли ом қилишган эди. Мурод aka шуларга ишора қилаётганди! – Р.Қ.).

Ҳаммаси болалигидан ўзбекчага ёт муҳитда ўсишган. Москвада ўқиб, ўзларича замонавий кинорежиссер ўтибасига эга чиқишиган. Ҳозиргача олган



Булар ўйлаб топган ўзбек қаҳрамонлар бирор нарсадан ҳафсаласи пир бўлса, ёнбошига қараб «тфу» деб тупуради. Ҳеч замонда ўзбек шу ишни қиладими?

Фильмларида бирорта ўзбекча характер, ўзбек деса бўладиган образ борми?

Булар ўйлаб топган ўзбек қаҳрамонлар бирор нарсадан ҳафсаласи пир бўлса, ёнбошига қараб «тфу» деб тупуради. Ҳеч замонда ўзбек шу ишни қиладими? Булар ўзбекка кийдириб қўйган тахи энди бузилган магазин дўппини, артелнинг арzonгаров сунъий чармдан тикилган янги этигини кўриб, сизларни билмадиму, менинг кўнглим айниб кетади.

Миллий характерни беришни, жўралар, гуржилардан ўрганиш керак. Кузатган бўлсанглар, кўчада икки қўлида қофоз халтада бозорлик кўтариб кетаётган гуржидан бирор нарса сўрасангиз, у астойдил тўхтаб, қўлидаги халталарни сизга тутқазиб, бўшаган қўлини икки ёнга кенг ёйганча «Откуда я знаю?» демаса кўнгли тўлмайди, мазза қилмайди. Фильмларини ҳам кўринг, бизнигiga ўхшаган бирорта дурагай персонаж борми?..

Ўйлаймизки, Мурод aka ўз қарашларида ҳақ эди.

Албатта, миллийлик дегани фақат ва фақат ижобий хислатлар, ўрнак қилиб кўрсатиладиган фазилатлар мажмуи эмас, бизнингча. Ана шу маънода у ёхуд бу миллатни ҳар қандай қусурлардан холи, ҳар жиҳатдан мукаммал сажияга эга халқ дейиш мумкин эмас. Шундай экан, кейинги сабоқ сизу бизнинг қонимизга сингиб улгурган, ибтидоси-ю интиҳоси кўринмаётган айрим иллатлар хусусида огоҳ этади.



## Учинчи сабоқ: ЭВРИЛИШ

Захиридин Мұхаммад Бобур халқаро жамғармаси асосчиси ва раиси, давлат ва жамоат арбоби Зокиржон ака Машрабов суҳбатларнинг бирида бошидан кечиргани қизиқ бир воқеани ҳикоя қилиб берганди:

«Жамғармамизни оёққа қўйиш, қилинадиган катта ишларга маблағ топиш илинжида республикада биринчилардан бўлиб “Баҳт қуши” номидаги лаҳзалик лотерея чиқаришни ният қилдик. У пайтлар ҳали бизда унақа лотереялар тайёрлайдиган ускуналар йўқ, хорижга буюртма беришга тўғри келарди. Шу мақсадда таржимон ҳамроҳлигида Германияга бордик.

Йирик бир компаниянинг шартнома ишларига масъули – олмон йигит билан музокара ўтказиб, керакли келишувга эришдик ҳам. Ҳамма иш битганидан кейин у йигитга таржимон орқали ҳазиллашиб бир гап айтибман-да:

“Дўстим, мана шу лотереяларнинг ютуқ чиқадиганларининг икки-учтасига қандайдир белги қўйиб берасизларми? Юртга боргандা таниш-билишларга билдириб қўярдик-да, машина ютиб олишарди. Баҳонада улар ҳам, биз ҳам хурсанд бўлардик. Сизни ҳам қуруқ қолдирмасдик, “раҳмати”га беш-үн минг марка берар эдик....”

Аввалига бояги олмон йигит гап нима ҳақда кетаётганини унча тушунмади. Бир-икки бор қайтарганимиздан кейин англаб қолиб, ўрнидан туриб кетди-ю. Шундоғам оқ юзи яна ҳам оқариб, мовий кўзларини менга ғазаб билан қадаб: “Нима деяпсиз, жаноб? – деб гап бошлаб қолди.– Мени ким деб ўйлаяпсиз, сизнинг берадиган садақангизга зор одамга ўх-



шайманми? Бизда бунаقا пул билан оила боқиш уят, жиноятку! Қолаверса, биз манаман деган компания, фирмалар билан имзолайдиган миллионлаб долларлик буюртмалар олдида сизнинг бизга бераётган буюртмангиз нима? Сиз таклиф қилаётган жиноий ишни деб компаниямиз йиллар давомида мисқоллаб йикқан обрўидан айрилиши керакми? Шу ишни бизга таклиф қилишни ўзига эп кўрган одам эртага бу гапни бошқага айтмайди деб ўйладиган даражада гўлмизми сизнинг назарингизда?...”

Менинг бу гапларни эшитиб бўларим бўлиб бўлди. “Хой ука, ҳазиллашдим, шунчаки бир ҳазил бу гап” деб шунча узр сўрайман, қани тинчиса. “Жаноб, аслида ҳозироқ мен сиз билан тузган шартномани бекор қилишим керак” деб ёмонига олиб қолувди, минг бир узр сўраб, зўрға тўхтатсан-а... Хуллас, ғалати ҳалқ экан бу немис деганлари...».

Зокиржон ака айтган ҳикояда кўпроқ кимнинг – ўзбекнингми ёки олмоннингми – миллийлиги, миллий характеристи бўртиб кўринганини айтиш ўзингизга тан.

Ҳа, ҳар бир ҳалқнинг ҳам ғалати хислатлари, урф ва одатлари, бошқалар дабдурустдан англай олмайдиган турфа хил қиликлари-ю ажабтовур қилмишлари бор. Киши уларни ҳис қилиши, идрок этиши, англаши ва англата олиши учун фақат ижодий истеъоддининг ўзи камлик қилса керак. Бунинг учун камида Абдулла Қодирий,Faфур Ғулом, Шукур Бурҳон, Баҳодир Йўлдошев, Олимжон Салимов, Омон Матжон, Қамчибек Кенжа, Тоғай Муродлар сингари элга сингиб яшаш, миллат қалбини ҳис қилиш, юрак уришини эшитиш, руҳининг мавжларида суза билиш керак.

Абдулла Қодирийнинг «Муштум»га ёзган мақолалари, ҳажвий ҳикояларидан тортиб романларигача – аксарият асарларида жамиятнинг турфа характерли, турли қиёфали вакиллари бизга рўбарў бўлар экан, ҳар бири табиатида ўзбекнинг недир бир хислатини, фазилат ё иллатини илғаймиз, ўзимизга ниҳоятда таниш кишиларни кўргандек бўламиз. Кумушбиби ўзбекнинг фазилати бисёр бир қизи бўлса, Раъно миллатнинг яна бир бебаҳо топилдиғидир. Қодирийдан кейин қайси бир ўзбек ўғилларига Отабек ва Анвар, қизларига Кумуш ва Раъно деб от қўйибди – бу ўша миллатдошларимизнинг ўзбекона ўлмас рухга ихлосидан, ҳавасидан дарак!

Агар булар Абдулла Қодирий «туққан», адабнинг ўзиdek босиқ, мулоҳазали, ақли ва идроки ўткир фарзандлари бўлса, Fafur Fуломнинг «адабиёт домовойи»га (Абдулла Қаҳҳор ибораси) ўзидан кейин ҳам чиқарилмайдиган қилиб муҳрлаб кетган болалари ҳам худди шоир феълидек: бирда шўх – бирда маҳзун, бирда жўмард – бирда дилхун. Мана, унинг Тошкентнинг Қўрғонтеги маҳалласида, Бешёғочида кўргани-кузатгани тенгдошларидан бирининг сурати:



Мұхаббат сурмасин қўшни қизига  
Олиб беролмасдан умрда бир бор,  
Юзинг ҳасратида ҳатто қўзига  
Ўргимчак ин қўйган йигитлар ҳам бор...

Ўзбек характери, унинг яратувчиликка мойил табиати, дунёга кўз очганидан бери ўзгармай келаётган жўмардлиги кеча пайдо бўлиб қолган хислатлар эмаслигини ниҳоятда чуқур билган Fafur Fулом 1966 йил январида ёзган «Тахти Сафар» номли мақоласида бу тарихий ҳақиқатни жуда ўрнида ургулаб кетган. Унинг ёзишича, «Ҳиротнинг шимоли шарқида, шаҳардан қарийб ярим фарсахчанарида, элликтерак бўйичамаси баландликда» Тахти Сафар номи билан аталадиган, замонлар тўзонида бузилиб кетган бир сарой бўлган. Гўё мана шу манзил тўғрисида ҳикоя қилинаётгандек йўл тутилган мақолада академик шоир шўролар томонидан «қонхўр», «бузғунчи» дея қизил тамға босилган Амир Темурни шундай таърифлайди:

«...Мен бу ерларда сафар қилиб юрганимда, бирга ҳамроҳ бўлиб юрган дўстларим – афғон шоир ва олимларининг оғзидан бир байт эшитиб қолдим:

Ҳар ки бо лоларуҳон бодаи гул ранг  
кашад,

Ҳукми Мирзост, ки бо Тахти Сафар санг  
кашад.

Қодирийдан кейин қайси бир ўзбек  
ўғилларига Отабек ва Анвар, қизларига  
Кумуш ва Раъно деб от қўйибди – бу ўша  
миллатдошларимизнинг ўзбекона ўлмас  
рухга ихлосидан, ҳавасидан дарак!

Маъноси: ҳар ким бу ерларга келиб, ўзи севган лола юзли гўзаллар билан гул рангли шароб ичмоқчи бўлса, Бойқаро мирзонинг буйруғи шуки, келишида Тахти Сафарга тош ола чиқсинлар.



Бу байт устида кўп мунозаралар қилдик. Нима демоқчи? Кейин шу мулоҳазани маъқул топдик: яъни Ҳусайн Бойқаронинг бобоси Темур миллионли кўшин билан юришга чиққанида илғор суворилар хуржуннинг бир кўзида фишт, бир кўзида ганч олиб юрар экан. Бу фишту ганчлар йўл таъмирига, кичик кўприклар қуришга, кичик обидалар тиклашга ярас экан...» (Қаранг: Faфур Ғулом. Асарлар. Ўн томлик. Саккизинчи том. Faфур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1976 йил, 466 – 467-бетлар.)

Энди айтинг: қай бир халқнинг энг миллатпарвар тарихчиси, шоиру ёзувчиси, сиёсий шарҳловчи ёки журналисти ўзи мақтаниб юрадиган саркарда бобоси-ю халоскор йўлбошчиси фаолиятидан шундай ёки ҳеч қурса шунга яқинроқ келадиган бирор далил келтира олади? Искандару Доронингми, Рум қайсарлари-ю салиб юришлари «қаҳрамонлар»нингми, Чингизхону Иван Грознийнингми, Ҳитлер ё Сталиннингми ёхуд бугунги куннинг «қизил кнопка эгалари»нингми?

Ўзбекнинг миллий характеридаги шу ёлқинлар тафти бугунги шеърда, ҳикоя ва қиссада, роман ва бадиий фильмда оҳорли акс этиши учун замонамиз ижодкори, боя айтилганидек, камида Faфур Ғулом даражасига етмоғи керакми-йўқми?..

Камина Шукур Бурҳоннинг «Ҳамза» театридаги айрим ижроларини кўришдек баҳтга мушарраф бўлган одамман. Жумладан, Ўлмас Умарбековнинг «Қиёмат қарз» писесасидаги Сулаймон ота образи талқинини. Эгнидаги қўкси очиқ яктаги, бир этаги эски белбоқса қистирилганmallаранг тўни, узоқ йиллардан буён бошдан қўйилмаганидан пилтаси чиқа бошлаган дўпписи... ҳамма-ҳаммаси ўзбекча эди Сулаймон отанинг! Унинг содда аспирантнинг онаси ташлаб

кетган йўргакдаги боласини эркалатишидан тортиб («Вой, бу ўғил бола экану, ҳайт, чўмбиридан!»), номард Ниғмонжонга (аслида – Нўймонжон!) қилган нафратли ҳайқириғигача («“Ота” дема, ҳечам “ота” дема! Мен билган Ниғмонжон ўлган, менинг ва Меҳрининг Ниғмонжони ўлган, ўлган! Сен асло у эмассан, у эмассан!») – ҳамма-ҳаммасида ўзбекнинг, миллатнинг овози янграр, бу овоз эшитган одамни титратиб юборар эди!

Энди мана шу манзарага бугун кўраётганимиз видеофильм, «миллий сериал», «миллий кино»лардаги манзараларни солиширинг:

аксарият тантик хотин ролини ўзига эп кўриб, мутлақо характерсиз, латтачайнар эрига қаратса «Да-да-а-си-и!» деб на эркаланаётгани, на ўртаётгани, на аҳмоқ ўғли ёхуд сурбет қизи устидан арз қилаётганини билиб бўладиган номдор актисаларимиз;

онаси ролидаги актриса «и-е, қанақа бўларкин, сал ғалатимасми?» деб инкор қилмаганига яраша, фаҳми ҳаминқадар режиссёрга қаратса «Ака, мен бунақа ролни ўйнамайман, ахир қайси ўзбекнинг боласи онаси билан, сиз айтгандек, кўз сузишиб бир-бирига муқом қилиб ўйинга тушади?» дейиш ўрнига худди шу ишни

Камина Шукур Бурҳоннинг  
«Ҳамза» театридаги айрим  
ижроларини кўришдек  
баҳтга мушарраф бўлган  
одамман.



ўзича қойилмақом қилиб ўрнига қўяётган «истеъдодли ёш актёрларимиз»;

йўл-йўлакай ёзиб бериладиган, бирор қаҳрамоннинг индивидуал тили, руҳий қиёфаси йўқ сценарийлардаги узундан узун, аксарият қисми вақтни чўзишга қаратилган диалогларнинг бир-бирига ёпишмай турган жойига «ҳа, айтганча», «ҳа, нима десам экан» қабилидаги чайналма ибораларни қўшиб саҳна олаётган «топқир» режиссрлар ва ҳоказо ва ҳоказо...

Ҳолбуки...

Ҳолбуки, ўзбек санъати тарихида, масалан, Баҳодир Йўлдошев отлиқ режисср ҳам бор эди. У киши, дейлик, не-не устозлари ҳадди аълосига етказиб саҳналаштирган Ҳамзанинг «Паранжи сирлари» писесасининг ҳам мутлақо янги-ча оҳангда, бирорта қаҳрамони аввалги ижродагиларга ўхшамайдиган тарзда, энг муҳими – Ҳамза хоҳлаганидек миллий йўсингдаги талқинини яратган эди.

Чинакам санъат мўъжизасини қаранг: муаллифи ягона, матн битта – бир ҳарфи ўзгартирилмаган, бироқ, масалан, Лутфихоним Саримсоқова ижросидаги Маствура яллачи билан Римма Аҳмадова талқинидаги Маствуранинг бирор жиҳатини бир-бирига ўхшатиб, заррача тақорни, тақлидни топиб бўладими? Ёхуд Маствуранинг эри – Мирзарайим қора аввалги талқинда қандай эди-ю, Баҳодир aka берган эпизодик ролни ҳам қойиллатиб ўрнига қўйган Обид Юнусовнинг ижросида қандай?!



Наҳотки, бугунги «санъатимиз дар-ғалари» шу ва бунга ўхшаш ўнлаб ўлмас асарлари билан чинакам ижод қандай бўлмоғи кераклигини умрбод уқтириб, кўрсатиб кетган Баҳодир аканинг ёхуд Абпор Ҳидоятов, Лутфихоним Саримсоқова, Шукур Бурҳон, Аббос Бакиров, Ҳамза Умаров сингари устозларининг руҳидан озгина бўлса ҳам истиҳола қилишмайди?

Шу маънода, масалан, менга Шуҳрат Аббосов суратга олган «Сен етимэмассан» филмидаги бир эпизод – бозорда ўғирлик қилган ўрис болани оёғи оқсоқ милиционернинг қўлидан тортиб олиб, бағрига яширган Фотима опа – Лутфихон ая қўзларидаги саросима, жовдираш, ҳадик ўзидан кейин қолаётган миллат, миллий санъат тақдирига ҳам безовта боқишдек туюлаверади...

Ё «Шукур Бурҳон „Ҳамза“дан чиқиб, аста пиёдалаб» кетаётганини кўрган, олон-моннинг бу буюк актёрни тирсаклари, қоринлари, кўкраклари ва думбалари билан туртиб-суртиб ўтишиданоқ «замонларнинг дўниш макрини» илғаган Омон Матжон айтганича бормикин:

Ҳалқми шу, биронинг ҳақини гизлаб,  
беш-ўнни юлишни пойлаб турганлар?  
Ҳалқми шу, нуроний сиймолар қолиб,  
соҳта сумбатларни сийлаб турганлар?

*Тўртинчи сабоқ:*

## ЭЪТИБОР

Агар тинимсиз кузатувчан, кўрган-билгандаридаги муҳим, оҳорли, бошқада учрамайдиган жиҳатларни нозик илғаб оладиган режисср Олимжон Салимов аввал Фарғонада, кейин Тошкент ва Московда қўйиб довруғ қозонгани – «Темир хотин» трагикомедияси билан «саҳнани ёпганида» бу муваффақиятни недир бир тасодифга, қўли келиб қолганидаги омадга йўйиш мумкин эди



балки. Бироқ Олимжон ака ҳаёт бахш этган ўнлаб спектакллар қаршимизда ижодни, мунтазам изланишини, касби йўлида не-не ҳаловатлардан кечишни тақдир деб билган яратувчи шахс турганини бот-бот исботлади.

Бу ўринда биргина «Тошкентга саёҳат» комедиясини эслаш кифоядир. Аслида ҳозирчайсминомаълумтатармуаллифига тегишлилиги тахмин қилинадиган бу писесани, агар Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий таржимада обдон ўзбекчалаштирган бўлса, Олимжон Салимов саҳнага униғирт ўзбекона томоша сифатида олиб чиқа олди. Ахир, масалан, Мухаммадсолих Юсупов ижросидаги омадсиз сайёҳ – қорни катта Бой отада татарларникига ўхшаш бир тук ҳам қолмаган, ҳаммаси туркистонча, бари ўзбекча-да!

Аслида мана шу мўъжазгина икки ўлмас асар – «Темир хотин» билан «Тошкентга саёҳат» бугунги ўзбек режиссёр ва актёрлари, кийим ва чироқ усталари, гримчи ва саҳна рассомлари, ҳатто монтажчилари – ўзини театр ва кино санъати вакилиман деб юрган кишилар учун мажбурий тасвирий қўлланма, мастер-класс дарси бўлиши керак! Агар бу гапга эътиrozлари бўлса, марҳамат, шулар даржасидаги бирор нарса саҳналаштириб, экранлаштириб кўрсатишин!

Режиссёр (Олимжон Салимов) ва актёр (Мухаммадсолих Юсупов)нинг «ирқи ирқига тушиши»дек муҳим талабнинг ҳосиласи ўлароқ воқе бўлган бу ютуқлар замирида миллатимизнинг асл зиёлиларига хос ризқ излашдаги ҳалоллик, ўзгалар меҳнати ва фикрига вижданли эътибор сингари фазилатлар ҳам барқ уриб турибдики, биз буни қуйидагича далиллаймиз.

Кўзингиз тушган бўлса, «Kun.uz» интернет-сайти 2023 йил 27 апрелда «Спектакл тақдиридан доим ҳадикда бўлганмиз» сарлавҳали сұхбат эълон қилди. Унда юқорида эслаганимиз икки спектаклдаги бош роллар ижрочиси Мухаммадсолих

Юсупов, хусусан, Қўчқорвой ролига қандай эришгани ҳақида гапириб берган:

«Қўчқорвой ролини менга беришса ўйнаган бўлардим» деган ният туғилди. Лекин роллар бўлинган рўйхатда менинг исм-фамилиям чиқмади. Режиссёrimиз Олимжон Салимовга бу ҳақда айтганимда, “Муҳаммадсолих, мен ҳам бу ҳақда ўйлагандим. Аммо драматург Шароф ака бу фикрни маъқулламади. “Мен Қўчқорвойни озғин, қорамтири, эзгин қиёфадаги инсон деб тасаввур қилганман. Муҳаммадсолих семизгина йигит экан, бу ролга тўғри келмайди деб айтди” деб жавоб берди.

Шароф ака жойлашган меҳмонхонага (воқеалар Фарфона шаҳрида бўляяпти – Р. К.) ўзим бордим ва шундай дедим: “Шароф ака, ҳамма қўчқорлар ҳам қора, озғин бўлавермайди-ку. Оппоқ, тўла қўчқорни ҳам бошқалар қатори бир синааб кўринг. Агар ёқмаса, шу онда ўзим четга чиқаман”. Шароф ака гапларимга кулиб, розилик берди.

Синовлар бошланганда қарасам, Қўчқорвойга беш киши даъвогар, мен энг охиргисиман. Битта-битта репетиция қила бошлашди, ҳаммага биттадан кўриниш беришган. Менга келганда кўрсатиб бердим. Дарров яна бир саҳна кўринишида синааб кўришди. Кейин бошқаларни тўхтатиб, қайта-қайта синай бошлашди. Шунда мендан олдинги даъвогарлар ҳаммасини тушуниб қолишли...

Кейинчалик Шароф Бошбеков интервюаридан бирида “Мен Муҳаммадсолих Юсуповни Қўчқорвой ролида умуман тасаввур қила олмагандим. Аммо спектакл саҳна юзи ни кўргандан кейин ундан бошқа Қўчқорвойни тасаввур қила олмай қолдим” деганди».

Энди айтинг: бу ҳолатлардаги ҳам драматург, ҳам режиссёр ва актёр сажиясидаги асари, ижоди тақдирига масъуллик, ҳар бирининг ўзи ҳамда бошқалар ҳуқуқи, фикрига кўрсатган ҳурмати ва эътибори, бирининг бошқасига бўлган ҳалол эътирофи-ю эъзозини кўрмаслиқ, улардан сабоқ олмаслик мумкинми?

Таассуфки, мумкин экан!


## Бешинчи сабоқ: ЭЪТИМОДСИЗЛИК

Суҳбатимиз бошида эслаганимиз – Тоғай Муроднинг «От кишинаган оқшом», «Юлдузлар мангун ёнади» сингари қиссалари яратилган йиллари адабиёт ва санъатнинг турли йўналиш ва жанрларида ҳалқ дардини кўтарган юзлаб, минглаб чиқишлиар кузатилган эди. Бироқ уларнинг жуда кўпчилиги санъатга – абадиятга бўйлаша олмагани туфайли даврлар элагидан тушиб, йўқликка сингиб кетишиди. Улар қисматидаги бу ёзиқ ўзларида айнан миллий рух инкишофи – кашфини мужассам эта олмагани билан изоҳланса, бизнингча, тўғри бўлади. Чунки адабиёт ва санъатнинг кучли ижтимоий-сиёсий муаммоларни кўтариб чиқиш ҳуқуқи уларни бошқа бирор соҳа кишилари қила олмайдиган йўсинда – айнан миллий бадиий бўёқлар, оҳорли топилмалар, бетакрор тил, миллий характерлар орқали амалга ошириш мажбуриятини ҳеч қачон бекор қилмайди. Зоро, бобо Аристотел ўзининг «Поэтика» китобида айтиб қўйганидек, мабодо Эмпедоклнинг (даврининг машхур табиатшунос олими – Р. Қ.) «Табиат ҳақида» деган рисоласи шеърий йўл билан ёзилган тақдирда ҳам, у барibir илмий ишлигича, муаллифи эса шоир аталмай, табиатшунослигича қолаверади.

Даврлар синовига дош берган асарлар қаторида эса, шубҳасиз, истеъодли адаб Қамчибек Кенжанинг ўнлаб ҳикоя ва қиссалари, айниқса, «Балиқ ови», «Яшил барг» каби соф миллий ҳикоялари ёдга олинниши лозим. Чунки бусингари асарлар эълони фақат адабиёт ихлосмандлари, ҳалқнинг зиёли қатлами эътиборини эмас, балки миллионли ҳалқнинг ўз тақдирига бефарқ бўлмаган аксарият вакиллари дикқатини тортган, миллатни ўзи тушиб қолган ҳалокатли аҳволга тик қарашга ўргатган эди. Бу асарлар босилган газета-журналлар эрта тонгдан талаш бўлиб кетар, уларга етолмай қолганлар ўқиб бўлганлардан сўраб юришарди.

Яқинда телеканалларнинг бирини очиб, жуда таниш эпизодлар бор бадиий фильм намойиши устидан чиқиб қолдим. Афсуски, фильм қисқа метражли экан, тез якунига етди, охиридаги ёзувларини ҳам ўқий олмай қолдим. Аввалига роса суюндим, ёш режиссёrlардан бирортаси Қамчибек Кенжанинг «Балиқ ови» ҳикоясини фильм қилибди-да деб. Таниш киношунослардан илтимос қилиб фильмни топтиридим ва катта ҳафсала билан кўришга ўтиридим.

Афсуски, фильм аввалидаги титрларда ўтган имловий хатоларга ҳам; қаҳрамонлар ижросиҳамдатилидаги (ҳикояга ёт!) жўнлик ва хитобларидаги сунъийликка ҳам, боласининг азасини ту-таётган



ўзбек онаси бошига ёпиб қўйилган, на ўзбекча рўмоллигини, на америка ҳиндулариникидек ёпинчиқлигини билиб бўлмайдиган матога ва яна бошқа кўплаб камчиликларга ҳам чидаш мумкин эди-ю, бироқ фильмнинг бошида ҳам, охирида ҳам ҳикоя муаллифининг исми-шарифи эсланмаганига асло чидаш бўлмасди. 14 минутлик бу томошада унинг режиссёри – Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти 2-босқич «Кино, телевидение ва радиорежиссёrlиги» гурӯҳи талабасининг муборак исм-фамилияси бир эмас, уч марта ёзилгани ҳолда асарнинг чин эгаси исми, ҳеч қурса майда ҳарфларда бўлса ҳам эслаб қўйишга лойиқ топилмаганди. Ҳикоя муаллифи ўрнига яна бир эмас, икки нафар «сценарий муаллифи» ҳам ўз исм-фамилиясини ёздирган! Улар бу томоша тўлиқ ўзларига тегишли эканини охиригача расмийлаштириш учун фильмга «Мехмон» деб «оригинал» ном ҳам қўйишган.

Холбуки, ёзувчи Қамчибек Кенж «Балиқ ови» ҳикоясини яратиб, минг бир ҳаракат билан чоп эттириб, асар чиққанидан кейин не-не «катталар»дан гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона дакки, дўқ эшитиб юрган пайтлари бу укаларимиз ҳали туғилишмаган ҳам эди...

Хўп, булар-ку ёшлик қилишибди, билишмагандир, эътиборберишмагандир деб ўзимизни алдаб турайлик-да, бу курс ишини кўриб қабул қилиб олган, унга ижобий баҳо қўйган ва бу билан унинг ҳатто республика телевидениесидаги намойишига ҳам йўл очган устозлар, имтиҳон масъулларига юзланайлик. Наҳотки, улардан бирортаси фильм учун асосбўлганасармуаллифинингҳуқуқлари кўз олдида поимол қилинаётгани, ўзлари ишлайдиган муассасада талабаларга муаллифлик хуқуқи бўйича алоҳида



дарслар ўтилишини билишмаса? (Журналхонларимиз орасида эса «Домла, намунча соддасиз, ахир улар Қамчибек Кенжанинг ҳикояларини ўқиганми-йўқлигини, умуман, шунаقا ёзувчи борлигини билишадими-йўқми, аввал шуни сўранг!» дейётганларни ҳам эшитиб тургандаймиз, албатта.)

Нима деймиз: бугунги, булар сингари «устозу шогирдлар» учун ўзбек адабиёти ташландиқ боғ, эгасиз чорвоқ бўлиб қолдими? Хоҳлаган жойидан кириб, топганки нарса билан қўни-қўнжини тўлдириб чиқиб, истаган бозорига олиб бориб сотоверишадими? Бунинг ҳам номи санъат, шу ишлар ҳам маданият, мана шу амалларга ўргатиладиган жойлар олий ўқув юрти саналадими?

Халқимиз, миллатимиз азалдан шунаقا эдими? Булар ҳам энди миллийлик, миллий характервамиллий менталитет унсурларига айландими ё?

...Ёдингиздами, Иззат

Султон ва Уйғун қаламига мансуб «Алишер Навоий» спектаклининг бир саҳнасида Навоийни заҳарлаб ўлдириш учун Астрободга келган Мансурга – ўз миллатдоши, тилдоши ва диндошига қарата мутафаккир бобомиз тагдор қилиб «Вазифанг оғир, Мансур!» деб қўяди...



Бугунги адабиётимиз, санъатимиз, умуман, миллий маданиятимизда кечаётган жараёнларга боқар эканман, негадир қулоғим остида ҳазратнинг шу хитоби такрор-такрор янграйверади. Ҳазрат-ку, беқиёс закий зот эканлиги туфайли бўлғуси хавфни олдиндан сезади, ҳис қиласди.

Биз-чи? Мансурларни, уларнинг ёвуз ниятларини, сухбатимиз да-вомида айримларини эслаганимиз кирдикорларини ҳали ҳам сезмаяпмизми?!

МЕН МАҢНАВИЯТЧИ БҮЛСАМ...

# ЁРНІК КҮЗА БИЛАН СУБІА БОРМАНГ

Эколог олим,  
Термиз давлат  
университети профессори  
**Холмат Зокиров**  
билин суҳбат





— Домла, аввало маънавият тушунчасига лўнда изоҳ берсангиз...

— Мен экологман, табиатшуносман.

Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб айтар бўлсам, маънавият инсонни ҳайвонзотдан ва ўсимлиқдан фарқлайдиган куч. Набобот ва ҳайвонот оламида инсонга хос асил нарсаларнинг кўпи йўқ. Дейлик, одамнинг хотираси, тил имкониятлари, яратувчанлик, ижодкорлик хусусиятлари ҳайвонга бегона, ўсимлик ҳам бундан мосуво. Ҳолбуки, ҳайвон ҳам, ўсимлик ҳам инсон каби тирик жон. Бир сўз билан айтганда, маънавият одамнинг одамлик қиёфаси. Аммо гап бу юксак даражани қандай тутиб туришида. Бизнинг Сурхон воҳасида босар-тусарини билмай, одамларнинг ҳаққини унуглан кишига дакки беришнинг ажойиб шакли бор. Яъни, бир оғизгина савол беришади: «Инсофинг борми?». Ушбу сўз менга доим «Маънавиятинг борми?» дегандай эшитилади. Бу савол аслида ўзини билган одамга жуда оғир ботади. Қалбида иймони бор одамнинг бу саволдан кейин, шубҳасиз, пешонасидан тер чиқиб кетади. Аслида шунинг ўзи катта гап.

— Сиз туманда ёки ўрта таълим мактабларида маънавият ишлари бўйича фаолият юритсангиз, ишни нимадан бошлаган бўлардингиз? Умуман, маънавият вакилини қандай тасаввур қиласиз?

— Маънавиятга интилиш, маънавиятни бойитиб бориш аслида ҳар биримизнинг инсоний бурчимиз. Бунинг учун маънавият бўйича бирор соҳага масъул бўлиш шарт эмас. Агар сиз айтгандек маънавият соҳасига раҳбар бўлиб қолсам, аввало ишни ўзимнинг сўзим билан амалимнинг бир-бирига мувофиқ келишидан бошлардим.

Бир оғрикли масалани ҳам айтиб қўяй, маънавият мажлисбозлиқ билан сингдирилмайди. Маънавият ҳар бир инсонни инсон сифатида тушунишдан бошланади.

— «Халқимизнинг жуда бой маънавий месоси бор!». Бу гапни доим ишлатамиз. Бу чин гап. Аммо бу мерос асли нималардан иборат, уни биз бугун қандай қабул қиласиз, қай ўйсинда ундан фойдаланаяпмиз? Бу жараёндан қониқасизми?

— Бизнинг узоқ тарихимиз, серқирра оғзаки ижодимиз, алломаларимиз битиб кетган минглаб жилд китоблар – ҳақиқий маънавий хазина. Аслида ҳар бир инсоннинг ички дунёси ўзгача бир олам, демак, биз ҳар бир кишига индивидуал ёндашмогимиз керак.



Бизнинг Сурхон воҳасида босар-тусарини билмай, одамларнинг ҳаққини унуглан кишига дакки беришнинг ажойиб шакли бор.

Маънавият ибрат ва намуна орқали ёшлар ҳаётидан ўрин эгаллади. Отаси қарта ўйнаб, онаси сериал қўриб ўтириб ўғил-қизларини ўқимишли бўлишга ундаши кулгили ҳолат. Бу худди ёриқ қўза билан сувга боришга ўхшайди.

Зотан, муқаддас китобларда урғу бе-риб айтилганидек, «Ислоҳни ўзингдан бошла!» деган сўзларга жиддий эътибор беришимиз шарт. Биз ҳамиша ислоҳотни ўзимиздан, оиласиздан, фарзандларимиздан бошлашимиз керак. Ана шунда мақсадга эришамиз, аксинча сафсатабозлиқдан бошқаси бўлмайди.

Бугунги глобал исиши, табиат синовлари, эпидемик ҳолатлар қаторида глобал қадриятлар ҳам бор. Бу дегани бутун ба-шариятнинг бой тажрибаси, мероси уму-мий бойликидир. Берунийнинг «Минера-логия» асари ҳам, Нютоннинг қонунлари ҳам барчага тенг илмий обидалар. Шу билан бирга ҳаммани эсдан оғдирадиган, бешармликни, бешафқатликни тарғиб этадиган ва жуда юқумли бўлган иллатлар ҳам борки, буларнинг зиёни «Ковид-19»дан кам эмас. Ва бу кўз илғамас фало-катлар ҳам умумийдир. Шу боисдан ҳам ўзлик деган катта маънавий заминда ту-риб дунёнинг инсон иқболи учун хизмат қиладиган қадриятларидан ҳам унумли фойдаланишни ўрганишимиз зарур.

– Республикализ илм аҳли сизни авва-ло она табиатимизнинг жонкуяри, эколог олим сифатида танийди. Олимлик шара-фи ҳамиша улуг саналган. Айниқса, бугунги табиат ва инсон ўртасида катта кураш кетаётган бир пайтда. Сизнинг – эколог олимнинг қалбидаги маънавият бевосита она табиат билан уйгун. Шундай эмасми?

– Эътибор беринг, аслида биз киммиз, табиатнинг бир заррасимиз, агар табиатга қарши курашамиз десак аслида ўзимизга қарши курашамиз, келажак авлодимизнинг ҳаётига қарши курашган бўламиз. Табиатни она деймиз. Она дейишга деймизу, баъзан хизматкор

даражасида ҳам қадрламаймиз. Бугунги кунда дараҳтларга ҳам паспорт бериш йўлга қўйилаётган, уларни ҳимоя қилиш бўйича қарорлар қабул қилинаётган оғриқли даврда турибмиз. Бир туп арча бир йилда ўзида бтоннагача сувтўплайди. Муттасил кислород ишлаб чиқаради. Бир тилсиз арча умри давомида инсонга хизмат қилади, унинг ҳаёти учун ўзини бағишлади. Бироқ бир валломат боради-да, 100 йиллик арчани беш-олти дақиқада саранжом қилади. Унинг бор мақсади арчадан уйига устун қилиш ёки шу тилсиз-жағсиз дараҳтнинг икки-уч метрлик уйини – ерини тортиб олиш. Ўткинчи умрида бир туп ниҳол экмаган бу одам ватанга ҳам наф бермайди, бирорга яхшилик ҳам қилмайди. Дунёда ҳарорат кейинги 40 йилда 0,04 даража кўтарилиди. Музликлар эриб бораяпти. Ноёб турлар қирилиб кетмоқда. Буларнинг ҳаммаси инсоннинг ўзига зиён.



*Жамики юксалишлар  
асосида маънавият турса,  
барча йўқотишлар ортида  
маънавий таназзул  
туради.*

Ана энди ўйлаб кўринг, бу фалокатларнинг олдини олиш учун нима керак? Энг таъсирчан омил нима? Бу – маънавият! Жамики юксалишлар асосида маънавият турса, барча йўқотишлар ортида маънавий таназзул туради.

Шу ўринда Қуръони каримга мурожаат қиламиш: «У сизлардан қайсингизнинг амали яхшироқ эканини синааб кўриш учун олти кунда осмонлару ерни яратди.

Үшанды арши сув устида эди. Агар сен “Сизлар ўлимдан кейин қайта тирилтириласизлар” десанг, күфр келтирғанлар албатта “Бу очиқ-оидин сеҳрдан үзга нарса эмас” дерлар» (Худ сураси 7-оят). Ушбу илохий амрларнинг нозил бўлиши бежиз эмас, албатта. Фасоҳат билан разм солинса, бу қутлуғ матнларда бугунги кунимиз учун ҳам жуда катта ибрат ва хулосалар мавжуд. Инсон кўп асрлик илму заковати билан биттагина чумолини ҳам яратолмайди. Шундай экан, муқаддас сўзларга амал қилган ҳолда иш кўриши ҳам керак.

– Миллий гурур тушунчасини бугун айримлар кибр билан адаштираётганга ўхшайди. Инсон учун ўзидан, ўзлигидан гурурланиши аслида фазилат эмасми?

– Фурур билан кибр аслида икки нарса. Фурур ўзидан рози бўлиш, ўзи бажарган ишдан мамнуният ҳиссини тўйиш, ўз фоалиятидан, тақдиридан кўнгли тўлиш.

Кибр эса ўзини баланд қўйиш, атрофдагиларни менсимаслик. Фурур – фазилат, кибр эса – иллат, бу икки тушунчани ҳеч қачон аралаштирмаслик керак.

Биргина Термизийларнинг илмий мөросини олиб қаранг – уммон қадар чек-





сиз. Бугунга қадар бир юз элликка яқин Термизий алломанинг номи аниқланди. Улар қолдирған мерос қанчалик буюклигини билаяпсизми? Бундай тарих билан, бундай аждодлар билан ғуурланмай бўладими? Аммо биргина ғуурнинг ўзи етарли эмас. Ушбу меросга муносиблик ҳисси ҳам бўлиши керак ва у бугунги авлод томонидан ижодий ривожлантирилиши лозим. Фарзанд отанинг обрўси ва меросига суюниб қолса ношудлашади, аксинча, ўша меросга ҳамоҳанг ривожланса эл аро обрў топади, ризқи бутун бўлади.

– «Одамнинг табиати тупроги олинган жойига ўхшайди» деган нақл бор. Шу маънода, халқимизнинг феъл-автори бизга маълум. Аммо бугун хулқимизга, биз мансуб заминга ёт бўлган турли ҳодиса ва воқеалар ҳам содир бўлляпти. Маънавият ва қадриятларимиз, анъаналаримизга таҳдиidlар кундан-кунга кўпайиб бормоқда. Сизнинг табиат билан уйгун ҳаётингизга, илмий фаолиятингизга бу нарсалар қандай таъсир этаётir?

– Бундай пайтда инсоннинг онгини, тафқуруни ҳимоя қиласиган бирдан-бир куч сифатида теран ақл, юксак маънавият, мустаҳкам иймон-эътиқод ва чинакам инсоф-диёнат майдонга чиқиши зарур. Ўзингиз ўйланг, узоқ тарих давомида халқимиз бошидан не кунлар кечмаган, бу халқнинг динини, эътиқодини, тилини, урф-одатини, анъана ва қадриятини йўқотишга уринган барча босқинчиларнинг режалари саробга айланган.

Бугунги кундаги айрим дилни хира қиласиган ҳолатларга боқиб туриб, халқимизнинг чапани бир гапи эсимга тушади. «Туянинг юки енгил бўлса, бақироқ келармиш» дейди халқ. Одамларнинг турмуши чинакамига яхшиланди. Саксонинчи, ҳатто тўқсонинчи йилларни эсланг... одамлар кун кўриш учун қанча заҳмат тортар эди. Рисоладагидай битта тўй қилиш кўпларга армон эди. Бугунги ҳаётимиз билан солишириб бўлмайдиган бир тушкун ҳаётимиз бор эди-ку... Аммо одамларда инсоф, оқибат бор эди. Бугун биз излаёт-

ган асосий нарса ҳам ана шу ноёб түйфулар эмасми? Бу билан оғир турмушни ёкламайман, албатта. Бироқ шукр камайди. Ватан тушунчаси енгиллашиб кетгандай бўляяпти. Бу ҳаммамиз ўйлаб кўришимиз керак бўлган масалалар...

Халқимизни ҳамиша нима сақлаб қолган? Кучли иродада, мустаҳкам сабр, зўр шижоат ва ғайрат, тоза эътиқод ва албатта яхши кунларга умид... Шу нарсалар халқнинг кўксини кўтарган. Биз худога маъқул бўладиган бу ҳис-түйғуларсиз муродга етолмаймиз. Негаки, табиатнинг ўзравиши бор...



*Халқимизни ҳамиша нима сақлаб қолган? Кучли иродада, мустаҳкам сабр, зўр шижоат ва ғайрат, тоза эътиқод ва албатта яхши кунларга умид... Шу нарсалар халқнинг кўксини кўтарган.*



«Авесто»да тупроқ, сув, олов ва ҳавони муқаддас билиш, пок сақлаш борасида муҳим кўрсатмалар бор. Ёки халқимизнинг мақолларига бир эътибор беринг: «Бирни кессанг, ўнни эк», «Яхшидан боғ қолади, ёмондан доғ», «Дарёнинг бўйида ўтиранг ҳам сувни исроф қилма», «Сувни ифлослама, Сулаймон ота тутади» ва ҳоказо... Бир сўз билан айтганда халқимизнинг ҳар соҳадаги донолигидан куч оламан ва ана шундай бағрикенг халқнинг вакили эканлигимдан фахрланаман.

– Халқнинг яқдиллиги ҳаммасидан муҳим. Унинг бутунлигини нималарда кўрасиз? Бугун шу бутунлик бизда мавжудми, қониқарлими?

– Тўғри, бирдамлик, жипслик, яқдиллик халқнинг бутунлигини белгилайди, барча ғалабаларнинг гарови. Бизнинг яқдиллигимиз шундаки, қанча босқинлардан, истилолардан омон чиқдик, баъзан ютдик, баъзан ютқаздик. Аммо ўзлигимизни йўқотмадик. Тилимизни унутмадик, баъзи зиёли ниқобидагилар унутса ҳам халқ унутмади. Динимиз ҳам, анъаналаримиз ҳам шу халқнинг қалбида асрлардан асрларга ўтиб омон келди.

Энг муҳими ўз давлатимизга эга бўлдик. Бугун бизнинг бирдамлигимиз юртимиз тараққиётига камарбаста бўлишимиз, ватанимизни ҳар қандай хавф ва хатардан ҳимоя қила олишимиз, шахсий манфаатдан ватан манфаатини устун қўя олишимизда кўриниши лозим. Эл-юртнинг манфаатини ўзиникидан устун қўйиш чинакам маънавият деб ўйлайман. Яна гап миллий фууррга бориб тақалади: ўзимиздан фуурланишни фарзандларимизга ўргатайлик. Чинакам жипслик шу фарзандлар юрагида илдиз отиши керак.

**Шодмонқул САЛОМ**  
ёзиг олди.

# Сүзнинг музи нимада?



**T**ил инсонга ато этилган сув ва ҳаводек бебаҳо неъмат. Мисол учун, қаршиңгиздаги одамга «мен ҳозир бозорга бориб келдим» деган гапни тил воситасида бир-икки сонияда етказиш мумкин. Лекин худди шу хабарни имо-ишора билан англатиш учун анча кўп вақт керак бўлади.

Тилнинг нақадар муқаддаслиги ва ҳаёт учун қанчалар зарурлиги ҳақида Қуръони каримда ибратли воқеа баён қилинган. «Эсланг, (эй Мұхаммад!) Раббингиз фаришталарга «Мен Ерда халифа (Одам) яратмоқчиман» деганида, (улар) айтдилар: «Унда (Ерда) бузгунчилик қиласидиган, (ноҳақ равища) қон тўқадиган кимсани яратмоқчимисан? Ҳолбуки, биз сенга ҳамдинг билан тасбеҳлар айтамиз ва сени муқаддас деб биламиз. (Аллоҳ) айтди: «Албатта, мен сизлар билмаган нарсаларни билурман». (Аллоҳ) Одамга барча (яратилган ва яратилажак нарсаларга тегишли) номларни ўргатди. Сўнг уларни фаришталарга (бирма-бир) кўрсатиб деди: «Агар (эътирозингизда) ростгўй бўлсангиз, ана у нарсаларни номлари билан менга айтиб берингиз!» (Улар) дедилар: «Зоти покинг ҳақку, бизда ўзинг билдирганингдан ўзга илм ўйқдир. Албатта, сен доно ва ҳакимдирсан» (Бақара сурасининг 30-32 оятлари).

Нарсаларнинг номларини билиш шунчалар зарур экан, ният ва хатти-ҳаракатни, макон ва замонни, қувончу қайғуни, умуман, дилдаги ҳиссиёт ва илинжларни осонлик билан изҳор этишининг қанчалар муҳимлиги ҳақида сўзлашга ҳожат йўқ.

Шундай экан, ҳар қандай ҳурфикар инсон ўзининг тилга муносабатини бу неъматнинг муқаддаслигидан келиб чиқкан ҳолда белгилаб олиши лозим. Гапирганда ҳам, ёзганда ҳам ҳар бир сўз ва ҳар бир жумланинг мазмун-моҳияти, салмоғи, аҳамияти ва бошқа жиҳатларига эътибор қаратиш зарур.

Абдулла Қаҳҳор «Адабиёт – атомдан кучли» деганида фақат адабиётнинг ўзини эмас, умуман, сўз қудратини назарда тутган бўлиши керак. Бунинг тасдиғи сифатида доно ҳалқимизнинг сўз билан «илон инидан, пичоқ қинидан чиқади» деган нақлини келтириш мумкин. Бир оғиз гап билан одамни қуюшқондан чиқариш ёки тинчлантириш ҳеч гап эмаслигини ҳаётий мисоллардан яхши биламиз. Ёмон гап ё шумхабардан одамларнинг қон босими кўтарилиши ё аллергияси қўзғashi ё қанд миқдори ошиб кетиши ҳеч гап эмас. Дейлиқ, «фалончи сенинг нафсониятингга тегадиган фалон гап айтди» ёки «шу билан сирингни ҳамма билиб бўлди» қабилидаги гапларни эшитган одам бирдан ғазабланади. Аксинча, «ундай эмас, бошқача гапирди», «йўқ, адашаяпсан, аслида бундай» каби гаплар одамни бирдан тинчлантиради.

**Неъматни қадрламаслик, диний қадриятларни ҳисобга олмаган тақдирда ҳам, яхшиликка олиб келмайдиган қусурдир.**

Энди бевосита мақсад ҳақида сўзлайдиган бўлсақ, қўзланган ният бугун матбуотимизда, телерадиомизда, мажлису йигинларимизда тилимизга бехурматлик намоён бўлаётган ҳолатлардан айримларини келтириб, ҳамюртларимизни бебаҳо неъматлардан бирига ўта масъулият билан ёндашишга даъват қилишдан иборат. Зоро, неъматни қадрламаслик, диний қадриятларни ҳисобга олмаган тақдирда ҳам, яхшиликка олиб келмайдиган қусурдир. Айтайлик, ҳалқимизда азалдан нон ерга тушиб кетса, дарҳол олиб, упиб, қўзга суриб, тепага олиб қўйиш одати бор. Бу

– азиз неъматга ҳурмат, болалиқдан ҳамма қўриб, дилига туғиб қўядиган тамойил.

Хўш, нонга муносабат шундай экан, нима учун баъзи ҳолларда тилнинг ҳурматини уни ерга урадиган даражада эътибордан соқит қиласиз?

Қуйида матбуот, телерадио, ҳар хил анжуманларда энг кўп учрайдиган қўпол хатолардан баъзиларини келтирамиз.

Матбуотда кўзимиз тушадиган ва телерадиода қулоғимизга чалинадиган гаплардан бири «афсуски» сўзи билан бошланади. Бундай жумлаларнинг аксарияти «ачинарлидир» сўзи билан якунланади. «Афсуски, фалон нарса бўлмади» ёки «фалон иш-ҳаракат туфайли фалон нарса бўлмади» деганда, кўрсатилаётган муаммонинг моҳияти очилган бўларди.

Кўп ҳолларда «айтиш керакки» деб бошланган жумла «дейиш мумкин» деган сўзлар билан якунланаяпти. Эҳтимол, эфирда бу нуқсон билинмаслиги мумкин-дир, лекин чоп қилинган нарсада яққол кўзга ташланиб туради.

Ўйлаб қўрайлик. Ҳар бир ёзганимиз ва ҳар бир айтганимизни.

Яқинда «ҳаётимни кўйганман» деган гап чиқди. Видеофильм кўрасизми, радио эшиласизми, матбуот ўқийсизми – барибир. Ота болага, ўғил онага, куёв келинга шундай ваъда бераяпти. Ҳаёт ҳеч қаерга қўйилмайди! Ҳаёт тикилади. Тикилганидан кейин ундан қайтиб бўлмайди. Бу – жуда оғир гап. Уни ҳар ким айтавермаслиги керак. Ҳатто видеофильмда ҳам.

«Ҳар» сўзи кўпчиликни сарсон қиласапти ва саводсизлигини кўрсатиб қўяяпти. Илгариги даврда журналистика ё филологияни битириб келган одам билан эҳтиёт бўлиб гаплашиларди, ҳозир уларга ҳамма нарсани янгидан ўргатишга тўғри келаяпти. Масъулиятни касбдан ўрганади, лекин саводини ўша ўқиган жойида оширгмаган бўлса, бор тингловчиларини саводсиз қиласи.

Энг кўп учрайдиган жиддий хато – тўғри келса-келмаса «ҳар» сўзини ҳамма ёқда ишлатиш. «Ҳар бир Аллоҳ таолонинг сўзи», «ҳар бир Ином Бухорийнинг асари». Бу ўринда, диний томондан қарайдиган бўлсак, гуноҳларнинг энг каттаси бўлган ширкка йўл қўйилаяпти. «Ҳар бир Аллоҳ таоло» деганда, бир неча илоҳтушунилади, Аллоҳ таолонинг ҳар бир сўзи эмас. Яна «Ҳар бир президентнинг фармони» ёки «тўртта президентнинг қарори» деганда эса президентларнинг қарори тушунилади. Аслида бу гап «президентнинг ҳар бир фармони» ва «президентнинг тўртта қарори» деб айтилиши керак.

**Ҳозир баъзилар таржимаи ҳолини ё таътилга чиқиши аризасини ҳам ёза олмаслиги мана шундай – майда кўринган, лекин томиб-томиб кўл бўлган иллатларнинг оқибати бўлса керак.**

Жумла тузишда сўзларни ўз ўрнига қўя олмаслик иллати шу қадар кенг тарқалиб кетдики, айримлар замонавий нашрларни ўқишдан безиб қолди, телерадиони кузатмай қўиди. «Очиқдан-очиқ аёлларга дискриминация», «гижжалар билан қандай уй шароитида курашиш мумкин?» деган жумлалар ва телба-тескари иборалар ҳар нарсани ўқиб-эшишига интиладиган ёш авлоднинг тафаккурини бузиши бутун жамият келажаги учун заардир. Ҳозир баъзилар таржимаи ҳолини ё таътилга чиқиши аризасини ҳам ёза олмаслиги мана шундай – майда кўринган, лекин томиб-томиб кўл бўлган иллатларнинг оқибати бўлса керак. «Уй шароитида гижжаларга қарши қандай курашиш мумкин?» дейиш қийинми?!

«Хар иккиси» ё «хар учаласи» деган сўзлар ҳам жуда урф бўлди. Икки киши ҳақида гапира туриб, ҳар иккиси дейиш – бемаъни. Аслида «иккови» ё «икковининг ҳар бури» ё жўнгина «ҳар бури» бўлади.

«Ҳафтанинг ҳар пайшанба куни» қабилидаги гаплар ҳам «ҳар касаллиги»нинг бир тури. Ойнинг ҳар пайшанбаси дейиш мумкин, чунки бир неча марта келади. Ҳафтада эса битта бўлади. Шунинг учун оддий қилиб «ҳар пайшанба» десак, ҳеч кимнинг ғижини келмайди.

«Ҳар» билан «ҳеч»нинг фарқига ҳам бориш керак. Бундай қўпол «адашиш»га мисоллар кўп. Мана биттаси: «Ҳар бир шоирнинг китоби ватан ҳақидаги шеърсиз чиқмайди».


Кейинги ноўрин қўлланаётган сўзлардан бири «ажрим»дир. Бу ҳукм маъносини билдиради. Масалан, «суднинг

ажрими чиққан» деймиз. Шунинг учун ажрим сўзини оилавий ажрашишларга нисбатан ишлатиб бўлмайди. Масалан, «оилавий ажримга олиб келувчи фалон сабаб ва омиллар» деб кўп гапирилаяпти.

Сценариими, кўрсатув ё эшиттириш матними, нутқ, маъруза ё мақолами, нима ёзишимиздан қатъи назар, ортиқча сўз ва қўшимчаларни ўйлаб ишлатишимиш керак. Илм эгаллашга бўлган интилиш, спортга бўлган қизиқиш ва ҳоказо. Бу «бўлган»ларнинг нима кераги бор, тушуниб бўлмайди. Фаросатимиз оқсанни оқибатида «бўлган»ни «бўлмаган»га айлантираяпмиз.

«Бежиз» сўзига -га, «ҳозир» сўзига -да қўшиш расм бўлди. Руслар «в сейчас», инглизлар «at now» демайди. Бошқа халқлар ҳам «ҳозир»га бундай қўшимча қўшмайди. Биз қачон, қаердан ўргандик, шуни сира англаб бўлмайди.

«Бежиз» сўзига -га,  
«ҳозир» сўзига -да  
қўшиш расм бўлди.  
Руслар «в сейчас»,  
инглизлар «at now»  
демайди. Бошқа  
халқлар ҳам «ҳозир»га  
бундай қўшимча  
қўшмайди. Биз қачон,  
қаердан ўргандик, шуни  
сира англаб бўлмайди.



Қўшимчалар орасида -лик масаласида ҳам иш пачава. Бу қўшимчани бўлар-бўлмас жойларга зўрлаб киритаяпмиз. Борганиклари, келганлиги, бошқа шакли – боришлик, келишли... буни ёзган ҳам қийналади, ўқиган ҳам, эшигнинг эса энсаси қотади.


Яна -лар қўшимчаси борасида ҳам ахвол яхши эмас. Ҳурмат ва қўплик маъносида ишлатилганда, эътиrozга ўрин қолмайди. Лекин бу сўзни ҳамма ёққа суқавериш саводсизлик ва адабсизликдир. Дейлик, ўзбек тилида рақам ишлатилса, «-лар»га ҳожат қолмайди. Ўнта талаба, миллионта калава деб кетаверамиз. Бу бир жиҳати. Иккинчидан, қўпликни ҳар нарсага ҳам ишлатиб бўлмайди. «Ўнта талаба келдилар» демаймиз. Бир репортажда «Қазилма ишлари чоғида бу ердан суюклар чиқиши» деган жумла кетган эди. «Уларнинг фалон иш қилишганликлари» тарзидаги қусурли гаплар эфирда ҳам, нашрда ҳам кўп учрайди.

Энди «шундай-бундай муносабатлари»-га озгина тўхталсак. Шу дейиш учун аввал бу деб олиш керак. Масалан, «бу китоб – фойдали, шуни оламан» дейилади. Биз эса бирор иқтибос келтирадиган бўлсак, «фалончи шундай деди:» рамкасини

ишлатамиз. «Ўрмонга ўт кетибди, фалончи шундай деди» десак, бу маъқул. Лекин аввал маълумотни келтирмай туриб, «шундай»ни ишлатсак, ғализ бўлади. Нима учун ҳаётй жумлаларнинг ўзидан келиб чиқмаймиз? Масалан, устоз бирор нарсани ўргатганда, «аввал бундай қиласан, кейин мана бундай қиласан, шундай қилсанг яхши бўлади» дейди.

**Яна -лар қўшимчаси  
борасида ҳам ахвол яхши  
эмас. Ҳурмат ва қўплик  
маъносида ишлатилганда,  
эътиrozга ўрин қолмайди.**

Шу сафдаги яна бир қўполлик жумлада «қанчалик» сўзи келган бўлса, «шунчалик» сўзинишилатилмаётганидир. «Бадантарбияни қанчалик тез одат қилсангиз, ўзингизга яхшидир». Бу жумла кемтиклиги билиниб туриди. Бунга қўшимча сифатида «қанча», «неча» ва «нечта»ни ҳам фарқлай билиш керак. «Нон қанча туради?», «нон неча пул?», «нечта нон бор?» каби саволлар кундалик ҳаётда кўп ишлатилади, лекин қофозга тушиши билан ғализлашиб кетади.



Биз «илиқ» билан «иссиқ»ни ҳам фарқламай қўйдик. Об-ҳаво маълумотида ҳаво салқинроқ бўлса, «илиқ» сўзи ишлатилади. Ёзги иссиқларга нисбатан «иссиқ» қўлланади. Аслида иссиқлик – физикага оид тушунча бўлиб, даражада айтилганда, унга изоҳ бериш шарт эмас. «Иссиқ» бир даража ҳам, миллион даражада ҳам бўлиши мумкин. «Илиқ» эса ўта нисбий тушунча. Шимолда яшовчилар учун илиқ бўлган даражада жанубдагилар учун совуқ бўлади ва аксинча. Қатъий гап шуки, илиқлик ҳеч қандай даражада билан ўлчанмайди ё белгиланмайди. Яна ҳаммамиз озми-кўпми биладиган рус тилига қиёс қилсан, улар «столько-то градусов прохлады» ё «пятьсот градусов жары» демайди. Шундай экан, физика атамаларига тўлиқ амал қилиш керак. Ҳаво ҳароратига қараб, даражага илиқ-иссиқ деб баҳо бериб бўлмайди. Рус тилидан мисол келтирадиган бўлсан, «...грасудов тепла» тарзидаги жумла ишлатилади, улар «... грасудов жары», «...грасудов прохлады» демайди. Бошқа халқларда ҳам шундай.

*Кейинги пайтларда «ҳақиқатдан», «барчаларимиз» дейишга ўргандик. «Маънан», «жисмонан», «табиатан» дейилгани каби «ҳақиқатан» демай қўйдик. «Ҳаммамиз»*

деганда кўпчиликни, барчани тушумиз, лекин «барчаларимиз», «барчаларингиз» дейишни маданият, одоб белгиси деб қабул қилиб олдик. Яъни, саводсизлик адабга айланиб бораётди. Бошқа мисол керакми?! «Ўқинилган», «айтинилган» деган сўзлар кунда-кунора қулоққа чалинайти. «Ўқимоқ»нинг мажхул нисбати – «ўқилмоқ», «айтмоқ»ники – «айтилмоқ». «Ўқинилмоқ» деган феъл йўқ!

Албатта, бир мақолада бундай қусурларнинг ҳаммасини санаб ўтишнинг иложи йўқ («иложиси йўқ» дейилмайди). Сўз якунида бир гапни айтиб ўтамиз, холос: чиройли гапириш ё ёзишга иштиёқмандлар кўп. Афсуски, уларнинг аксариятига бошқалар «устоз», «домла» деб мурожаат қиласди, айтганини мутлақ ҳақ ва тўғри нарса деб билади. Одамлар телерадио ва газета-журналлар, мажлису анжуманлардаги гапларни этalon ё ҳақиқат сифатида қабул қилишга ўрганган. Шундай экан, айтадиган ё ёзадиган ҳар бир нарсамизга масъулият билан ёндашишимиз зарур. Акс ҳолда, бу шунчаки лоқайдлик эмас, балки ўз она тилимизга ҳурматсизлик, куфрони неъмат бўлади.

**Анвар БОБОЕВ,**

Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази илмий ходими



# ЭШИКЛАР ОЧИК,

Байрамали ҚҮЛДОШЕВ тайёрлади.

лекин...

1.

**Хештег** – инглизча hash ва tag сўзларидан олинган бўлиб, ижтимоий тармоқда бирор мавзуга оид манбаларни осон топиш учун панжара белгиси (#) қўшиб ёзиладиган калит сўз ёки ибора.

2.

**Скриншот** – инглизча сўз, экранни суратга олиш маъносини билдиради. Кўпчилик мобил телефони ёки шахсий компьютери экранидаги маълумотларни саклаш ва тарқатиш учун мазкур дастурдан фойдаланади.

3.

**Тютор** – ўзбек тилида тарбиячи маъносини билдиради. Университет ва институтларимизда шу номдаги иш ўрни бўлиб, ушбу вазифадаги киши талабалар гуруҳига мураббий сифатида бириктирилади.

4.

**Челленж** (challenge) — чақирув, даъват дегани. Ижтимоий тармоқ саҳифаларида баъзан эътиrozни, баъзан эътирофни қўллаб-қувватлаш учун ўюштирилади.

5.

**Негатив** (nigativus) – лотинча сўз, манфий, салбий деган маъноларни билдиради. Аслида фотографияга оид бўлган бу атама ҳозир ижтимоий ҳаётда салбий фикр, ҳис ва муносабатни билдирувчи ибора сифатида кенг ишлатилади.

6.

**Имиж** – қиёфа, тасвир маъноларига эга. Одамларда бирор шахс ёки ташкилот ҳақида тасаввурни шакллантириш учун қўлланади.

7.

**Бот** – робот сўзининг қисқартмаси бўлиб, чех тилидаги робота – меҳнат сўзидан келиб чиққан. Бугунги кунда ботлар маълум дастур доирасида виртуал ҳаракатни амалга оширадиган маҳсус тизимдир.

8.

**Логин** – инглиз тилидан олинган бўлиб, ахборот тизимлари, иловалар ва бошқа дастурларга киришда фойдаланувчи ишлатадиган маълум сўз ёки белги.

9.

**Парол** – ҳарф, рақам ёки бошқа белгилардан иборат, шахс ёки ваколатни тасдиқловчи калит сўз.

10.

**Фейк** инглизча сўз бўлиб, сохта деган маънога эга. Бугунги кунда нотўғри ва тасдиқланмаган маълумотларга нисбатан фейк ибораси қўлланади.



Филология фанлари доктори, профессор Ҳамидулла Дадабоев тавсия этади:

**1.Ҳештег** – қулавуз; йўлчи. Илк бор «йўлчи, йўл кўрсатувчи» маъносида XI юз йилликда эски туркий тил обидалари «Қутадғу билиг» ҳамда «Девону луғотит-турк»да қулавуз // қулабуз истилоҳи қайд этилган:

*Бу кўқдаки юлдуз бир анча безак,  
Бир анча қулавуз, бир анча язак  
(“Қутадғу билиг”).*

Ўрхун ёдномаларидан Тўнюқуқ битигида қайд этилган маъно ерчи ясамаси билан ифодаланган: Ерчи тиладим – Йўл кўрсатувчи истадим.

Қадимги Турфон матнларида «йўлбошловчи, йўлчи» англами йўлчи-ерчи жуфт сўзи ёрдамида англашилган. Айни маънони билдириш учун Юсуф Хос Ҳожиб «Қутадғу билиг» пандномасида қулавузнинг маънодоши йўлчи истилоҳини ишлатган: Қамуғ ишқа йўлчи билиг бар уқуш – Ҳар қандай юмушда билим ва ақл йўлчидир.

Қулавуз истилоҳи XIV юз йилликда Хоразм адабий мұхитида яратилган «Гулистон бит туркий» ҳамда «Наҳжул-

фародис» асарлари сўз бойлигидан ўрин олган: Пайғамбар алайҳиссалом айтдиким, бизга бир қулавуз керак («Наҳжул-фародис», 126110).

Ҳозирги ўзбек компьютер тилшунослиги терминлари тизимида муайян мавзуга тегишли манбаларни топиш енгил кечиши учун «#» белгисига қўшиб ёзилаётган инглизча ҳештег сўзини аждодлартилида кенг қўлланган қулавуз, йўлчи, ерчи сўzlаридан бири билан алмаштириш мумкин. Бу инглизча сўз ўрнида қулавуз истилоҳини истеъмолга киритиш тарафдориман. Зотан, ушбу бирлик тарихан бир маънода ишлатилгани билан эътиборга молик. Қолаверса, ҳозирги турк тилида кенг қўлланаётган kulavuz 1) йўлбошловчи; сайёҳларга тушунириш берувчи (гид); 2) йўлкўрсаткич; маълумотнома; 3) бошқарувчи, етакчи (учак); 4) совчи; 5) тех. йўналтирувчи (изга, йўлга) маъноларини ифодалашда қўл келмоқда.

“

Хозирги ўзбек компьютер тилшунослиги терминлари тизимида муайян мавзуга тегишли манбаларни топиш енгил кечиши учун «#» белгисига қўшиб ёзилаётган инглизча ҳештег сўзини аждодлар тилида кенг қўлланган қулавуз, йўлчи, ерчи сўзларидан бири билан алмаштириш мумкин.

**4. Челленж** (challenge) сўзининг вазифасини чақирув сўзи уддалайди деб ҳисоблайман.

**5. Негатив** атамасининг аксарият ижтимой муносабатлар мавзусидаги матнларда фаол ишлатилишидан келиб чиқиб, уни салбий муносабат ибораси билан алмаштириш мақбул кўринади.

**6. Имиж** кейинги кезларда жонли сўзлашув ва ОАВда тез-тез қўлланадиган янги сўзлар қаторидан ўрин ола бошлади. Қайсиadir ташкилот, муассаса ёки ишлаб чиқариш билан банд корхона янгиликка тинимсиз интилиш туфайли қўлга киритган обрусини сақлашга ҳаракат қилса, нутқда «Бу ташкилот ўз имижини ушлаб турибди», муайян шахс объектив ёки субъектив омиллар боис қиёфасини ўзгартирса «Фалончи имижини ўзгартирибди» сингари жумлаларни ишлатамиз. Биринчи гапдаги имиж сўзи ўрнида донг, довруқ, овоза ҳамда XI-XIV асрларда кенг ишлатилганчов сўзларидан бирини қўллаш ўринли. Иккинчи гапдаги имиж англатган маънони кўриниш сўзи тўла ифодалаш қувватига эга.

**7. Бот** – компьютер тилшунослиги терминлари сирасидан мустаҳкам жой эгаллашга улгурди. Шу сабаб уни ишлатиш ўзини оқлади.

**8. Логин** атамаси истеъмолда қолгани маъқул. Мазкур сўз нафақат ахборот технологиялари, балки ҳалқ тилида ҳам оммалашишга улгурди. Унинг муқобилини қидиришга эҳтиёж йўқ.

**2. Скриншот** – мобил қурилма экраннда акс этган маълумотларни сақлаб олиш ва тарқатишнинг энг осон тuri сифатида оммалашган инглизча бу сўзниң қўлланишига қаршилигим йўқ.

**3. Тютор** – ўзбек миллати ҳазм қилиши қийин кечәётган мазкур сўзниң тилимизда муқобилий йўқми деган савол очиқ турибди. Унга қониқарли жавоб топиш учун ўтмишга назар ташлаш зарур. Мозийда мадрасаларда ўқиган ўқувчиларнинг оладиган билими ва тарбияси билан бевосита шуғулланган шахслар асл ўзбекча бегатка ва отабег, арабча мураббий, муаллим, форсча-тоҷикча устод//устоз истилоҳлари ёрдамида англашилган. Арабча тарбия ўзлашмасидан ясалган ўзбекча тарбиячи сўзи мактабгача таълим тизими(боғча) да болалар тарбияси билан машғул хотин-қизлар (боғча тарбиячиси), шунингдек, мактаб ва олий таълимда фолият олиб бораётган муаллим ҳамда мураббийларга нисбатан қўлланаётгани янгилик эмас. Алоҳида штат бирлигига эгалик қиласидиган, талabalарнинг маълум гуруҳига тарбия берувчи сифатида бириктирилган ходимни тарбияловчи деб аташ мақсадга мувофиқ. Зеро, ушбу сўзниң ўзаги ҳисобланмиш тарбия ўзлашмаси «болани боқиб ва тарбия бериб катта қилиш, вояга етказиш учун қилинадиган меҳнат ва ғамхўрлик»дан ташқари «иш-ҳунар, одоб-ахлоқ ўргатиш ва умуман кишининг ғоявий-маънавий қиёфасини шакллантиришга қаратилган таълим тизими» маъносини ҳам ифодалайди.

# Скриныш Тютор Вайн

“

Қадимда парол ўзлашмаси билдириган  
маъно асл туркийча им ҳамда ўрон  
истилоҳлари иштирокида англашилган.

9. Парол сўзи рус тили орқали луғатимиздан ўрин олган бўлиб, илгари ҳарбий терминологияда кенг ишлатилган. Қадимда парол ўзлашмаси билдириган маъно асл туркийча им ҳамда ўрон истилоҳлари иштирокида англашилган. Ўзлашма атаманинг маъно-мазмунини эътибордан қочирмаган ҳолда уни очқич сўз бирикмаси билан алмаштириш мумкин.

10. Фейк сўзининг рус тили орқали ўзбек ОАВ сўз бойлигидан жой ола бошлиганига унча узоқ вақт бўлгани йўқ. Бугунги кунда етарли асосга эга бўлмаган, тасдиқланмаган, пуч маълумот фейк хабар ибораси билан англашилмоқда. Ибора таркибидаги фейк сўзини қадимдан тилимизда қўлланиб келаётган ёлғон сўзи билан алмаштириш ҳеч қандай қийинчилик туғдирмайди ва ибора маъносига путур етказмайди.

ОЙГА

ИНТИЛСАНГ,  
ЮЛДУЗЛАР  
ОРАСИДА  
БЎЛАСАН



Шаҳло Турдиқулова – биология фанлари доктори, профессор. Ўзбекистон Фанлар академиясининг 80 йиллик тарихида биринчи аёл вице-президент. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги илғор технологиялар маркази директори. Илғор технологиялар марказидаги инсон генетикаси ва биотехнологияси илмий мактабининг асосчиси. «Дўстлик» ордени соҳиби. 78 та илмий мақола (шундан 42 таси хорижда нашр этилган), 3 та китоб ва қатор монографиялар муаллифи.

## УСТОЗИМНИНГ БАШОРАТЛАРИ

Сулоламизда илм йўлидан кетган тўртинчи авлодман. Катта бобом хизмат кўрсатган педагог, ўзбек таълими ривожига ҳисса қўшган фидойи устозлардан бўлган. Ота-онам математик. Отам илм қилиш билан бирга педагогик фаолият билан шуғулланган, онам бир умр ЎзФАда ишлаган. Мен ҳам оиласвий анъянани давом эттириб, математик бўлишни хоҳлардим. Отам кибернетика мутахассиси бўлгани учун менга ҳам шу йўналишни маслаҳат берган. Ўша вақтлар бу соҳа энди-энди ривожланиб қелаётган эди. Ўзим эса АТ (ахборот технологиялари) билан биологияни бирлаштириб, биороботлар яратиладиган келажакни орзу қилардим.

Мактабни битириш арафасида қайси соҳани танласам экан деб кўп иккилангандим. Буни кўриб отам бир биолог дўстининг олдига бошлаб борди. Суҳбатимиз давомида у киши ҳали шундай замонлар келадики, кибернетика ва биология бирлашиб фанда мўъжизалар яратади, биороботлар, яъни сунъий ҳужайралар пайдо бўлади деган фикрни айтди. Шунда ўзим яхши кўрган фанлар – математика ва биология билан келажакда бирдай шуғулланишни ният қилдим. Ўша кишининг фикрларидан илҳомланиб, Тошкент давлат университетининг биология факултетига ўқишга кирдим.

Талабаликнинг ilk куниданоқ биотехнолог бўлишни мақсад қилдим. Ўша вақтлар биотехнология кафедраси мудири отамнинг ўртоғи Адҳам Раҳимов эди. У киши диплом ишим, номзодлик, докторлик ишларимга илмий раҳбарлик қилган.

Домла узоқни кўрадиган зукко олим эди, ўн, йигирма, ўттиз йилдан сўнг фанда қандай янгиликлар бўлишини башорат қила оларди. Қарангки, домла кўп йиллар олдин хаёл қилган кашфиётлар бугун амалга ошяпти.

Афсуски, мустақиллигимизнинг ilk йиллари барча соҳаларда бўлгани каби



*Ўзим эса АТ (ахборот технологиялари) билан биологияни бирлаштириб, биороботлар яратиладиган келажакни орзу қилардим.*

ilm-fanда ҳам қийинчиликлар даври бўлди. Ўша кезлар энди аспирантурани битириб, биотехнология бўйича номзодлик диссертациямни ёқлагандим. Юртимизда илмнинг аҳволини кўриб, буёғига нима қилишни билмай тургандим. Шунда Лос-Анжелесдаги Калифорния университетининг таклифи билан АҚШга кетдим. У ерда бир олим билан танишдим. Тасодифни қарангки, у киши устозим Адҳам



## O'ZBEKISTON RESPUBLİKASI FANLAR AKADEMİYASI

Ҳакимович билан бир вақтда илмий фаллиятини бошлаган экан. Ҳатто биотехнология кафедраси ҳар икки юртда ҳам кетма-кет ташкил этилган экан. Фақат у ерда шароит мутлақо ўзгача ва илм ҳам анча илгарилаб кетганди. Биз орзу қилиб юрган янгиликлар уларда аллақачон амалиётга татбиқ этиб бўлинганди. Бизнинг олимларимизнинг улардан кам жойи йўқ эди аслида. Салоҳияти юқори бўлса юқорики, асло паст эмасди. Аммо қаерда илм одамларига шароит ва эътибор бўлса, ўша ернинг илми тез ривожланади.

---

Бизнинг олимларимизнинг улардан кам жойи йўқ эди аслида. Салоҳияти юқори бўлса юқорики, асло паст эмасди. Аммо қаерда илм одамларига шароит ва эътибор бўлса, ўша ернинг илми тез ривожланади.

---

ташиш учун молекуляр сигналлар пайдо бўлди. Ўзбекистонга қайтгач, биокимё ва ҳужайра биологияси бўйича докторлик диссертациясини ёқладим. Шундай қилиб, мен икки марта илмий мутахассислигимни ўзgartирдим. Аммо биотехнология ҳали ҳам ишимнинг муҳим қисми.

### МЕНИНГ ИККИНЧИ УЙИМ

Ҳар қандай ривожланган давлатдагидан кам бўлмаган, ҳар томонлама замонавий илмий марказ очаман деган ният билан Америкадан келдим. Аввалига лабораторияда ишга жойлашдим, аммо онамдан илфор технологиялар маркази ташкил этилиши ҳақида эшитиб тинчим

бузилди. Академия президиумининг йиғинларига қатнай бошладим. Марказда лаборатория мудири бўлиб иш бошладим. Бошида осон бўлмади, ҳаммасини нолдан бошладик.

Илгари марказ ташкил этиш анча мушкул эди. Ҳозир биноларини тайёр қуриб беришяпти. Биз ҳаммасини ўзимиз қилганмиз. Марказ биносининг қурилишигача юргурганмиз. Ярим йиллаб лойиҳа институти эшигига навбат кутганмиз. Чунки илмий марказни оддий ишчилар қуролмайди. Махсус мутахассислар керак. Стратегия, низом, тузилиши бўйича хорижда ишлаётган ватандош ҳамкаслар билан ҳар куни соатлаб маслаҳатлашдик. Чунки бино, жиҳоз, асбоб-ускуналар муваффақиятнинг 20 фоизини ташкил қиласди, холос. Қолган 80 фоизи эса нима билан шуғулланиш, қандай тадқиқотларни амалга ошириш ва бу тадқиқотлар хорижий давлатларники билан қанчалик мос келиши билан боғлиқ. Мана шу масалаларга бизда тайёр жавоб бўлиши керак эди.

Бошида хориждан бир қанча ҳамкорларимиз ишга келишди, аммо муаммоларга дуч келгач, бир-бир ярим ой ишлаб қайтиб кетишиди. Фақатгина Иброҳим Абдураҳмонов иккимиз охиригача курашдик. Натижада мамлакатимиз илм-фани ривожига катта ҳисса қўшаётган икки марказни – «Геномика ва биоинформатика» ҳамда «Илфор технологиялар» марказини ташкил қиласди. Бугунги кунда бу марказларнинг ўзбек илм-фанида ва мамлакатимиз ривожида ўрни катта.

Хорижда тўпланган тажрибаларни ўзбек илм-фанига татбиқ этиш фанда мактаб яратилиши ва ривожланишига катта туртки бўлади. Тасаввур қилинг, ривожланган давлатларда ўқиётганларнинг кўпчилиги юртга қайтса, жуда катта илмий потенциал вужудга келади. Америкада ишлаб юрган пайтимда барча ҳам-



*Бугун фаннинг катта муаммоси – бизнесдан ажralиб қолгани. Бу муаммони ҳал этиш учун марказда илмий стартаплар яратиш йўлидан бораяпмиз.*

касбларим ўша ерда қолишга унданаган. «Нега шундай шароит, моддий имконият ва карьерани ташлаб кетмоқчисан?» деб сўраган. Ҳатто отам борганида раҳбарим олдига чақириб, «иккита фарзанди бор экан, кетиб нима қиласди, болаларининг келажаги учун имкониятлардан фойдаланмайдими?» деб айтган.

Бир карис олимнинг гапи ҳеч эсимдан чиқмайди. «Нима қиласан бу ерда қолиб? Ўз юрtingга бор, ўрганганларингни амалга қўй. Сенга ўҳшаган олимлар қайтиб борса, юрtingда ривожланиш бўлади. Бу ерда юрсанг, ватанингга қандай фойданг тегади?» деган эди у.

Марказимиз аслида 2012 йилда ташкил этилган бўлса-да, 2015–2016-йилларда иш бошладик. Бир неча йил олдин Инновацион ривожланиш вазирлиги таркибига ўtkazildik. Бугун фаннинг катта муаммоси – бизнесдан ажralиб қолгани. Бу муаммони ҳал этиш учун марказда илмий стартаплар яратиш йўлидан бораяпмиз. Масалан, лабораторияда коронавирусни таҳлил қилишнинг тест тизимини яратиб, уни ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Марказда «SARS-CoV-2»ни аниқлаш бўйича мамлакатимизда биринчи ПЦР тест тизими яратилди. Хитойлик ҳамкорларимиз билан рекомбинант вакцинанинг клиник синовлари ўtkaziliб, «ZF-UZVac-2001» савдо белгиси остида янги вакцина рўйхатдан ўtkazildi.

Хуллас, бу марказ менинг иккинчи уйимга айланган.



## XXI АСР – ГЕНЕТИКА АСРИ

Лабораториямиз инсон генетикаси билан шуғулланади ва икки йўналишда фаол иш олиб боради. Биринчиси – аҳоли генетикаси: биз минтақамизда яшовчи одамларнинг келиб чиқишини ўрганамиз. Ҳар бир инсоннинг гени уч миллиард генетик ҳарф – нуклеотиддан иборат бўлиб, уларда жуда кўп маълумотлар шифрланган. Агар уларнинг номлари ёзув машинкасида бир қатор қилиб ёзилса, занжир шимолий қутбдан экваторгача чўзилган бўларди. Битта генетик тадқиқот ўтказиш учун қанча маълумотни қайта ишлашимиз кераклигини шундан тасаввур қилиб олса бўлаверади.

Иккинчи йўналишимиз – инсон касалликлари генетикаси. Одамларнинг турли касалликларга мойиллигини аниқлаш орқали тиббиётга ёрдам бериш.

ДНК занжирида ҳар бир генга қатъий белгиланган жой ажратилади ва у аниқ вазифаларни бажаради. Аммо баъзида геном «бузилиши» мумкин (мутация дейилади), шунда одамда ирсий касалликлар пайдо бўлади. Мутациялар, шунингдек, генетик ва хромосомаларга бўлинади. Агар Даун синдроми хромосома касаллиги бўлса ва анча вақт олдин ташхис қўйилган бўлса, янада нозик таҳлил – индивидуал генлардаги «бузилишлар» билан ишлаймиз.

Бундай «бузилишлар» жиддий туфма патологияларга, шунингдек, диабет,



Ирсий генетик касалликлар ҳақида билиш орқали ёмон касалликлар ривожланишининг олдини олиш имкони бор. Бунинг учун хавфли мутацияларни аниқлайдиган ДНК тестини ўтказиш керак.

гипертензия, юрак-қон томири касалликлари ва онкологияга олиб келиши мумкин. Саратон ҳам генетик касаллик. Ҳужайранинг бир нуқтасида носозлик пайдо бўлади ва у назоратдан чиқиб, кўпайишни бошлайди. «Муваффақиятсизликлар» аста-секин тўпланиб, хавфли ўсимта пайдо бўлади. Сабаблари нимада? Бунда атроф-муҳитнинг ифлосланиши, ирсият ҳам рол ўйнайди. Бола мутацияланган ҳужайра билан дунёга келиши мумкин. Агар оғир экологик муҳитда яшаса, саратоннинг ривожланиши тезлашиб кетади. Шунинг учун ирсий генетик касалликлар ҳақида билиш орқали ёмон касалликлар ривожланишининг олдини олиш имкони бор. Бунинг учун хавфли мутацияларни аниқлайдиган ДНК тестини ўтказиш керак.

Ирсий касалликлар билан боғлиқ бўлган яна бир муаммо – Ўзбекистонда қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг кўплиги. Бундай патологияга эга бўлган болаларнинг деярли юз фоизи ота-онаси қариндош бўлган оиласларда туғилади. Буни аниқлашга ҳам генетик тест ёрдам беради. Бундай тест аллақачон кўплаб мамлакатларда, масалан, Истроил, Ирландияда амалга оширилмоқда. Синов ирсий патологиялари бўлган болалар туғилиши хавфини аниқлашга ёрдам беради ва агар хавф юқори бўлса, никоҳдан воз кечилади. Афсуски, халқимиз бу муаммони ҳалигача англаб етгани йўқ.

## РАҲБАР, КАРИЕРА ВА АЁЛ

Фанда ҳам, сиёсатда ҳам ёки бошқа соҳаларда ҳам аёллар ноёб ўсимликларга ўхшайди. Қанча баландда ўssa, шунча кам бўлади. Мамлакатимиздаги фан докторларининг бешдан бир қисми, яъни олти нафари аёл-академик. Дунё илм-фанига қарайдиган бўлсақ, бу жабҳада ҳам улушнинг 30 фоизга яқини аёлларга тўғри келади. Биология соҳасида аёллар сони доим кўп бўлган. Аслида илм оламан, кариера қиламан деган аёлларимиз азалазалдан кам бўлмаган. Масалан, катта бувим биринчи ўзбек инженер аёли бўлса, кичик бувим ҳам инженерликка ўқиган.

Илмли одам ҳамма соҳада – ишда ҳам, оиласда ҳам, илм-фанда ҳам ғалаба қозонади. Чунки у ерда ҳам, бу ерда ҳам бир хил фазилат ва қўнимкалар, ижтимоий мулоқот ва бошқарув, ташкилотчилик ва масъулият талаб қилинади. Ўзимдан мисол келтирсам, доим икки жойда ишлаганман. Америкадан қайтгач генетика институти ва университетда, кейин «Илфор технологиялар» маркази ва Инновация вазирлигига, мана ҳозир марказни бошқариш билан бирга академияда ишлайман. Ҳар бирида вазифамни масъулият билан адо этишга ҳаракат қиламан.

Раҳбар аёл ўзи бошқараётган ташкилотнинг онаси кабидир. Қўлидаги ходимларни бақир-чақир қилиб эмас,



*Илмли одам ҳамма соҳада  
– ишда ҳам, оиласда ҳам,  
илм-фанда ҳам ғалаба  
қозонади.*





МАЛЫННИЙ ҲАЁТ 40 йыл (2011)



мехрибонлик билан, онадек, опадек, уларни эшитиб, тушуниб, яхши гапириб йўлга солиши керак. Шунда унга қулоқ солишади, ҳурмат қилишади ва бўйсунишади. Чунки ҳаммамиз фарзандмиз ва ўз онамизнинг гапини икки қилмаймиз.

Эришганларим ортида мени қўллаб-қувватлаб турган оилас – ота-онам, қайнона-қайнотам турибди. Доим уларга сяянаман. Улар ҳар бир ютуғимдан ўзимдан кўра кўпроқ суюнади, фахрланади.

## ХУЛОСА

Инсон ўз олдига қатъий мақсад қўйиб яшайди. Хоҳ сиёsatчи бўлсин, хоҳ олим, хоҳ ижодкор – ҳамманинг ўз йўли, орзуниятлари бўлади. Айниқса, илм йўлини танлаган одам муайян бир йўлни, маشاқкатларни босиб ўтиши керак. Энди илмга кириб келган, ёш олим пайтимда берган интервюларимда «Ойга интил, юлдузлар орасида бўласан» деган тамоийилга амал қилиб яшайман деган эканман. Одам қанча юқорига интилса, шунча баланд чўққиларни эгаллайверади. Ва албатта бу одамларга фойда келтириши керак.

Фанлар академиясига келган кунимдан бошлаб стратегияни ишлаб чиқайлик, аниқ мақсадлар қўяйлик деган таклифни ўртага ташладим. Чунки фанда ким нимани хоҳласа, ўша билан шуғулланиши ривожланишни тўхтабиб қўяди. Шунинг учун фаолиятимизни икки йўналишга, яъни Ўзбекистон учун зарур бўлган тадқиқотлар ва дунёмиқёсида Ўзбекистонни танитадиган тадқиқотларга бўлдик. Энг долзарб ўн бешта йўналишни танлаб олдик. Стратегия ишлаб чиқдик. Чунки фан ўта консерватив соҳа, таваккал қилиш ярамайди.

**Шаҳноза РОФИЕВА** ёзиб олди.

# КАЛТИС САВОЛЛАРГА НОЗИК ЖАВОБЛАР



Саволларга Ўзбекистон мусулмонлари  
идораси Фатво маркази бош мутахассиси  
**Ҳикматуллоҳ Тоштемиров** жавоб берди

Дамин ЖУМАҚУЛ тайёрлади.

# 1

**Савол:** Ассаламу алайкум! Ота-она қиз фарзандини турмушга узатганидан кейин ундан молиявий ёрдам ёки ҳадялар кутиши жоизми ва қиз фарзанднинг ота олдиаги бурчлари ва фарзларини айтиб берсангиз, илтимос.

**Жавоб:** Ваалайкум ассалом! Қизини турмушга узатгач, агар ота-она камбағал ва муҳтож бўлиб қолса ва шу ҳолатда қизнинг шахсий мулки бўлса (ота-онанинг бошқа ўғил фарзанди бўлмаса ёки ўғил фарзанди ҳам фақир бўлса), албатта, қиз ота-онасига моддий ёрдам бериб, таъминлаши керак. Акс ҳолда гуноҳкор бўлади. Агар ота-она муҳтож бўлмаса, қизидан ҳеч қандай моддий ёрдам кутмаслиги лозим. Ҳадя бу – ихтиёрий нарса, лекин имкони бор ўғил-қизлар ота-она ва яқинларига ҳадя улашиб туришлари катта савобли иш. Моддий ёрдамга муҳтож бўлмаган ота-онани қиз фарзандлари ҳам турмуш ўртоғи рухсати билан кўп куттирмаган ҳолда бир ҳафта-икки ҳафтада кўргани бориб туриши керак. Албатта, бу эрининг уйи билан ота-онасининг уйи оралиқ масофаси яқин кишиларга оид гап. Узоқ бўлса, шароитга қараб, телефон орқали тез-тез ҳол сўраб, имкон топиши билан келиб, зиёрат қилиб туриши зарур.





## 2

**Савол:** Чўкаётган одам хасга ёпишибди деганларидек, касал бўлиб қолган кишилар ҳам даво истаб ҳар томон югуради. Бундай пайтда уринотерапия, яъни пешоб билан даволовчилар ҳам тузатишни ваъда қиласдилар. Шу даволаш усулидан бирор киши шифо топиши мумкинми, ўзи унинг ҳукми қандай?

**Жавоб:** Ҳалол дорилар топилиб турса ва ўша нажосатда шифо борлиги исботланмаган бўлса, уни истеъмол қилиш жоиз эмас.

Аллома Ҳаскафий раҳимаҳуллоҳ мазҳабимизда ҳаром билан даволаниш жоиз эмаслигини баён қилиб, “Ховий” китобидан нақл қиласди: “Баъзи қавлларга кўра ҳаром нарсада шифо борлиги маълум бўлса ва бошқа даво (дори) топилмаса, ҳаром билан даволанишга рухсат берилади” (Дуррул-мухтор).

Аллома Ибн Обидийн раҳимаҳуллоҳ юқоридаги сўзларни шарҳлаб, ҳаром моддада шифо борлиги аниқ бўлмаса, у билан даволаниш жоиз эмаслигини айтади. Лекин ўша моддада шифо борлиги табиб ўтказган кўп тажрибалардан маълум бўлган бўлса, бу гумони ғолиб қелган табибининг сўзи сифатида эътиборга олинади.

Демак, уламоларнинг фатволарига кўра, беморга бошқа ҳалол дори-дармон топилмаганда, ҳаром моддада шифо борлиги бир қанча тажрибаларда исботланган бўлса, даволаниш учун уни истеъмол қилиш жоиз бўлади. Бу рухсат токи бемор тузалгунча давом этади, ундан кейин эса бу нарса яна ейиш ҳаром бўлган моддага айланади.

Хадиси шарифларда ҳар бир дарднинг давоси ҳалол нарсаларда борлиги баён қилинган. Шундай экан, табибларимиз ҳалол дориларни кашф қилишга қаттиқ киришсалар, ҳаром билан даволанишга ҳожат қолмайди.



**Ҳалол дорилар топилиб турса ва ўша нажосатда шифо борлиги исботланмаган бўлса, уни истеъмол қилиш жоиз эмас.**

## 3

**Савол:** Қибла тарафда ухлаб ётган ёки гаплашиб ўтирган одамнинг ортида намоз ўқиса бўладими?

**Жавоб:** Қиблага қараб ўтирган ё турган кишининг ортида намоз ўқиса бўлади. Пайғамбаримиз Икримани қиблага юзлантириб қўйиб ортида намоз ўқиганлар.

Аммо намозхонга юзланиб турган ёки уни ибодатдан чалғитадиган даражада баланд овоз билан гаплашаётганлар ёнида, шунингдек, қибла тарафида ухлаб ётган киши қаршисида ўқиш макруҳdir (Шарҳи Аврод)



4

**Савол:** Баъзилар барака келади деб уйнинг эшиги тепасига тақа осиб қўядилар. Шу иш мумкинми?

**Жавоб:** Йўқ, мазкур ниятда уй эшиги тепасига тақа осиб қўйиш асло жоиз эмас. Бу амал хурофот ишлардан ҳисобланади.



5

**Савол:** Марҳум ёки марҳуманинг вафотидан сўнг унинг фарзандлари қирқ кун шом маҳалигача уйда бўлишлари керак деган гап бор, шунга аниқлик киритсангиз.

**Жавоб:** Бу гапда асос йўқ.

6

*Агар ота-она муҳтоҷ бўлмаса, қизидан ҳеч қандай моддий ёрдам кутмаслиги лозим.*

6

**Савол:** Инсон вафот этганидан сўнг унинг хонаси чирогини ёқиб қўйишади. Айримлар буни Исломда нур яхшилик деган маънони билдиргани учун шундай қилинишини айтишади.

**Жавоб:** Бу ҳам ҳалқимиз орасида тарқалган бидъат ишлардан. Ундан кўра, Қуръони каримдан уч-тўрт оят ўқиб, ўтганларга бағишлиш минг марта афзал. Бу каби ботил эътиқодлар гуноҳи азим бўлади.



7

**Савол:** Биз томонларда аза бўлган хонадонда аёллар мато, сочик, чой, хуллас, шунга ўхшаш нарса улашадилар, мен уларга бундай нарсаларни улашиш мумкин эмас десам, қуда-  
қариндошникига боргандা бизга беришган, уни қайтармасак зиммамизда қарз бўлиб қолади дейишади. Бундай ҳолда вафот этган киши ҳам қарздор бўладими? Шунингдек, вафот этган одамга қўй сўйиб маъра-  
ка қилиш шартми?

**Жавоб:** Сиз айтган тарқатишлар ҳақида шариатимизда буйруқ йўқ. Вафот этган кишига савоби етиши учун эҳсон қилиб муҳтожларга зиёфат қилиб берса жоиз. Ўтганларга савоби етиб боради. Бироқ бу борада ҳам турли бидъат ва хурофотлардан эҳтиёт бўлиш зарур.

66

**Аслида қарз берган киши агар қарзни қайтариб олиш нияти бўлса, албатта, қарздордан уч марта вақти-вақти билан сўраши шарт.**



66

*Вафот этган кишига савоби етиши учун эҳсон қилиб муҳтожларга зиёфат қилиб берса жоиз.*



8

**Савол:** Агар киши бошқа бир кишидан ўртада туриб биродари учун қарз олиб берса, қарз берган киши қарздордан қарзини сўрамаса, қарздор ҳам қарзни қайтариш ташвишини қилмаса, ҳар хил баҳоналар қилса, ўртада турган киши нима қилиши керак?

**Жавоб:** "...қарз берган киши қарздордан қарзини сўрамаса". Аслида қарз берган киши агар қарзни қайтариб олиш нияти бўлса, албатта, қарздордан уч марта вақти-вақти билан сўраши шарт. Агар сўрамасдан ўзидан ўзи хафа бўлиб юраверадиган бўлса, у ноҳақ бўлади. Зотан, инсон унутувчидир, балки қарздорлигини унтиб қўйгандир, унга уч марта эслатиш керак. Агар шунда ҳам қарзни бермаса кейин бошқа чора кўрилади. Яъни хоҳласа кечиб юборади ёки маҳкамам орқали ундириб олади ёхуд ўртада кафил турган кишидан ундириб олса ҳам бўлади. Кейин кафил бўлган киши ҳақиқий қарздордан ундириб олаверади.

# 9

**Савол:** Кўриниши ва овозиданхузурланиш учун қушларни қафасда сақлаш жоизми?

**Жавоб:** Баъзи қушларнинг кўриниши чиройли, овози ёқимли бўлади. Гўзалликни барча яхши кўради. Гўзаллик Аллоҳ таолонинг неъматларидандир. Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

“Айтинг: “Аллоҳнинг бандалари учун чиқарган зийнатини ва пок ризқларни ким ҳаромга чиқарди?..” (Аъроф, 32).

“У яна минишингиз учун ва зийнат сифатида отлар, хачирлар ва эшакларни (яратди)” (Нажъл, 8).

Аллоҳ таоло ҳайвонот, ўсимликлар ва бошқа зийнатларни бандалари учун яратган. Улардан завқланиш, фойдаланиш мубоҳ. Зийнат ҳисобланган балиқ ва қушларни динимиз амрларидан чиқмаслик шарти билан боқиш мумкин. Бу шартлар асосан қўйидагилардир:

Уларни боқиш билан фахр ва кибрга берилиб кетмаслик керак.

Уларни парвариш қилиш ва уларга эътибор бериш зиммасидаги ибодатлардан чалғитиб қўймаслиги керак.

Улар ўз вақтида озиқлантирилиши лозим. Зоро, мушук боқиб, унга овқат ва сув бермай қийнаган аёлни Аллоҳ таоло азоблагани ҳақидаги ҳадис машҳур.

Икки “Саҳиҳ”да ворид бўлган ҳадисда Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам инсонларнинг энг гўзал хулқлиси эдилар. Менинг эмиқдош укам бўлиб, уни Умайр – “Умарча” деб чақиришар эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бизнинг уйга келсалар: “Эй Абу Умайр, нуғайрни (тумшуғи қизил, чумчуксимон қуш) нима қилдик” дердилар”.



*Мушук боқиб, унга овқат ва  
сув бермай қийнаган аёлни  
Аллоҳ таоло азоблагани  
ҳақидаги ҳадис машҳур.*


Аллома Абул Аббос Қуртубий айтади: “Уламоларнинг “қушларни қафасда ушлаб туриш жоиз” деган фатволаридан уларга азоб бериш мумкин деган хulosса чиқмайди, чунки Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳайвонларга азоб беришдан қайтарганлар”. Абу Дардо розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича: “Қиёмат куни қушлар ўзларини қафасда сақлаб, оч қолдириб, қийнаган кишининг бўйнига чанг солади ва: “Эй Раббим, мана бу одам мени дунёда азоблаган эди” дейди”.

# Виктор АЛИМАСОВ

Маънавиятнинг  
Сирни  
нимада?

**М**аънавият ҳақида муколамага, яъни, гаплашишга тутинган заҳоти «осмон остида ҳеч янгилик йўқ» (Екклесиаст) деган аксиомамонанд ҳикматли сўзлар эсга келади. Дарҳақиқат, кимлар маънавият ҳақида ёзмаган ёки ёзмаяпти? Уни нима билан қиёслашмади ёки «қалб жилоси», «руҳият изи» деб аташмади? Кимлар маънавият сирларини азалиядан, илоҳиётдан қидириб донишмандлик қилмади?

Якуний гап эса қадимдагидек битта:



Кўплар донишманд деб билдилар ўзни,  
Худонинг зотидан очдилар сўзни.  
Ҳеч қайси билолмай азал сирларин,  
Алжира-валжираб юмдилар кўзни.

Умар Хайём



ФОТО: Эрнест КУРТВЕЛИЕВ

"Ёш куч" журнали архивидан (2016)

“

*Маънавият билан маданият уйғун, опа-сингил. Улардан бирига берилган таъриф иккинчисига ҳам тааллуқлидир. Маданиятдаги маънавият – устқурма, маданиятдаги моддийлик – базис.*

Наҳотки, одам зотига азалдан – анимизм ва тотемизм давриданоқ маълум маънавият ҳар жиҳатдан илмий далиллар етарли ҳозирги замонда англаш мушкүл воқелик бўлиб қолган бўлса? Наҳотки сезги, туйғу ва тажриба билан илғанган ҳодиса – маънавиятни билим билан соғлом баҳолашга ожизмиз?

Маънавият донишмандликка элтадими ёки донишмандликнинг ўзи маънавиятми?..

«Маънавият» сўзининг туб илдизи арабча «маъно» сўзидан келиб чиққанини яхши биламиз. Инглизчадаги «spiritual» («маънавий») сўзини «spirit» сўзидан Э. Б. Тайлор ва Ж. Фрезер истеъмолга киритган бўлса, русчадаги «культура» сўзини Н. А. Бердяев «культ» сўзидан деган. Хуллас, ушбу этиологик талқинлар «маънавият»ни имон-эътиқод ва дин омиллари билан ҳам боғлайди. Лекин бу ёндашув мавзунинг битта томонидир. Динга бўлган қизиқишнинг ортиши уни маънавият талқинида етакчи ўринга чиқариб қўйди. Бироқ динга эътиқод флюкцион, яъни тўлқинланиб турувчи воқелик эканини эсласак, маънавиятнинг негизи фақатгина диний эътиқод эмаслигини пайқаймиз. Масалан, рус социологларининг фикрича, ўзини дин тарафдорлари ҳисобловчилар 92-93 фоизни ташкил этгани ҳолда, диний доктринага амал қиливчилар 3-4 фоиз атрофида. Бу кўрсаткич европалик тадқиқотчиларнинг

сўровлари натижасига яқин. Дин, эътиқод узоқ асрлар давомида инсон қалби ва руҳиятига самарали таъсир этувчи социопедагогик тажриба тўплаганини инкор қилолмаймиз. Демак, маънавий ҳаётда дин омили таъсири сақланиб қолади.

Маънавиятга жиддий таъсир этувчи иккинчи омил маданиятдир.


Маънавият билан маданият уйғун, опа-сингил. Улардан бирига берилган таъриф иккинчисига ҳам тааллуқлидир. Маданиятдаги маънавият – устқурма, маданиятдаги моддийлик – базис. Базис ва устқурма диалектик тарзда социомаданий маконни шакллантиради. Бу маконни микродаража (оила, маҳалла, меҳнат жамоаси) ва макродаража (трансмиллий уюшмалар, халқаро институтлар, глобал ташкилотлар)да ўрганиш мумкин. Ушбу даражаларнинг ўз белгилари ва хусусиятлари мавжуд. Масалан, микропоғонадаги оила маънавияти эр+ хотин+фарзандлар+бува+бувишар муносабатларидан, икки томонлама алоқалардан иборат бўлиб, уларни бирлаштирувчи дeterminант инсоний меҳр ҳисобланади. Бу дeterminант бошқа институтларда ёки поғоналарда учрамайди, агар учраса расмий нормалар, вақт ва макон доирасида келади. Оиладаги меҳр ушбу чегарани тан олмайди, у истаган доирада, маконда ўзини намоён этиш кучига эга. Оилани бирлаштириб турган инсоний меҳр диахрон – икки томонлама алоқалар учун мутлақ қадриятдир. Демак, меҳр – оила маънавиятининг ядроси. Меҳнат жамоасида шундай ядро ўзаро ҳамкорлик, умумий



мақсад йўлида иттифоқ, макродаражада эса икки ёки кўптомонлама интеграция ҳисобланади. Кўриниб турибдики, маънавият ахлоқий фазилат(мехр)дан тортиб, то глобал интеграция жараёнларигача ўз ичига олади.

Маънавиятни базисидан ажратиш асло мумкин эмас.

Бир яқиним бор. Касби – ҳайдовчи, киракаш. Унинг бетизгин ҳиссиётга ва важоҳатга берилиши одам зотидаги энг бад жиҳатлардан саналиши мумкин. Ушбу қусури туфайли оиласидан ажралган. Уни тўрт-беш йилда ўз туйғуларини идора қилишга ўргатдим. Мулоҳаза қиладиган бўлди. Лекин у ҳар сафар бензин нархи ошганида ёки радарга тушганида сабоқларимни унутади, аввалгидек ёввойи инстинктларга берилади ва важоҳат билан ҳаммага ташлана кетади.



«Инсон – деб ёзади Н. А. Бердяев, – биологик, социал ва маънавий мавжудот. Шунингдек, у эркин ва қул, фидойи бўлиш, севиши билан бирга эгоизмга, пасткашлика мойил зот. Унда илоҳийлик билан инсонийлик, ёввойилик билан маданийлик мужассам...».

Мен киракаш танишимга ҳиссиётларини жиловлашни, устқурмани асрарни ўргатдим, аммо базис таъсирини идора этишга ўргатолмадим, у сабоқларимдан устун келаверади...

Ушбу погоналарда субъект-объект муносабатлари мухим рол ўйнайди. Субъект ушбу муносабатларни шакллантирувчи, уларга йўналиш ва манфаатларга муросавий руҳ берувчи шахс. Муроса ёки муроса маданияти – шахс билан жамиятни уйғулаштирувчи детерминант. У ҳар доим жамият ҳаётига барқарорлик, осойишталик,

ижодий рақобат бахш этиб келади, муроса маданияти бўлмаса, ҳатто позитив воқе-лик бўлган демократия ва адолат ҳам ўзларининг антиподига айланади.



*Инсондаги олийжаноблик, элсеварлик ва ҳаётсеварлик муроса маданияти орқали рўёбга чиқади, муросани билмаганлар мутакаббирлик қурбонига айланади.*

Муроса маданияти ҳаётни, борлиқни, жамиятдаги иттифоқни, аҳилликни асрайди, усиз «мен-сен», «меники-сеники» қабилар бошбошдоқликка, хаосга етаклайди. Инсондаги олийжаноблик, элсеварлик ва ҳаётсеварлик муроса маданияти орқали рўёбга чиқади, муросани билмаганлар мутакаббирлик қурбонига айланади. Бундай эгоистик шахсни олимлиги, донишмандлиги ҳам қутқаролмайди. Олмон файласуфи Ф. Ницше ижодининг чўққисига чиқсан пайтида ўзи этишиб чиқсан бутун фарб маданияти, ахлоқи, дини ва маънавий бойликларини рад этиб, улар ўрнига янги маданият, ахлоқ, дин, маънавият яратмоқчи бўлади. Натижада умрининг охирги ўн йилини телбаҳонада ўтказади. Ибратли мисол!

Маънавиятли инсон – яратувчан, яратиқларни асровчи, ҳеч бўлмагандан фарзанди ёки неварасига ибрат бўлишни исташи керак.



Телбалиги хуруж қилмаган пайтларда Ф. Ницше оқиллик қиласи: «Ишларимиз инсоний, ўта инсоний бўлса, орқага виқор билан назар ташлаймиз».

Маънавиятсиз шахс йўқ, бироқ кимдир кўпроқ маънавиятли, кимдир камроқ. Бу аввало жамиятимиз, ундаги тарихий-маданий бойликлар таъсири туфайлидир. Улар кимгадир кўпроқ таъсир этган, кимгадир озроқ; кимдир яхшироқ ўзлаштирган, кимдир бўшроқ.




Ушбу зиддиятлар инсон ва унинг будборлиғига таъсир этиб уни, К. Юнг классификациясидан келиб чиқсақ, ё интравертга

айлантиради, ёки экстравертга. Интраверт ўзи, ўз манфаатлари учун яшовчи шахс, экстраверт унинг акси. Бироқ бозор иқтисодиётига, олди-сотдига қурилган бу замонда интраверт бўлмаслик қийин. Зоҳидона яшайдиган сўфийлар даври ўтди, бошқалар даврасида бўлмай, кимлигинги, нима учун яшаётганингни аён этолмайсан. Сен жамиятга эмас, жамият сенга кўпроқ зарур. Жамиятга зарурлигинги тасдиқлаб, нима учун яшаётганингни исбот қиласанда. Мана, ҳикмат қаерда! Бу аслида экстравертлиқдир!



«Нажот ичингдадур» дейди-ку Румий.  
Н. Бердяев эса «Ўзингдан ўзмай –  
илгари кетмай комилликка  
етмак йўқ» деган.



маънавиятга садоқат билан хизмат қилиб яшаш бор. Мукофот сўраяпсизми? Ҳеч бўлмагандা ўзингизга ўзингиз ибратсиз!

Миллатга, ҳалқقا, башариятга деяётганим йўқ, ҳеч бўлмаса ўзингизга ўзингиз ибрат бўлинг! «Нажот ичингдадур» дейди-ку Румий. Н. Бердяев эса «Ўзингдан ўзмай – илгари кетмай комилликка етмак йўқ» деган.

Маънавият – мудом сабоқ. Сабоқ олиш ва сабоқ бўлиш. Ҳатто йўлақда ётган тошдан ҳам сабоқ олиш мумкин.

Умар Хайём ёзади:

Тупроққа авайлаб қадамингни қўй,  
Бу тупроқ қора кўз бир нигор эди.



Маънавиятли бўлиш учун умр бўйи маънавий маданият юкини туйиб, зарур бўлса ушбу хочни, Исо мисоли, елкага ортиб яшаш керак. Ҳа, маънавий маданият – юк. Умр бўйи елкада кўтариб юрилиши керак бўлган юк. Ундан нолиш, воз кечиш, вовайло қилиш йўқ. Сабр, чидам,

Ана, тупроқдан, биз топтайдиган тупроқдан олинадиган маънавий сабоқ.

Ён-атроф – маънавий сабоқ. Дарахту майсалар – маънавий сабоқ. Тонгу тун, сойу булоқ, осмону ер, энг асосийси биродарларинг маънавий сабоқ. Улардан олишни, ўрганишни билмасанг, беҳуда яшабсан, оғайни. Сени ҳеч нимага ўргатишмабди. Биламан, инсоннинг бу сабоқлардан кўнгли тўлмайди. Уларнинг барчаси Гераклит назарда тутган «оқар дарё, унга икки бор кириш йўқ». Мен севадиган Шарқ донишманди Умар Хайём афсусланиб ёзади:

Туну кун ўйладим етмиш икки йил,  
Англадим, ҳеч нарса маълум бўлмабди.

Бу қисматимиз, ундан қочиш имкони йўқ. Бироқ берилган «етмиш икки йил» маънавий комилликка сабоқ бўлиши мумкин. Ҳа, мумкин!

Ўй, фикр – миядаги ўн саккиз миллиард-га яқин тўқима бетўхтов юқ ташиётган экан, маънавият муноқаша уйғотаверади. Балки мияни ўйлашга, фикрлашга ундаётган ўн саккиз миллиардга яқин тўқиманинг ўзи маънавиятдир. Балки ён-атрофдаги информацияларнинг 95 фоизини илғайдиган кўзимиз маънавиятдир. Балки вужудимизга жо, миллион-миллион километрларга чўзиладиган тери қопламаларимиз, тинмай айланётган қон ҳужайраларимиз маънавиятдир. Балки... мана шу уч нуқтанинг ўзи ҳам маънавиятдир...

“

Ён-атроф – маънавий сабоқ. Дарахту майсалар – маънавий сабоқ. Тонгу тун, сойу булоқ, осмону ер, энг асосийси биродарларинг маънавий сабоқ.



# Мактаб

АММА

– Мустақилликнинг илк йилларидағи мактабларни эслайсизми? – дейди сұхбатдошим пахтагулли чойнак қопқогини очиб, пиёладаги чойни қайтаркан. – Улар мактабдан күра күпроқ ташландық харобага ўхшарди. Дераза ромлари ҳеч қачон очилмас, мабодо амаллаб очгудек бўлсангиз, урди худо. Занглаған ошиқ-мошиғи билан юлиниб, ҳар томонга сочилиб кетарди. Мен тахминан олти-еттинчи синфларда ўқирдим, тұлачадан келган, бўшангроқ бола эдим. Ҳар йили бўялавериб, тирқишиларигача битиб кетган бу деразаларни минг уринсам ҳам очолмаслигимга кўзим етарди.

**M**актаб «Г» шаклида қурилган бўлиб, «Г»нинг бошида бисоти бир туяга юк бўладиган камбағалгина кутубхона бор эди. Қолгани дарсхоналар. Мен бу кутубхонани ибодатхонага ўхшатардим. Ҳатто унга пойабзалим билан кирганим учун хижолат ҳам бўлардим. Бу кулгили туюлиши мумкин, бироқ гадойтопмас қишлоқларда кутубхона дегани қадамда учрайвермайди-да. Учта қишлоқ учун битта мактаб ва мактабнинг ичидаги жойлашган кўримсиз бир кутубхона.

Бу ернинг қанақадир ваҳимаси ҳам бор эди. Кирингиз билан сизни қофозларнинг қадрдан ҳиди ҳамда ғалати ноҳушликми, намхушликми ўраб оларди. Юқорида айтганимдек, очиб бўлмайдиган ёпса-очилмас, очса-ёпилмас ноёб деразалардан бири шу хонага насиб қилган, ундан қуёш нури аниқ чизикларигача билиниб тушарди. Ёруғлик тўғри бориб Мактаб амманинг столи ва стол устидаги китоблар номи қайд этилган журнални ёритади. Гарчи асл исми бошқа бўлса ҳам бу аёлни ҳамма Мактаб амма деб атарди. Мактаб амма ҳеч қачон ҳеч кимни кутмасди. Кутган тақдирида ҳам унинг ёнига фийбатчи физика устозимиз ва амманинг синфдоши бўлган она тили ўқитувчиси – Марям муаллимдан бошқа кимса йўламасди. Менга келадиган бўлсанқ, мен Мактаб амма учун янгилик эмасдим. Каттароқ китоб олсан бир ҳафта кўзига кўринмасдиму, юз-икки юз бетлик китоб қўлимга тушгудек бўлса, кўздан чиқсан сўгалдек бир кун, узоги билан икки кунда китобни кўтариб яна эшиқда пайдо бўлардим.

Эсимда, ўша деразадан тушаётган нур амманинг оҳори ўчган рўмоли ва истарали юзини ёритиб турарди. Балки менга шундай тувлар, бироқ бу чехрада зоҳир бўлган ним табассумни кўрган киши борки, бу аёлга ёмон гап у ёқда турсин, айтилиши лозим бўлган шумхабарни ҳам айтолмай қолиши турган гап эди. Ишон-

масангиз ўзингиз биласиз, лекин бир сафар Мактаб амманинг тинмас ўғли ёнгоқдан ийқилиб тушган – уларнинг уйи ёнидан ўтиб келардим мактабга – қарасам, уч-тўрт қўшни тўпланиб, жабрдийданинг бошида парвона бўлиб турибди. Ёнида бир сатил ёнгоқ ағдарилиб ётибди. Адашмасам, ўша кунларда кузнинг салқини тушиб, отам олиб берган ҳаворанг камзулни кийиб олгандим. Улар томон яқинлашишим билан бир киши, кимлигини аниқ эслолмайман, «тез бориб Мактаб амманнга айт, уйга югурсин, ўғлининг оёғи синган кўринади» деди. Ярадорнинг тиззасидан оқаётган қонни кўриб, кўнглим беҳузур бўлиб ортга қайрилдим ва хабарчи қушдек мактаб томон учдим.



*Ҳатто унга пойабзалим билан кирганим учун хижолат ҳам бўлардим. Бу кулгили туюлиши мумкин, бироқ гадойтопмас қишлоқларда кутубхона дегани қадамда учрайвермайди-да.*





*Уша йил қишининг аччик совуғи  
бошланиб, овулнинг мўриларида  
тутун кўрингандада факирона  
кутубхонамиздаги ҳамма бадиий  
китобларни ўқиб тугатдим. Ўқиган  
китобимни қайта ўқишга эса сабрим  
чиdamасди.*

Мактаб амманинг қаршисида не деримни билмай, гап тополмай турарканман, нафасим бўғзимга тикилиб қолганини ҳам, типратикан соchlарим орасигача терлаб кетганини ҳам сездим. Элчига ўлим йўқ, аммо амманинг юзидағи уша ним табассум тилимини бойлади. Аввал ўйлаб кўрмаган эканман, бундай совуқ хабарни онага етказиш... кўп қийин иш бўлар экан. Мактаб амма қанақа китоб кераклигини сўради, мен эса тарашадек қотиб турардим. Камзулімнинг ўнг чўнтигидан онам бўздан қирқиб берган рўмолчани олиб, манглайимдаги терни артдим. Сўнг қайтиб чиқишга буриларканман, «Мактаб амма, уйга тез бораркансиз...» дедим-да ортимга қарамай чиқиб кетдим. Ёнfoқдан йиқилган ўғилга бало ҳам урмаган экан, бироқ мен кечгача ўзимни лоҳас сездим. Шунақа, Мактаб аммага ёмон хабар етказиш ўлимдан баттар эди.

\* \* \*

Қиссанынг узатган чойдан ҳўплашим билан бошимдаги оғриқ ёйилиб, қаергadir йўқолди. Қон босимим ошганми, икки ҳисса дамланган кўк чойдан кўзим очилди. Гурунг давомида мен ҳам худди қаҳрамонимиздек Мактаб амманинг қаршисида турган эканман. Чой ичиш баҳонасида ўзимга қайтиб олдим. Шундай пайтларда кўрқаман – бирдамас-бирда уша эшишиб турган воқеамнинг ичида

қолиб кетишдан ва уша қаҳрамонларнинг орасида кўринмас шарпадек чиқиш эшигини тополмай санқишдан қўрқаман. Бошқа тарафдан эса ҳозир ҳам бошқаларнинг воқеаси ичида бўлишим мумкинлигини ўйласам, юрагим увишиб, пешонамдан совуқ тер чиқиб кетади. Майли, менга парво қилманг, қиссанынг тинглаймиз.

\* \* \*

Кутубхонанинг китоб жавонлари тақалган деворига ёруғлик яхши тушмасди. Мактаб амманинг столида доим қувватли фонар бўлар, у мактабимизда машҳур фонар эди. Амманинг китоб топишга қийналганини кўрган директоримиз кутубхонага шу фонарни совға қилган. Буни эрталабки йиғилишларда эшитавериб қулоғимиз ўрганиб кетган. Чиндан ҳам фонар ҳавас қилгулик эди, унча-мунча одам бунақасини сотиб ололмасди. Бу анзират матоҳнинг пулига нақ икки кило гўшт берарди. Фонарнинг катта калласи бўлиб, унинг ичида олтита микроҷироқ жойлашган. Тағин бошини бурасангиз, ёруғлик кичрайиб-кеттаради. Орқасидан эса токка тиқиладиган иккита мис таёқчаси чиқиб келади. Мўъжизанинг ўзгинаси. Уни ҳам қўя туриңг, фонарнинг белига ўрнатилган чироғи қизиқ эди. Уни ёқиб қўйсангиз, хона ёришиб кетарди. Хуллас, менга бу машҳур чироқни бир марта ушлаб кўриш насиб қилган. Бу бошқа болаларга орзу эди. Мактабимизда бу фонарнинг таърифини билмаган ўқувчи ёки ўқитувчини топиб бўлмасди. Директоримиз эса кутубхонага кириб қолса, дарров фонарни қўлига оларди-да:

– Қандай ишлайпти? – дерди овозига тантанаворлик қўшиб, – буни бунақа қаровсиз қолдирманг, ёш болалар ўйнаб бузиб қўймасин.

Шундай деб фонарни ёқарди-да, бу сирли матоҳнинг бошини у ёқ-бу ёққа бураб завқланарди. Мактаб амманинг юзида уша ним табассум ўйнаб турарди...

Ўша йил қишининг аччиқ совуғи бошланыб, овулнинг мўриларида тутун кўрингандан фақирона кутубхонамиздаги ҳамма бадиий китобларни ўқиб тугатдим. Ўқиган китобимни қайта ўқишга эса сабрим чидамасди. Тўғри-да, ўқиган асарингни қайта-қайта ўқигандан нима маъни?

Хуллас, Мактаб амма менга китоб то-пиб беролмади. Бир ҳафтадан кейин кел деганди, бир ҳафтадан кейин ҳам ўша ҳол – янги китоб келмаган. Мактаб фондида пул кам экан. «Агар бу пулга китоб ол-сак, – дебди директор қўнғиз мўйловини учирив, деразаларга қопланадиган цеплофанни болаларимнинг ризқидан оламанми? Ана борини қайта ўқийвериши-син, қайтанга яхши бўлади, тушунмаган жойларини тушуниб олади». Мен эса бу гаплардан қиши ўта зерикарли ўтишини тушундим.

Янги китоб йўқми, демак, печканинг олдига ёнбошлаб мутолаа қилиш ҳам йўқ. Биринчи қор ёқсан куни болаларга қўшилиб, қўчадан бери келмадим. Катта-катта лайлаккор ёғди ўзиям. Осмонда кимдир оқкушнинг патини юлаётгандек, лаппардек-лаппардек қор қўлимизга келиб қўнади-да, бир зумда эриб кетади. Ана-мана дегунча ер оқариб, қорда этик изи пайдо бўла бошлади. Биз ҳам мана сенга деб қорбобо ясашга киришиб кетдик. Қор қуруқ экан, ҳадеганда ёпишавермайди. Юмалатиб бораверасану, озгина бепарволик қилсанг уваланиб кетади. Биз ҳам даштнинг бир сўзли болалари эдик, барибир қоронғи тушаёзганда косов тутган қорбони битирдик. Энг чиройлиси иккита кўзи эди, иккита қора тошни қўндиргандик, тош иссиқроқмикан, ҳайтовур озгина оқиб тушди-да, икки қорачиги бурун бўлмиш сабзига қараб қолди. Уйга қайтишда телпак остидаги сочимнинг жикқа ҳўл эканини сездим. Уч уйдан ўтганимда вара-

жа бошланди. Печканинг олдида бироз ўтирсам ўтиб кетади деб хомтама бўлибман. Эрталабга бир қўрпа касал бўлиб уйғондим. Гапираман десам овозим чиқмайди. Йўталсам, томоқ ачишади. Шуна-қа ачишадики, кўзимдан ўт чиқиб кетай дейди. Тағин бошимнинг оғриши-чи, мен ётган хонанинг эшиги очилиб-ёпилса ҳам кирган елвизак тўғри бошимга кела-ди-да, ўтқир тирноқларини аямай ботиради. Ана сенга лайлаккору мана сенга қорбобо деб қўрпани бошимга тортиб ётавердим. Отам ишга кетиши олдидан озроқ дакки берди, нима ҳам дердим, айб ўзимда.

Кечга бориб аҳволим оғирлашди, онам берган дори-ю қайнатмалар кор қилмади. Иссиғим баланд эди. Икки қават қўрпа остида ҳам совқотардим. Охири отамнинг «чарчоқбосди»сини бутун баданимга суртиб ташлашди. Мен индамай ётавердим. Тўғриси, учинчи куни ёмон зериқдим. Телевизор кўраман десам чироқ йўқ, укам ва синглим эрталабдан ҳавасимни келтириб мактабга равона бўлади. Кутубхонага эса янги китоб келмаган, чунки мактаб фондига цеплофан олинган. Битта мени китоб ўқисин деб бир мактаб ўқувчи совқотиб ўтирмайди-ку. Қишлоқ ҳамшираси кетни қуидирворадиган уколларидан кунда икки маҳал санчиб кетади. Ҳар санчганда шу сафар игна бориб суягимга қадалди-ёв деб қўяман...

\* \* \*

Иккаламизнинг ҳам ликопчамизда товуқнинг суяклари қолди. Воқеага қизиқиб кетиб, худди кимдир менга игна санчгандек юзим буришиб кетибди. Агар суҳбатдошинг бамаъни одам бўлса, бир соатлик учрашувдан бир дунё таассурот туссан киши. Ўша бамаъни одамларнинг бири ҳозир қаршимда ўтирибди.

\* \* \*

– Отамнинг айтишича, – дейди у мой теккан бармоқларини намлаттага артаркан, – Мактаб амма нега мактабга бормай қўйганимни сўрабди. Отам бетоблигими ни айтгач, ўзини айбдор билиб, мактаб кутубхонасидаги аҳволдан гап очиби. Отам аввалига ҳаммасини тушунишини билдириб, сўнг «Мактаб амма бўлганингиздан кейин топиб беринг-да» деб ҳазиллашибди.

Мен бу гапни эшитиб, роса роҳатландим. Бола бўлсам-да, ҳали ичимдан ўтаётган гапларни тушунтириб беролмасам-да, мана одамнинг иззати деган ҳисни туярдим. Энг қизифи эса орадан икки кун ўтгач рўй берди.

Ўша куни аҳволим бироз яхшиланганди-ю, бироқ ўрнимдан турсам бошим лўқиллаб оғрирди. Бош чаногимга кимдир тош солиб қўйгандай уни қимирлатиб юбормаслик учун тиришиб, ҳожатхонага бориб келардим. Дорбоздай ҳамма жойим қимирларди-ю, фақат бошим қимирламасди. Тасаввур қилинг, роса кулгили бу, худо кўрсатмасин, бир умр шундай яшашга маҳкум бўлсанг борми, нақ туғилганингга пушаймон ейсан.

Эрталаб ҳаво очиқ бўлди, ҳовлимиздаги яланғоч ўрикнинг шохida чумчуқлар тизилиб сайрай бошлади. Тақвимга қарамаган одам баҳор келаяптими деб ўйлаши тайин эди. Аммо бу қишининг бошланиши, аёзли кечалар ҳали олдинда эди. Ўтган йили эшакни ўлдирадиган совуқ бўлган. Мамат чўпоннинг эшаги музлаб қолган. Ёдидан кўтарилиб, ташқарида қолиб кетган экан. Ёдидан кўтарилимаслиги мумкин эди-ю, ўша куни Мамат чўпон қўшни қишлоқда ароққа тўйган экан, келиб эшакни уйнинг ёнига, бостирманинг тагига боғланда, кириб уйқуни урган. Эрталаб эшагига сомон солса емасмиш. «Ҳа, ҳайвон, қўнгиллари беда тусаб қолдими?» деб бир туртган экан, девордек гурс этиб қулабди. Хотини «ичсангиз сиз ичгансиз, эшак ич-



*Иккаламизнинг ҳам ликопчамизда  
товуқнинг суюклари қолди. Воқеага  
қизиқиб кетиб, худди кимдир менга игна  
санчгандек юзим буришиб кетибди.*

маган-ку, бечора ҳайвон музлаб қоладида, бирга ичмабсиз-да» деб шанғиллади. Шундан сўнг бошқа қўнгилсиз ҳодиса юз бермади. Бироқ бу қиш ўтган йилгидан анча совуқ келадиган қўринади. Чунки қор ёғиб, ортидан очилиб кетган осмон яхшилик аломатимас.

Нонуштадан сўнг уйда бир ўзим қолдим. Отам ишга, онам қўшни қишлоқдаги тоғамларникига – қанақадир тадбирга, укам билан синглим эса мактабга кетган. Жа зўр бўлди-а дедим ичимда уларни кузата туриб, тап-тайёр текин қоровул. Молларга амаллаб емиш солиб турсам бўлди-да, а, ҳеч ким илҳақ бўлмайди.

Шу ишларни битириб, ўрнимга кириб ётгандим, кучугимизнинг жафи очилиб қолди. Яхшилаб қулоқ согандим, кимдир онамнинг исмини айтиб чақирди. Дорбозлик маҳоратимни кўрсатиш учун тағин ўрнимдан турдим. Эшиқдан чиқишим билан олапар итимни тинчлантиредим. Ўзиям эшақдай келадиган ит, аммо одамни тишламайди. Ўзи итимнинг ва жоҳатини кўрган одамнинг эсхонаси чиқиб кетади. Қариб «моҳов» бўлиб қолди. Шумлиги тутадими, билмайман, чиқиб йўлнинг ўртасига ётиб олади. Кейин ҳар бир ўткинчи «ҳов, тоға!» деб бўкиргани бўкирган.

Ит лўқиллаб келиб эшикнинг тагига чўзилди. Сўнг кўча тарафдаги деворнинг очиқ жойидан ким қўринди, биласизми? Ҳа, Мактаб амма қўринди! Худди ўзи, юзида ним табассум ўйнаб турарди.

Даштнинг кенгликларида қаҳратон қиши бўлишига қарамасдан амманинг юзида баҳор эди. Дардим эсимдан чиқиб, у кишига қараб югуриб кетишимга бир баҳя қолди. Бироқ энди қимиirlайман дегандим, бошим «шошма, болакай, мен ҳали тузалмадим» деди. Сўнг «келаверинг, Мактаб амма, уйда бир ўзим эдим. Озгина тобим йўқ» деб ичкарига ишора қилдим. Амманинг доим кириб юрган эшиги, тортинаасдан кириб ўтирди. Тўғриси, ўтиролмадим, «бошим оғрияпти, ётсам майлими?» дегандим, Мактаб амма оналарча меҳрибонлик билан «бехижолат, болам» деди.

«Ўзимизнинг Мактаб амма яхши-да барибир» дедим ичимда. Ортиқча муло замат кутмайди. Мана, ўзидан билиб хонтахта устидаги дастурхонни очиб, онам дамлаб кетган чойни иккита пиёлага қўйди-да, «ўзинг яхшимисан, болам, чой ичиб ол. Рангингни анча олдириб қўйибсан. Отангдан эшитгандим...» ва шунга ўхшаш илиқ гаплар билан ҳамдардлик билдириди. Менинг икки қўзим амма кўтариб келган китобда эди. Кўзим билан номини ўқишга уринардим. Аксига олиб

уй бироз қоронгироқ. Қишида шунаقا бўлади ўзи, деразага тортилган цеплофандан қуёш нури яхши ўтмайди. Чироқ эса кечқурун икки соат ёнади. Чироқ ўчмай қолишидан худо асрасин, кимдир бандаликни бажо келтирган бўлади...

Мактаб амма кўп ўтирмади. Ишга бориши керак экан. Комиссия келаётганмиш. Комиссия дегани бўйинбоғ тақсан, димоғидан қурт ёғадиган иккита амаки. Бир сафар бизнинг синфга ҳам кирган. Болалардан «нимани ўргандинг?» деб сўраш ўрнига, чет тили устозимизнинг маъруза дафтарини, кейин журнални юритганми-йўқми, текшириб, ора-сира танбех бериб турди. Тишимни тишимга қўйиб ўтирдим. Устозимиз қирқ ёшлардаги аёл киши эди. Елкасини қисиб, ўқувчилар олдида шунақа изза бўлдики, ер ёрилмади, ерга кириб кетмади. Менинг борган сари ғазабим қайнарди, ўша иккита турқисовуқнинг башарасига боплаб туширгим, мактабдан қувиб солгим келди. Ҳеч тушумасдим, бошимизга қулаб тушай деб турган мактабнинг нимасини текширади? Ахир бундай шароитда билим бериш ҳам, билим олиш ҳам жасоратнинг ўзгинаси-ку. Ёмон



иш бўлса ҳам ичимда дуо қилардим, бирор кун шу комиссиячилар полнинг чириган жойига оёқ қўйса-да, пол ўпирилиб кетиб, шармандаси чиқса деб. Бунақаси ўқувчилар билан кўп бўларди, чунки бу полларнинг қачон қоқилганини отам ҳам эслолмас экан.



*Кўлларимда кенжা укадек ардоқда турган бу китоб «Том тоғанинг кулбаси» эди. Ёдингизга тушдими, Евани эсладингизми? Мен дунёга келиб, биринчи марта аза очган қаҳрамоним айнан Ева бўлади.*

Энди бир мақтанай, Мактаб аммага келтирган китоби учун қайта-қайта миннатдорлик билдириб кузатдим. Уйга кириб китобни қўлимга олдим, ҳидини ҳидладим. Ҳатто китобнинг ҳиди ҳам «мен сенга зўр воқеалар айтиб бераман, мен айтадиган тақдирлар етти ухлаб тушингга ҳам кирмаган» деб турарди. Биласизми, одам ҳаддан ташқари севинса, нафаси бўғзига тиқилиб қолади, айни пайтда мен шу аҳволда эдим. Кўп ичингизни қиздирмай, китобнинг номини айтаколай-а. Кўлларимда кенжা укадек ардоқда турган бу китоб «Том тоғанинг кулбаси» эди. Ёдингизга тушдими, Евани эсладингизми? Мен дунёга келиб, биринчи марта аза очган қаҳрамоним айнан Ева бўлади. Ундан кейин кўпларни жаннатга кузатдим. Аммо ҳар бирига одамлар эшитмайдиган, одамлар англамайдиган бир лаҳжада «Евага салом айтинглар» дердим. Менинг синглим, менинг оппоқ синглим, менинг фаришта синглим Ева эди. Шунақа, яхшилар эрта ўлиб кетади. Мана юрибмиз бир дунё ёмонлар, яхшилик ҳақида эртак тўқиб...



\* \* \*

Танишганимизга тўрт йил бўлибдики, сухбатдошимни бу аҳволда кўрмаган эдим. Унинг кўзларида ёш қалқиди. Қаршিমдаги дунёни кулгуга тўлдириб яшаётган одам бир зумда энг яқин кишисининг қабри бошида ўтирган чолдек букчайиб, кичрайиб қолди. Бу ҳолни кўришингизни тавсия қилмайман, йўқса дунёда ҳали ҳам тоза қўнгиллар яшаётганини, улар орамизда юрганини, метрода ўтиргани, автобусдан тушаётгани, театрга кетаётганини кўриб ичингиз куйиб кетади. Ўзингизнинг қанчалар бадбаҳт, тошбағир бўлиб яшаётганингизни ҳис қилишдан кўра оғирроқ жазо борми?

\* \* \*

Орада мактабни ҳам битирдим, пойтахтга ўқишига кирдиму ошиғим олчи бўлиб қолди. Кўп китоб ўқиганим тезда университетнинг аълочи талабалари сафида бўлишимга йўл очди. Кўп ўтмай ишли бўлиб, чўнтағим пул кўрди. Бундай қарасам, дунёда яшаш, айниқса, яхши яшаш роҳатнинг ўзгинаси экан. Бир йилдаёқ чанг-тӯзонли даштларимни унутиб юбордим...

Ана шундай хурсанду хушвақт кунларимнинг бирида нохуш хабар келди. Рости қулоқларимга ишонгим келмасди. Дарсни йигишитириб, қишлоққа йўл олдим. Биринчи юрадиган поезд пешиндан сўнг тўртда жўнади. Поезднинг бир хил тарақа-туқ деб кетиши мени анча йиллар ортга олиб кетди...

«Том тоғанинг кулбаси» менга қандай етиб келганини эсладим. Буни мендан ташқари ҳам қўпчилик биларди, буни ўша китобни бериб юборган қўшни мактаб кутубхоначиси айтиб берган...

\* \* \*

Тўрт овул нарида қўшни мактаб бор эди. Бу мактабнинг баъзи болаларини танирдик. Улар бизга спорт ўйинлари ўтка-зишга келарди. Баъзан биз уларнинг мактабига бораардик. Хуллас, бўйи шипдай иккитаси бор эди, волейбол ўйнаётганда рақсга тушаётгандек бўларди. Тўғрисини айтганда, ўшалар майдонга тушиши билан ўзимизниклар қолиб, уларга муҳлислик қилардим. Лофт-кофи билан шунқорлар уч ҳатлаб майдоннинг у бошидан бу бошига етиб бораарди-да.

Тўрт овул наридаги мактаб кутубхонаси бизнинг кутубхонадан бойроқ экан. Мактаб амма туман марказида уларнинг «мактаб амма»сини кўриб қолади-да, мен учун ўша хотинга илтимос қиласди. Карнайчидан бир пух деганларидаи, оппасон кўна қолибди. «Хоҳлаган вақтингиз борсангиз, икки-учта китоб бериб юбораман» дебди. Мана энди ўша қишининг изғиринида тўрт овул йўл юришни айтинг.

Бунақа беминнат хизматни фақат Мактаб аммадан кутиш мумкин эди. Эртаси куниёқ йўлга тушибди бечора. Қўлида бир тўрва ёнғоқ, олдида уфқа қадар чўзилган дашт. Қуруқ қўл билан бормай деганда бечора. Даштликларнинг «ҳайла»си ҳам одамнинг тинкасини қуритади. У овулдан бу овулга боргунча жонинг оғзингга келади. Баҳор бўлса бошқа гап – табиатга маҳлиё бўлиб, қанча йўл юрганини билмай қолади одам. Аммо қор ёғиб турганда йўл юришнинг машаққати оғир! Мактаб аммани бунга нима мажбур қилганини ҳалигача тушунмайман. Қўшни мактабга етиб боргунча йўлида на эшак-арава, на машина ураган бу изғиринда. Бир инжиқ чурвақа ўқигиси келса келиб-



Даштликларнинг «ҳайла»си ҳам одамнинг тинкасини қуритади. У овулдан бу овулга боргунча жонинг оғзингга келади. Баҳор бўлса бошқа гап – табиатга маҳлиё бўлиб, қанча йўл юрганини билмай қолади одам. Аммо қор ёғиб турганда йўл юришнинг машаққати оғир!



“

*Мактаб амманинг талаби битта эди, «Зинҳор ва зинҳор қўлингга тушган китобни ўқима. Саралаб ўқи» дерди баъзи китобларни кўздан панароққа қўйиб.*

ди-да, менга нима деса шунча қийналмас эди-ку? Буни эслаганимда юрагим увишиб кетади, одамнинг худбинлиги ўзига билинмайди, бошқаларни азоблайди. Мактаб амма мен учун жонини жабборга берди, бироқ мен темир қанотларим

ўрнида парвозга ярайдиган чағалайларни ҳис қилишим билан пойтахтга қараб учмадимми? Ўша овул учун ёки Мактаб амма учун нима қилдим? Ҳеч нарса!

Ўзимча эришаётган ютуқларим билан уларнинг мақтанишини энг катта хизматим деб билардим. Кимдир юзимга айтмайдики, «Хўй пўрим, ху аммамнинг бузони, бунча ўзингга маҳлиё бўласан, бунча кибр қиласан? Бу дунёнинг ҳисоби билан у дунёнинг ҳисоби тўғри келмайди. Ҳали олдинда ҳақиқий ҳисоб-китоб бор!». Ҳа, бор! У ҳисобда Мактаб амманинг юзидан нур ёғилиб туришига кўзим етади.

Ҳа, азизим. Мактаб амма китоб олиб келди. Қўшни мактабнинг кутубхоначи сининг «сизга нима зарил?» деган гапларига парво қилмади. Одамларнинг оғзига элак тутиб бўлармиди? Бу воқеани эшитган борки, олдида мақтаб, орқасидан кулиб юрди. Мен бундай гапларни орқаворатдан эшитиб, озгина хижолат чекардиму, бироқ худбинлигимдан «Мактаб амма бўлгандан кейин китоб топиб берсин-да» деб виждонимнинг юкини енгиллатардим.

Менинг дардим тузалиб, Мактаб амманинг дарди бошланди. Мактаб амма қўлини боғлаб юрадиган бўлди. Бунинг сабабини ҳам кейинроқ билдим, у киши ўша куни бир тўрва ёнғоқни кўтариб қўшни мактабга бораман деб, қўли банд бўлганиданми, музғалоқ йўлда тойиб йиқилган. Буни эса ўзи ҳеч қачон айтмади. Мактабни битиргунимча Мактаб аммани кун ора йўқлардим. У кутубхонада шунчалар гўзал қўринардики, худди ибодат пайтида кириб қолгандек ўзимни озгина орқага ташлаб, кейин салом берардим. Мактаб амманинг талаби битта эди, «Зинҳор ва зинҳор қўлингга тушган китобни ўқима. Саралаб ўқи» дерди баъзи китобларни кўздан панароққа қўйиб. Бу иккаламизнинг – амма ва менинг орамиздаги сирли келишув эди. Буни сира бузиб бўлмасди.

\*\*\*

“

*Бу дунёning ҳисоби билан у  
дунёning ҳисоби тўғри келмайди.  
Ҳали олдинда ҳақиқий ҳисоб-китоб  
бор!». Ҳа, бор! У ҳисобда Мактаб  
амманинг юзидан нур ёғилиб  
туришига кўзим етади.*

Мактаб аммани қабрга олиб кетарканмиз, қовжираб қолган бепоён даштга табассум қилгандек кузги осмондан ёмғир ёға бошлади. Қаттиқ эмас, севалаб, юмшоқ, илиқ ёмғир. Худди соғинчли кўзёшдай... Тобутни хўл қилмасмикин деган ўй бир хаёлимга келди-ю, ёмғирнинг равишидан бундай бўлмаслигини ҳис қилдим.

Хаёлан Мактаб аммадан ҳам қадрдон синглим, оппоғим, фариштам – Евага салом айтдим. Ич-ичимдан уларнинг жаннатда учрашишига амин эдим!



# КИЧИК ХОНИМНИНГ КАТТА «УРУШИ»

Собир ЖУМАЕВ

**К**оннектикут штатининг Личфилд шаҳрида руҳоний оиласида туғилиб ўсган, саксон беш йил умр кечирган адаб Ҳарриэт Бичер-Стоу хоним 1851 йилда «Том тоганинг кулбаси» асарини ёзди. Асар дастлаб қуллик мухолифларининг асосий тарғибот воситаси бўлмиш Вашингтондаги «The National Era» ҳафталик нашрида 10 ой давомида мунтазам нашр қилинади ва мислсиз шуҳрат қозонади. Ва ниҳоят 1852 йилда китоб ҳолида чоп этилади.

Нашр қилинганидан кейин бир йил ичida китобнинг уч юз минг нусхаси АҚШда, бир миллион нусхаси эса Буюк Британияда сотилади. Бу китоб XIX асрда «Инжил»дан кейинги энг кўп сотилган китоб ҳисобланади.

Асар дунёning бошқа тилларига ҳам таржима қилинади. Россияда Николай Некрасов ташкил этган нуфузли «Современник» журналида илк бор 1857 йилда рус тилида босилади. Аммо мамлакатда ушбу асарни тарқатиш, ўқиш қатъиян тақиқлаб қўйилади.

АҚШning жанубидаги штатларда ҳам роман тақиқ ва тазиикқа учраган, ҳатто 1857 йилда мерилендлик фуқаро бу китобни уйида сақлагани учун 10 йилга қамалган.

1853 йилдаёқ асар расмий Ватиканнинг тақиқланган адабиётлар рўйхатига киритилган эди. Китобни Ватиканга махфий олиб кирилган хориж асари сифатида мусодара қилган инквизиторнинг ҳисботидан кейин эса роман иши бўйича Италияда суд жараёни ҳам бўлиб ўтган.

АҚШning 16-президенти Авраам Линcoln китоб муаллифи билан учрашган чоғида шундай дейди: «Мана, катта урушни бошлаган кичик хоним!». Президент Ҳ. Бичер-Стоуни эҳтиром билан қабул қиласи ва унинг ғояларини қўллаб-қувватлашини маълум қиласи. Линcoln «катта уруш» деганда қулликка қарши курашни назарда тутган эди.

Ниҳоят, 1863 йилда қора танли қулларни озод этиш ҳақидаги қонун қабул қилинади.



Кўп асрлик адабиёт тарихида шундай асарлар борки, уларсиз инсоният тамаддуни, тафаккур заҳираси, маънавий йиғиндилари, ижтимоий юксалиш даражаси анча қашшоқ бўлиб қолади. Худди шундай асарлардан бири «Том тоганинг кулбаси» номи билан ўзбек китобхонига ҳам яхши таниш бўлган романdir. Бу асар дунё романчилигига жуда катта эврилиш ясамаган бўлиши мумкин. Лев Толстой, Достоевский, Кафка, Камю, Маркес ва бошқа сўз усталарининг асарлари олдида бироз содда ва жўн асар саналар. Бироқ битта роман Америка қитъасидаги, нафақат АҚШда, балки бутун дунёда инсонларнинг ҳаётини, турмуш тарзини ўзgartаришига сабаб бўлди десак, хато бўлмайди.

Романин ўқиган китобхонга яхши маълумки, асар қулдорлик тузумининг ўта бешафқат манзарасини акс эттирган. Романдаги воқелик қалбида инсонийлик-



дан озгина нишона бўлган ҳар қандай кишини титратиб юборади. Том исмли кекса, қора танли қулнинг бошидан ўтказган мусибатлари ўқувчидаги раҳм-шафқат, меҳр-оқибат туйғуларини уйғотиб юборади.

Инсоннинг худди буюм каби, тилсиз жонивор каби сотилиши, барча хукуқлардан маҳрумлиги ёзувчининг қалбидаги оғриқлар ифодаси ўлароқ қофозга тушган.

«Агар биз яхшилик қилиш йўлида ёмонликка учрашдан қўрқанимизда эди, инсон номига лойиқ бўлмас эдик», – дейди ёзувчи. Дарҳақиқат, бу унинг асарига ҳам, ўзига ҳам тегишли. Ҳар бир асарнинг ҳам худди бир инсон каби ўз тақдирни бор. «Том тоғанинг кулбаси» асари ҳам кўп кўргуликларни бошдан кечирган. Унда кўтарилган буюк фоя инсон озодлиги ва эркинлиги эди. Эркинлик эса доим қимматга тушади. Адибнинг бу асари бепоён Америка қитъасида инсонларнинг қалбини уйғотди. Роман қулларнинг занг босган хотирасига инсон эканини, улар ҳам бошқалар қатори эркин яшаши мумкинлиги ҳақидаги фикрни қайтарди. Инсоннинг руҳи уйғонди. У ўз ҳақи учун қаддини кўтариб қурашга кирди. Қулликка маҳкум инсонлар учун бу роман улкан инқилобга куч берди.

Инсоният тарихида муҳим рол ўйнаган адабий қаҳрамонларга бағишиланган «Мавжуд бўлмаган 101 та нуфузли шахс» китобидаги рўйхатда Том амаки 11-ўринни эгаллаган (2006 йил, АҚШ). Шу қадар оламшумул нуфузга эга бўлган бу асар шунинг учун ҳам китобхонларга манзур бўлди, унда

инсоннинг асл тийнати, асл йўли, чин муроди яширин, инсон эркин яшаши керак деган оддий ва буюк туйғу ҳимояга олинган.

Асарда руҳонийнинг тили билан айтилган «Қабрда биз ҳаммамиз эркин ва тенгмиз» деган сўзлари асарнинг бош foяси каби эштилади.

XX аср Америка адабиётидан катта ўрин олган, афроамериқаликлар ҳаётига бағишиланган юзлаб катта-кичик, пасту баланд асарларнинг дояси шу Х. Бичер-Стоунинг романи бўлди. Қора танлилар ҳақидаги қотиб қолган тасаввурларни тамоман ўзгартирган бу китоб кўплаб фазилатлари қаторида адабиётга янги қаҳрамонлар бергани билан ҳам қимматлидир.

◊

Бугун мураккаб замонда яшаяпмиз. Бизни қуршаб олган электрон кесишибулар, интернет тўрлари хуружида барбири китобдан анча олислаб кетаяпмиз. Аммо унтиб қўяётганимиз бир ҳақиқат бор: тараққиётнинг барча қадамлари замирида, барча 4-5D форматдаги эврилишлар асосида инсон тафаккури бор. Бу тафаккур эса ўзига керакли қувватни китобдан, айнан китобдан олади. Баайни барча атом, гидро ва шамол электр манбалари ҳамма кучни қўёшдан олгани каби.

Шу боис ҳам фақат инсонгагина ато қилинган китоб деган мўъжизага бепарво бўлмайлик.



ШАХСИЙ АРХИВДАН

Собир ҮНАР  
ЖҮНАТИЛ МАГАН  
МАКТУБ

# Абдуқаюм дүйсөнел!

Езувчининг ёзувчига битган мактуби чин маънода кўнгилга ташриф бўлади. Айниқса, бу адиллар тенгкур, даврадош, дарддош бўлса, боз устига, ёзарман ҳам, мактубни ўқиётган адаб ҳам истеъододли кишилар бўлса...

Ўзининг вазмин овози, ҳикоя қилиш услуби билан миллий насримизда катта из колдирган Собир Ўнарнинг ёзувчи биродари Абдуқаюм Йўлдошга битган ушбу хатини ўқиб туриб, бу адилларни улгайтирган маънавий муҳит, улар сув ичган булоқлар, босиб ўтилган йўллар кўз олдимиизда гавдаланади. Собир Ўнар ҳаёт бўлганида 60 ёшни тўлдирган бўларди. Ўзининг гўзал ҳикоялари, романга тортгудай қиссалари билан адабиётимиз хазинасини бойитган адабимизнинг ёзув столида қолган ушбу мактуби ҳам бошқа асарлари каби эскирмайди.

## Тахририят

### Абдуқаюм дўстим!

Уй ичи тинчми? Соғлиқ-саломатликми? Сизу бизнинг ёшимизда соғлиққа жиддий эътибор керак экан. Аҳмад Аъзам раҳматли бемор бўлиб қолганида Луқмон Бўрихон билан кўргани бордик. «Сахар деган энағарни вақтида билмаганимиз, ҳалланглаб иш деб, мансаб деб юраверибмиз, мана энди икки буйрак ҳам ишдан чиқиб ўтирибди». Аҳмад аканинг бу сўзлари ичимни ўртаб ўтди.

Лекин ака матонатли экан. Истиқболда бирон нарсага умид қилиб бўлмайдиган қасаллик қошида бошини эгиб ўтирамади. Икки роман («Ўзи уйланмаган совчи», «Рўё ёхуд Фулистанга сафар») битди. Учтўртта қисса, тил муаммолари, адабий қарашлардан иборат талай мақолалар ёзди. Аҳмад аканинг аввалбошдан партиячилиги, сўнг депутатлиги, ана боринг ТВдаги турли лавозимларини бугун ким, қайси мухлис қойил қолиб ёки, айтайлик, ихлос билан эслайди? Аввал ёзганлари, «Ўзлик» кўрсатувидаги муаллифлик чиқишлиари, кейинги «Тиқин» ҳикояси (бундай зўр ҳикоялар бошқа адабиётларда ҳам кам топилади), «Шарқ юлдзузи»да «Дутор»ми деган тагин бир ҳикояси босилди – ака қойил қоларлик даражада сўз устаси эканини кўрсатди. «Ёшлик»да аввал «Ҳали ҳаёт олдинда», кейин «Тугмачагул» қиссаларини босдик. Йўқ, ака бемор бўлиб ётгани учун эмас (билмадим, балки шунинг учун ҳамдир), бироқ у кишида бунча кўп сирлар беркиниб (маҳоратни ҳозирча «сир» деб турақолайлик) ётганидан ва охир-оқибат у бирин-кетин бўй кўрсатаётганидан мен авваламбор бир мухлис сифатида чинакам қувонар эдим.



«Тугмачагул» – чинакам севги қиссаси. Вой-вой, бу севги дегани шунаقاјам армонга тўлиб-тошиб ётадими, а? Бу мухаббат бир замонлар, талабалигига, пахта теримида бошланиб, кейин кучайган, оқибат етишолмаган, бир қарашда оддий, ҳаммада бўладиган ва ҳамманинг ҳам кўнглида бора-бора чўкиндидай қолиб кетадиган, эслаганда бир хўрсиниб қўядиган хос туйғу. Қатор-қатор асарларда ҳам шу гап: нақоратдай такрорланиб келаверади. Аммо Аҳмад Аъзам замонлар ўтиб ҳам қалбидан чиқаролмай кел-

67 №3, 2024



ган муҳаббат ярларининг тирналишини бир ажойиб ростгўйлик, ўзига хос самимийлик, қисқаси, одам кўнглига яқин бир йўл билан ифода қиладики, беихтиёр қўшилиб армон қиласиз. Мен бу қисса йиғлаб-йиғлаб ўқилади ёки мен уни ўқиб чалқанча тушиб кўзёш қилдим десам, фирт ёлғонни айтган бўламан.

Тугмачагул энди бу замоннинг одами. Қирқдан ошган, эски тароватидан асар ҳам қолмаган. Сизнинг «Алвидо, гўзаллик» ингиздаги келинчак каби шаллақи бўлиб кетмагану, лекин йиллар шамоли, вақтнинг кескир тифи буниям қаритган, қаритмасаям бугун биз ён-веримизда кўраётган лўмбиллаган, бегам-семиз аёллардан бирига айлантириб қўйган. Аввалги севги эсида ҳам йўқ. Йигитнинг суқланиб, балки ҳайратланиб қарашидан ҳайрон бўлади. Дўконининг эшигини очиб кириб ўйлаб қолади. Ўзининг у ёқ-бу ёғига қараган бўлади ва кейингина йигит ҳақида ўйлай бошлайди. Йигитнинг изтироблари, эски туйгулари фимиirlab қўяди.

Йигит бўлса аллатовур бир йўсинда аввалги Тугмачагулни соғинади, ўртанади. Бу шунчаки туйгулар эмаски, каловланиди, тушунтиrolмайди, ҳатто муаллиф, ёзувчининг ўзи ҳам тушунтиrolмайди. Шу боис «Эх, сиз билмайсиз-да!» дея хотима ясаб қўяқолади. Бўлди. Қисса шу. Лекин сиз ҳам модомики ихлосманд ўқувчи экансиз, камида «Эсиз, аттанг-да!» деб қўясиз. Ёхуд шундай бир гап хаёлингиздан ўтади. Мен айтай, ҳозирги замонда шунинг ўзи катта гап. Жуда-а катта гап.

Шунгача эҳтимол камида юзта фожиа, ўлимга бой ҳикоя, қисса ўқигандирман. Лекин бу менинг армонларимни қўзфатиб

юборди «Эх, сиз тушунмайсиз-да!» деб юрган кунларимни эслатиб, шу бобда «Аттанг!» деб қўйдим.

Мен ўқиган ҳикояларда севги деб аварияга учраган, заҳар ичган, ўзини поезд тагига ташлаган, дорга осган юздан зиёд йигит-қизнинг бирори ҳам эсимда йўқ. Ҳаётда, тўғри, бундан баттарлари бор, аммо одамни ҳатто бемор ҳолига тушириб ўтирмай ҳам кўнгилга таъсир қилиш ўйлидан борди, нияти ҳам шу эди асли. Одам фақат қўлидан келганини қилса кўп нарсага эришади. Аслида шунинг ўзи, каттадир-кичикдир, маҳорат шекилли.

Чингиз Айтматов айтмоқчи, биз маънавий таназзуллар замонида яшаемиз. Кечагина адабиёт газетамизда Эшқобил Шукурнинг «Омочдан космик кемагача» деган мақоласини ўқидим. Отасига раҳмат. Жуда кенг, умумлашма мулоҳазалар билан ёзибди. Ахборот илм эмас деган гапни ҳаммамиз ҳам у-бу тарздә чалачулпа ёинки ёйиб, тафсилотларга берилиб, ҳаммани зериктириб айтиб ётибмиз, бирор тинглаб, бирор тинглагани ҳам йўқ. Э. Шукур қисқа, афоризмдай қилиб, вактида, керакли холосалар билан ёзибди. Баъзан шундай бир мақола ундин-бундай қиссадан афзал.

Бу билан мавзудан чалғимоқчи эмас-

66

Бу гапларни қофозга ёзиб нега бошингизни қотираяпман ўзи?

Билмадим, аммо бир нарса аниқ: сизга ичимни ёргим келди!

Шунинг учун ҳам ёзилди.

ман. Хашакилик ёмон нарса. Ахборот сони ошиб, оқими ундан-да тезлашаётган замонда саёздан яхши асарни фарқлаб олишнинг ҳам қийинлашаётгани бор гап. Фарзандлар майда ахборот, ёлғон ахборотдан муҳим ёки глобалини ажрата олмаётган бир пайтда саводли ота-она фарзандга таъсир кўрсатиши лозим. Шунда саводли оқиллар жуда бўлмаганда соғлом фикр кишилари оқими сифатида ажралиб турадилар.

Айни вақтда адабиёт ҳам шу сингари саралашга муҳтождир. Бу борада адабий танқидчилик деярли рол йўнамай қўйди. Мақолалар деярли мақтов ҳамда эътирофлардан иборат бўлиб қолди.

Агар кимдир бирор «Вақтингиз бемалол бўлса, Чингиз Айтматовнинг “Жамила” қиссасини тақрор ўқирмидингиз?» деб сўраб қолса, мен ўйлаб ўтирмаи «Йўқ» деб жавоб берган бўлардим. Гапнинг очиғи, ўтган асрнинг 80-йилларидағи ҳаяжон энди йўқ. Биз бошқа замонларга келиб қолдик. Мабодо бугун ёш бир ўқувчи «Мен “Жамила”ни ўқиб таъсирландим, зўр экан» деса олқишилайман. Лекин ўзим уни қайта қўлга олгим йўқ. Менинг ёшимдаги кўпчилик учун балки бу табиий ҳолдир. Чунки кўнгил бошқа нарсаларга эҳтиёжманд, эски қолипда қотиб қолишни хоҳламаётир.

Ажабо...

«Келди ўзга замонлар, кўринди бошқа номлар» деган эди Евтушенко қирқ йил бурун. Шу сингари камина ўқувчи сифатида «Тумачагул»ни кўнглимга яқин олганимни айтсан айблаб ўтиранг.

А. Аъзам ўзи қанақадир бошқачароқ, катталарга ҳам, ўзининг тенгқурларига ҳам ўхшамаган бир йўл билан кириб келди. Биз аканинг зукко, фаол, танқидчи эканини аввалбошда тан олган эдик.

Катта танқидчилар матбуотда ўша вақтдаги ёш шоирларнинг шеърларини тушунмайди одам, бу нима дегани дея нолиб қолса, Аҳмад ака дарҳол «тушунтириб» қўяқоларди. Биз талабаларга бу

жасорат хуш ёқар, худди муҳим футбол ўйинида гол киритган ҳужумчикек керилиб юрадик. Негадир...

Аҳмад ака жуда кўп ўқийдиган, мумтоз адабиётни, ҳозирги шеъриятни ҳам бирдай тушуниб, таҳлил қилиб ташлайдиган, айни чоғда рус, тоҷик тилини сув қилиб ичган одам эди ўзи. Самарқанддарвоза маҳалласи Каттабоғ кўчасидаги уйи хароб бир аҳволда эди, бир гал ўзимнинг китобимга тақриз ёздиргани борганимда Аҳмад ака ўшанда русум бўлган «Москва» номли кичик машинкада бир нарса кўчириб ётган экан. Мундай қарасам, кўчириб эмас, бир китобни очиб қўйиб, ўқиб тўғридан-тўғри таржима қилиб машинкалаб ташлаётган экан. Машинкадаги қофоз ҳам алламбало катта форматда, бунақасини кўрмаганман, интервали ҳам 2,5-3 дан кам эмас, билсан, кейин устидан таҳрир қилиш осон бўлиши учун оралиқни ва ҳошияни кенг қилиб олар экан. Шунақа меҳнаткаш, тиним бил-



8.

Сура жемидам жишилди:

“Еңеш керак!

Владимир Малюсовский сөзү -  
үйнеш дум, сөвгүни дум еңиб-  
ячкы керак!

Еңес керак, дүниө керак, Еңес керак!

Садыр Укен

м а й  
ишлайдиган одамлар  
эди бу авлод.

Биз анча ялқоммиз.

Кези келганды қистириб ўттай. «Ёшлик» журналига даставвал ишга келганимда шкафда одам бўйи қўлёзмалар қалашиб ётарди. Таҳрир қилиниб, сўнг журналда чоп этилган асарларнинг папкалари. Улар орасида «Галатепага қайтиш»нинг кўрганман... Мен ёзувчи Ҳ. Маллаевнинг 200 бетга яқин «Ўғил» деган қиссаси папкасини ётоқхонага олиб кетганман. Папкаларни титкилаб биздан аввал ишлаган ёзувчиларнинг хатларини таниб қолгандим. Шуларнинг ичида Эркин Аъзамнинг хати аломат дараҷада чиройли эди. Айниқса катта «А» ҳарфи. Агар кирилл ёзуви бўйича дунё хаттотларини йиғиб бир танлов эълон қилса, Эркин ака юқори ўринлардан бирини эгаллашига имоним комил. Ихлосим шу даражадаки, ҳозир ҳам юзлаб ёзувлар ичидан Э. Аъзамнинг хатини дарҳол таний оламан.

Албатта, Эркин акадай катта ёзувчига бу жиҳатдан ёндашилса, пастназарлик қилган бўламиз. Мен ўшанда ёзувчимизнинг таҳрир маҳоратини ўрганаман деб олиб хатига ҳам меҳрим тушиб қолганини айтиб ўтаяпман, холос.

Хуллас, қисса таҳрири сарлавҳадан бошлаб... кетган. «Ўғил» – «Зурёд». Саъдий Шерозийдан қоронғилиқдан кейин ёруғлик келиши мазмунидаги икки сатр шеърдан (таржимон Шоислом Шомуҳаммадов), ишонасизми, бир сўз ҳам

омон қолмаган... Лекин мазмун бўртиб кўринган, сўзлар жаранглаб чиқкан.

Алқисса, чамаси қиссанинг учдан бир ҳажми қолган, маъно-моҳият ўша-ўша, қайтанга очилган.

Бугунги таҳрир «санъатимиз», ахволимиз билан уни солиширсам,войвой, уялиблар кетаман, уялиблар!

Бир гал Эркин акани кўриб «Ака, шундоқ-шундоқ, биз бир саводсиз ётиб олиб мундоқ папкаларни титиб ўрганувдик» десам, «Билмасак, жўра, эсда йўқ» дейди. Эсидадир-ку, ҳарқалай, биз энди зўрмиз-да деб керилишни эп кўрмагандир.

Аҳмад ака ҳақида «ўтлаб» ётудим...

Уч кун куттириб ака ишхонага телефон қилиб «келиб кетинг» деди. Тақриз тайёрлигини билиб оёқни қўлга олиб чопдим. Тақриз асли «Юлдузча» нашриётининг буюртмаси эди. Раҳматли Аъзам Ўқтам «Аҳмад Аъзамни топиб ёздириб келинг, ҳозир танқидчиларнинг зўри шу ака» деганди. Ёш эдим, биринчи китобим эди, шунга кўра Аҳмад ака аяброқ ёзгани маълум. Бирибир хайриҳоҳлигини ҳам сездим. Ўзимнинг мавзуларим, ўзимнинг обьектим борлигини таъкидлагани, охирида шеваларни тўғри қўллаш зарурлиги, акс ҳолда тушунарсиз бўлиб қолишини уқтиргани эсимда.

Ака шундан кейин асар ёзишдан тийилиб юриб, сиёsatчи бўлиб қолди. Сиёsatда, телевидениеда раҳбар бўлиб юрганлари Аҳмад акани адабиётдан йироқлаштиргани аниқ. Лекин қизиқки, умр бўйи бу соҳада лой қориб юрганларни ҳам билардик – тайинли бир иш қилишмади. Шоир айтганидай лаллайиб элликка, лаллайиб олтмишга киргандар ҳам бор.

Бирорвга иддаомиз йўқ.

Аҳмад Аъзам бу йиллар учун армон қилган бўлса керак. Мана, аввал ҳам айтдим-ку, ака асарларида очилди, имкониятлари катта эканини билди, қўлидан келганича ёзди, кўп иш қилди, яна ёзмоқчи эди, бироқ... вужуд чарчаган эди.



Мен буни икки йил аввал ака билан журналга сұхбат қылғанимда билдім. Сал бурун Фахриёрнинг Мурод Мұхаммад Дўст билан сұхбатини эълон қылғанмиз. Жуда зўр чиққан. Аҳмад аканики бундан кам бўлмайди деб ўйлаган эдим. Афсус, ака ҳарчанд ўзини дадил тутишга интилса ҳам қийналди: такрор гаплар айтди, саволнинг бир қисмига жавоб бермади, бир фикрни лўнда эмас, чўзиб айтди. Натижада материал кўнгилдагидай чиқмади. Бу Аҳмад ақага хос эмас эди. Буни ўзи ҳам сезди. Лекин журналда эълон қилдик. Сабаби негадир ўзим ҳам шошар эдим. Ака кўриб қувонишини хоҳлардим.

Шу ўринда бир таъна гапни айтгим келади: олтмишвойлар, элликвойларнинг асарларини ўқимайдилар. Ўқимай туриб, биздан кейинги авлод йўқ деб айтадилар. Авлод-ку бор, буни Улуғбек Ҳамдам «Шарқ юлдузи»нинг ўтган йилги ҳар бир сонида ижодкорларни баҳсга чорлаб таҳлил қилишга киришди. Назаримда, бу авлоднинг фожиаси китоб ўқилмайдиган замонда юзага чиққанидадир. Одам адабий нашрларни ўқимаса, китоб дўконига кириб бу ўзи кимники деб бирор ёшга эътибор бермаса у йўқ дегани эмас-ку!

Аҳмад ака умри охирида Луқмон билан мени чақириб, китобларимизни ўзимиздан олиб ўқиди. Қўнгироқ қилиб қутлади. «Хайрият, сизларда сунъийлик йўқ экан, эй, ёзинглар барака топкурлар, кўпроқ ёзинглар» деди. Бу – баҳо ҳам далда эди.

Дастлабки ҳикояларим «Ёшлиқ»да чиққанда Тоғай Мурод мени суриштириб, «шундан яхши ёзувчи чиқади» деган экан бир ёзувчи акамизга. Шу гапнинг ўзига бир ҳафтача ирғишлаб юрганман. Мурод ака бирор ҳикоямга кўзи тушганми, ёрдамчисига «Собир тузук экан» дебди, анча вақт шайтонлаб юрганман. Эркин ака «Бибисора» қиссамни ўқибди: «Шеваларингиз бизникига ўхшаб кетаркан» деди. Бу энди баҳо эмас, индамай қўяқолдим.

Абдуқаюм, дўстим, сиз учта роман ёздингиз, Улуғбек ҳам учта, Исажон иккита, Луқмон учта, Назар Эшонқул битта. Менда эса... журъат йўқ.

Барибир... ўқилмайдиган замоннинг касри урди-ёв...

Нима ҳам дейсиз, кимдан ўпкалайсиз?..

Чаққон детективчилар бошқаларни чангда қолдириб улгурди.

Бу гапларни қофозга ёзиб нега бошингизни қотираяпман ўзи? Билмадим, аммо бир нарса аниқ: сизга ичимни ёргим келди! Шунинг учун ҳам ёзилди.

# ҮРГИМЧАК ИНИДАН РЕПОРТАЖ

Сүзимиз аввалида айрим рақамларга эътибор қаратсак: 2023 йилда дунё бўйича ҳар сонияда 8,4 нафар киши турли ижтимоий тармоқларга обуна бўлган. Йил давомида уларнинг сони 5,6 фоизга ўсиб, 266 миллион нафарга кўпайган. Ҳозир ер юзида ижтимоий тармоқ фойдаланувчилари сони 5,04 миллиард нафардан зиёд. Ижтимоий тармоқ фойдаланувчилари бир кунда ўртача 2 соату 23 дақиқа вақтини интернет учун сарфлайди. Агар бу рақамларнинг умумий йигиндиси ҳисоб-китоб қилинса, 2024 йилда инсоният 500 миллион йил вақтини турли ижтимоий тармоқларда ўтказар экан.


Азим РЎЗИЕВ



Ҳа, интернет, ижтимоий тармоқ ва мобил телефонлар аллақачон одамлар ҳаётининг ажралмас қисмига айланиб улгурди. Бизнес, ишлаб чиқариш, таълим-тарбия, тиббиёт, ахборот алмашинуви каби қатор соҳаларни ўргимчак тўрисиз тасаввур қилиш мушкул. Ҳатто юриш-туришимиз, еб-ичишимиз, кийинишимиз, энг муҳими, дунёқарашибимиз шаклланишини ҳам интернет белгилаб бераётir. Кунда, кунора янги технологиялар яратилаётган шиддатли даврда оқимга қарши сузиш, ҳар қадамда ўзингни иҳоталаб яшашинг имконсиз.

Диққат билан қарасангиз, биз ҳам дунё аҳли сингари ўргимчак тўри ичра яшамоқдамиз. Гўё кенг дунё ўргимчак инига айланиб қолгандай, ҳамма томонни кўзга кўринмас тўр қоплаган. Лекин бу жараённи ўргимчак тўри эмас, билим ва имконият манбаи сифатида кўрса ҳам бўлади. Фақат кимга қандай?

Икки йил бурунги маълумотга кўра, ўзбекистон аҳолисининг интернетдан фойдаланувчилари сони 31 миллион нафар бўлиб, уларнинг 29,5 миллиони мобил телефон орқали мазкур хизматдан фойдаланади. Хўш, юртдошларимиз интернетдан қандай фойдаланмоқда?



## “

*Ҳатто юриш-туришимиз, еб-ичишимиз, кийинишимиз, энг муҳими, дунёқарашибимиз шаклланишини ҳам интернет белгилаб бераётir.*

Танганинг икки томони бўлгани сингари, интернетнинг ҳам яхши ва ёмон томонлари бор. Ундан қандай мақсадда фойдаланиш ҳар бир инсоннинг ўзига боғлиқ. Шоир айтганидай «ҳикмат излаганга ҳикмат, ғурбат излаганга ғурбатдир дунё». Интернет ҳам кимдир ҳикмат топса, кимдир ғурбат топадиган дунёга айланди. Интернетнинг узогимизни яқин, оғиримизни енгил, кўп юмушларимизни қўлимииздан олган дастёр сифатидаги яхши имкониятларини инкор этмай, айрим юртдошларимизнинг калтабинлиги, савиясизлиги, носоғлом фикр юритиши сабабли миллий тафаккур ва маънавий ҳаётимизни ботқоқта тортишда восита бўлиб қолаётганини айтиб ўтиш ўринли. Шунинг учун биз бу мақоламида кўпроқ хатарли, хавотирли жиҳатлар ҳақида тўхтамоқчимиз. Мақсадимиз – огоҳлик.

Кўп ҳолларда одамларимиз, яъни катта-кичик юртдошларимизнинг қош қўяман деб кўз чиқарив қўяётганига гувоҳ бўляпмиз. Ҳар ҳолда ижтимоий тармоқларда халқимизнинг турли қатлами вакиллари ёзётган, фото ва видео кўринишида жойлаётган бачканга ва дидсиз ахборотлар шундай хуносага келишимизга асос бўла олади. Келинг, қуйида ана шундай баъзи мисолларни таҳлил қилиб кўрайлик.

«Youtube» тармоғида 509 мингдан ортиқ обуначига эга бир каналда юртимизда анчагина таниқли бўлган хонанда

“

*Бир яллачи умрида умуман китоб ўқимаганидан фахрланиб гапириб чиқди. Эл ичидә таниқли бўлган бир тадбиркор эса мактабда «икки»чи бўлганини тан олди.*

билан уюштирилган сұхбатга эътибор қаратайлик:

– Оиласнгиз ҳақида гаплашсак? – канал номини фамилияси билан атаган бошловчи хоним савол сўрайди.

– Ҳозирги кунда оиласн йўқ, – деб жавоб беради ёлғондакам бўлса-да афсусланишни хаёлига келтирмаётган ҳалиги хонанда.

– Ажрашгансиз? Агар сир бўлмаса, айтинг-чи, неча марта турмуш қургансиз ўзи? Болаларим кўп деб доим гапириб юрасиз.

– Санаб кўришим керак! Чунки дабдурустддан бу саволга жавоб беришим қийин. Аслида тўғриси ҳам шу. Аллоҳдан яширмаган, бандасидан яширмидим?

Хонанданинг жавобларини эшишиб бошловчи қулиб қўяди.

– Ҳамма болаларингизни ўзингиз юз фоиз таъминлайсизми?

– Икки боламга алимент тўлайман. Бир қизим Германияда яшайди. Ҳозир 19 ёшда. Шу кунгача унга бирор нима қилиб бердим деб катта гапиролмайман.

– Ўша қизингиз биринчи турмушингиздан, шундайми?

– Ҳа, шундай. Онаси билан ажрашганимиз. Иккинчи турмушимдан эса уч нафар фарзандим бор. Уларнинг иссиқ-совуғидан хабардор бўлиб туриш бўйнимда. Учинчи ва тўртинчи турмушимдан ҳам бир нафардан ўғлим бор. Уларга алимент тўлайман. Бешинчи турмушимдан янада билан қизим бор. Унинг ҳол-аҳволидан ха-

бар олиб тураман. Олтинчى турмушимдан янада бир нафар ўғил фарзанд бор. Онда-сонда қўришиб туришимизни айтмасам, очиги, мутлақо хабарлашмаймиз.

– Ўглингиз биланми?

– Ҳа.

– Ҳозир ўша ўглингиз неча ёш?

– Билмадим. Икки ёш бўлдимиқан-а?..

Ё тавба! Элликка кирган одамнинг гапларига қаранг-а! Фожеали тақдири ҳақида ҳеч хижолатсиз, уялмасдан, гўё бир ишни дўндириб қўйган қаҳрамондай мардонавор гапириб ўтирибди. Ҳаётидаги хатоларидан тўғри хулоса чиқариш ўрнига қилган ишидан мамнундай. Олти марта уйланганидан масрурдай! Ҳаётнинг оқу қорасини кўрган одам оммага шу гапларни торти nmай айтиб турса, ҳали ҳаёт қозонида қайнаб кўрмаган ёшларимиздан нимани кутиш мумкин?

Афсуски, бундай ҳолат биринчиси ҳам, охиргиси ҳам эмас. Сал илгари янада бир ашулачи беш нафар хотини, 15 нафар фарзанди борлигини айтиб мақтанган эди. Бошқа бир яллачи умрида умуман китоб ўқимаганидан фахрланиб гапириб чиқди. Эл ичидә таниқли бўлган бир тадбиркор эса мактабда «икки»чи бўлганини тан олди.





Афсуски, сўнгги пайтларда бу шакл ва мазмундаги гурунглар интернетнинг ўзбек сегментида жуда кўпайиб кетди. Ҳар ким оғзига келган гапни ўйламай-нетмай гапириб ётиби. Кимдир эътиroz билдиригудай бўлса, сўз эркинлигини пеш қилиб дарров оғзингизга уради. Оҳанжамага ўч юртдошларимиз эса билиб-бilmай, гапнинг маънисига етмай, уларнинг пилигига мой қуйиш билан банд. Бундай қора ташвиқот эртага фарзандларимизнинг келажагига салбий таъсир қилиши ҳақида ҳеч ким ўйлаётгани йўқ. Маълумки, омма азал-азалдан машҳур, таниқли кишиларнинг ҳаёти, улар ҳақидаги маълумотларга қизиқади. Кўп ҳолларда уларнинг ибратли ишларидан, юриш-туришидан, ўрни келса, хатоларидан хулоса чиқарган одамлар ёмондан яхшиликка, ўғрилиқдан тўғрилиқка ўтган. Бугун одамларимиз машҳурлардан нималарини ўрганиши мумкин? Қайта-қайта хотин олишними? Фарзандлар ҳолидан хабар олмаслик ва уларнинг тарбияси билан шуғулланмасликними?

Ўзбек халқи мудом оилани муқаддас санаб келган. Оиланинг мустаҳкамлиги, фаровонлиги ўйлида не-не машаққат ва синовларга дош берган. Ўрни келса, аёлнинг ёки эркакнинг айби, хотин ва камчиликлари яширилган. Таажжубки, ҳозир эр-хотин

тинмасдан айни бир-бирига ағдари, етмаганига бутун омманинг олдига чиқиб, бир-бирини ер билан яксон қиласди. «Урсанг эти, гапирсанг бети қотади» деганларидай, интернет тармоғида кун сайин урчиб бораётган бундай бемаза ва тутуруқсиз видеолар бошқа оилалар муҳитига у ёки бу даражада салбий таъсир кўрсатиши аниқ. Ўзи шундоқ ҳам юртимизда муаммоли оилалар кўпайиб кетаяпти. Ўзбекистонда 9 миллиондан ортиқ оила бор. Йилига 250-300 минг янги оила қурилмоқда. Аммо шу билан бирга, ҳар йили ўртача 45-49 минг оила бузилиб, ажрашиб кетаяпти. Шунча оиланинг барбод бўлиши бутун жамиятга таъсир қиласди.

“

*Ўзбекистонда 9 миллиондан ортиқ оила бор. Йилига 250-300 минг янги оила қурилмоқда. Аммо шу билан бирга, ҳар йили ўртача 45-49 минг оила бузилиб, ажрашиб кетаяпти.*

Интернет оламидаги яна бир мавзуу катта-кичикнинг эътиборини жалб этди. Гап шундаки, бир ёш футболчининг аёли «Youtube» тармоғидаги бир каналга интервю бериб, қайнотасини унга шилқимлиқ қилганликда айлади. Ана кўринг-да томошани. Аввалига ўзбек сегментидаги барча сайтлар, каналлар, борингки, ижтимоий тармоқ фойдаланувчилари ҳам ўз саҳифаларига бу хабарни яшин тезлигига жойлаб, шов-шув кўтариб юборди. Сўнгра турли гурӯҳ ва давраларда муҳокамалар бошланиб кетди. Кимдир келинчакнинг тарафини олиб иддао қиласа, бошқа бирор ҳали ўзбек эркакларининг ор-номуси ўлмаган деб қайнота томонда туриб бақир-чақирни бошлаб юборди.

Қисқаси, юз минглаб юртдошларимиз икки-уч кун ана шу видео билан овора бўлиб яшади.

Орадан тўрт-беш кун ўтиб, лойқа сувлар тингандай эди. Аммо кутилмагандан яна ҳаммаси қайтадан бошланди. Ўша видеони интернетга жойлаган кишилар бу сафар ҳар икки томоннинг мазкур воқеага муносабатини эълон қилди. Табиийки, ҳеч ким айбдор эмас, томонлар бир-бираriga тош отиш билан овора. Хуллас, боши-охири йўқ «деди-деди»лар.

Уч кун ичида икки юз эллик минг одам кўрган бундай видеолар ўзбек жамияти учун ярашмайди, албатта. Икковора гурунгда ҳам тилга олиш уят бўладиган бундай мавзуларнинг оммавий эфирга тарқатилиши яхшилик аломати эмас. Астасекин юқумли тус олиб, оммалашиб бораётган бундай иллатлар бориб-бориб миллий қадриятларимиз, миллий онгимиз ва маданиятизни ич-ичидан емириши мумкин. Миллат тафаккурига ёт ғояларни, «оммавий маданият» ниқобидаги бўлмағур ҳаёт тарзини, Фарбнинг ўзини-да довдиратиб қўяётган гарбона бузгунчи одатларни турмуш тарзимизга сингдириб юбориши эҳтимол. Галдаги мисолдан ҳам хавотиримиз нечоғли ўринли эканини англаса бўлади.

Беш-олти ой илгари турли ижтимоий тармоқларда дилни хира қиладиган бир видео тарқалди. Ўзганинг уйига кириб, шкафга беркиниб олган бегона йигит ушлаб олиниб, тўрт-бешта киши томонидан тергалган ҳолат тасвири жамоатчиликда фазаб уйғотди. Кутилмаганда эса...

Орадан кўп фурсат ўтмай бирорвнинг уйига кўз олайтиргич ўша йигит кутилмаганда айрим бефаросат юртдошларимиз томонидан салкам қаҳрамон даражасига кўтариб юборилди. Даствлаб бир блогер у билан ҳамкорлиқда видеоролик олиб, сотиладиган уйни реклама қилди. Сўнгра бошқа одамлар ҳам унинг исмини қўшиб, мисоли бирорвнинг уйига яширинча кириб олгандек бўлиб ўнлаб, балки юзлаб видеолар тасвирга олиб, ижтимоий тармоқларга тарқатди. Улар орасида ўзбек аёл ва қизларининг ҳам борлиги жуда ачинарли.

Ха, бугун газета-журналлар, китобларни бир четга қўя турайлик, кўпчилик телевизор ҳам кўрмай қўйди. Чунки одамлар тафаккур қилишга, фикр юритишга эриниб қолди. Енгил-елпи, арzonгаров маҳсулотларнинг харидорига айланди. Ҳаётнинг маъносини ижтимоий тармоқлардаги бачканага, савиясиз, дидсиз турли аудио ва видеолар билан ўлчайдиган бўлди. Ҳатто тадбиркорлар қўпроқ фойда олиш илинжида маҳсулотини ўшаларга реклама қилдираяпти. Пулнинг ҳидини олган айрим блогер ва вайнерлар мойли мижозни қўлдан бой бермаслик пайида қўлидан келганча тайини йўқ видеолар олиб, одамларнинг эътиборини тортишга уринмоқда. Оқибатда на мантиқа, на ахлоқ-одоб мезонларига тўғри келадиган, қўпол қилиб айтганда одам жирканадиган «ижод маҳсуллари» оммалашмоқда. Айрим видеоларда миллиатнинг устидан кулиш, маҳаллийчилик қилиш, ҳатто қишлоқ одамларини овсар қилиб тасвирлаш тез-тез учраб турибди. Бу ҳақда таниқли режиссёр Жаҳонгир Аҳмадов ҳам ижтимоий тармоқдаги саҳифасида куйиниб фикр билдириди:

«Одамларни овсар, ландавур, аҳмоқ, жинни, қолоқ, оми, бефаросат, саводсиз қилиб кўрсатмоқчи бўлишса, нега бошига дўппи кийдириб қўйишади?! Биронта туркнинг миллий бошкийи-



мини кийволиб қийшанглаётганини кўрганмисиз? Мен ҳатто қозоқ, қирғиз қардошларимизнинг ҳам бундай қилишганини кўрмаганман.

Йигитлар, дўппи ўзбек миллати учун шунчаки бошкыйим эмас, бу қадрият! Ақлни йиғиб олиш керак!».

Ижтимоий тармоқлардаги яна бир оғриқли масалалардан бири – охирги вақтларда ҳиссиётни жунбишга келтирувчи дорилар рекламаси ҳамда эр-хотин муносабатларига бурнини суқиб, уларга ақл ўргатувчилар тоифаси кўпайиб кетди. Ҳадеганда қаршингиздан чиқиб келадиган бу рекламаларда таниқли артистлар иштирок этаётгани бироз ғалати. Бир фильмда муаллим, бошқасида оқсоқол ролини ўйнайдиган кишиларнинг шу маҳсулотни ичсангиз ундоқ бўлиб кетасиз, бундоқ натижага эришасиз деб туришини, очиғи, ҳазм қилиш қийин. Уларнинг куйиб-пишб бу дориларни реклама қилишини кўрган одам Ўзбекистонда бирорта соғ-

лом эркак ва аёл қолмабди деган хаёлга боради. Ваҳоланки, ўтган йили қайсиdir хорижий ташкилот бу борада ўзбекларда муаммо йўқ дея ҳисобот берган эди.

Қисқаси, интернетнинг ўзбек сегментидаги ижтимоий тармоқларни кузатиб барака топиш қийин. Тош босадиган чиқишлиар бармоқ билан санарли. Мисолларда келтирилган каби «асар»лар оммага ёққани билан миллатнинг келажаги, юрт равнақи учун фойдасиз. Қайтанга, одамларнинг дидини, савиясини ўлдирмоқда. Кимдир истамасанг интернет ёки ижтимоий тармоқлардан нари тур дейиши турган гап. Лекин ёшу қарининг қўлида мобил телефони бўлган ҳозирги замонда бу имконсиз. Яхшиси, ҳар биримиз тафаккур қилиб, ўзимиз, болаларимиз тақдиди учун хулоса чиқарайлик. Айтиб ўтганимиздай, интернет ва ижтимоий тармоқлардан фурбат ё иллат эмас, ҳикмат топса ҳам бўлади.



# УЧ ЮЗ ЙИЛЛИК ЙҮЛ

**M**ахтумқули Фироғий ҳақида сўз кетганда улкан сўз санъаткори улғайған муҳит кўз олдимда гавдалана-ди. Ва шу шоирни менга танитган муаллим отамнинг сўzlарини тинглагандек бўламан. Бундай қиёснинг пайдо бўлиши бежиз эмас: Махтумқулининг шоир бўлишида отасининг қанчалар катта ўрни бўлса, менга шеъриятни, айнан Махтумқули шеъриятини танитишда отамнинг ўрни ҳам шундайдир.

Махтумқулини ҳикматгўй шоир сифатида жуда яхши биламиз, дунё ўқувчиси уни танийди, севиб ўқиди. Асарлари жаҳон халқларининг ўнлаб тилларига таржима қилинган. Аммо Махтумқулининг отаси кимлигини, дунёга машҳур шоир ортида тоғдек таянчи борлигини, у зотнинг улкан уламо бўлгани, қалbidаги туйғуларини шеърга согани ҳамда «Ваъзи Озод», «Бешиштнома» каби маърифий достонлар ёзганини кўпчилик балки эшитмагандир.

Туркман адабиёти тарихида Махтумқулининг отаси Давлатмаммат Озодийнинг муқим ўрни бор. Давлатмаммат Озодий ўз даврининг билимдон олими, таникли зиёлиси бўлган. Икки минг байтдан кўпроқ, маснавий усулида ёзилган «Ваъзи Озод» асарининг мазмuni Озодийнинг Қуръони каримни, ислом дини тарихи, пайғамбари-миз ҳадислари, шариат аҳкомларини жуда яхши билганини кўрсатади. Озодий асарлари 1980-йилларда туркман ўқувчиларига тақдим этилади, аммо нашрдан чиққан китоб давр мағкурасига мос келмагани учун дарҳол кутубхона ва китоб дўконларидан йиғиб олиниб, йўқ қилинади.

Катта-кичик ўзбек шоирларининг миллатлараро қардошлиқ, хусусан, бу борада Махтумқули сиймоси акс этган шеърларини кўздан кечира туриб, ўз ҳолимга ҳам назар ташладим. Мени бадиий адабиётга ошно қилган кўркам сўз алломалиридан бири, шубҳасиз, Махтумқулидир. Ўқувчилик йилларим физика-математика ўқитувчиси бўлган отам – Нурмат Каримов сабоқлар орасида бир қанча шоирлар, кўпроқ Махтумқули ижодидан шеърлар ўқиб, толиқкан асабларимизга ором бағишлар эди.



Айниқса, Махтумқули билан Дурди шоирнинг «Хабар бер» деган шеъридан

“– Ол намедир, иймединер, дойдулар?  
Ол намедир, кийамата гойдулар?  
Ол ким иди, дабаниндан сойдулар?  
Шахир болсанг, шондан бизе хабар бер.

– Ол дидардир, иймединер, дойдулар,  
Ол намаздир, кийамата гойдулар,  
Несимини дабаниндан сойдулар,  
Бизден салам болсун, жогап шейледир”,





сингари бандларини ўзгача маҳорат, декламация билан ижро қилар эди. Сўнг озарбайжон шоири Насимийнинг фожиавий қисмати борасида маълумот берар эди отам.

«Муҳаммад уммати молсиз бўлмасин,  
Молсиз бўлса, дўган-қардош ёт бўлар»  
каби шеърларини эсимни танигандан  
буён эшишиб, отамнинг тилидан ёдлаб  
олган эдим.

Махтумқулининг

«Соғлигинг қадрини билгил ҳаста  
бўлмасдан бурун,

Ҳасталик шукрини қилгил токи  
ўлмасдан бурун,

Еру туз қадрини билгил дарё тўйласдан  
бурун,

Кемада ҳушиёр ўтиргил гирдоба  
келмасдан бурун,

Ёшлигинг қадрини билгил то  
улгаймасдан бурун»

ёки

«Ҳар йигитнинг аслин билай десангиз,  
Маъракада ўтириб-туришин кўринг.  
Бирор билан ошно бўлай десангиз,  
Аввал ваъдасинда туришин кўринг»

каби мисралар билан бошланувчи  
шеърларини буюк ҳофиз Комилжон  
Отаниёзов ва бошқа улкан  
санъаткорларнинг қўшиқ қилиб  
куйлаганларини ҳали-ҳамон эслайман.

Отам талабалик даврида «Магтимгули. Сайланан эсерлер. Н. Ашировинг ве Г. Кулиевинг редакцияси билен» китобини сотиб олган. 1958 йили «Туркмен довлет нешрияти»да босилган бу табаррук китобнинг ёши мендан улуғ. Отамдан менга мерос қолган шу китобдан ора-ора Махтумқули шеърларини туркман тилида ўқииман. Ундаги кўп шеърлар менга ёд ва қадрдон.

Бир куни тингласам, бир жуфт ёш ўзбек хонандаси Махтумқулининг «Хабар бер» (Дурди шоир билан айтишув) шеърини қўшиқ қилиб куйламоқда экан. Жиддий қулоқ солдим. Овоз яхши, мусиқа маъқул, саволларга жавоблар маънили. Аммо қайси бир жойи менга ғалати туюлди. Хонандалардан бирининг «У нимадир, бир-биридан **аълодир?**» саволига иккинчиси «У ой-кундир, бир биридан **аълодир**» деган жавоби устида ошдан курмак чиққандек таққа тўхтадим. Қўшиқнинг давомини тинглашдан чалғидим. Махтумқули



## **Туркман адабиёти тарихида Махтумқулининг отаси Давлатмаммат Озодийнинг муқим ўрни бор. Давлатмаммат Озодий ўз даврининг билимдөн олими, таниқли зиёлиси бўлган.**

ҳазратларининг ўзбек тилида босилган тўртта таржима китобини қўлга олиб қиёсладим. Ўтган асрнинг 60-йилларида Жуманиёз Шарипов таржимасидаги бир товуш сакталиги кейинги барча таржималарга айнан кўчиб ўтиди, яъни барча матнда масала қўшиқда янграганидек – «аълодир». Ҳолбуки...

Беихтиёр шеърнинг аслини изладим. Отамдан мерос китобнинг 398-бети, 1992 йилда Ашхободда чиқсан уч жилдлик шеърлар китобининг 1-жилди 214-бети; мустақиллик даврида – 2013 йили лотин ёзувида чоп этилган икки жилдлик асарлари тўпламининг 1-жилди 121 – 122-бетларидан бу шеърни ўқидим:

– Ол нәмедин, дервезесиз галадыр?  
Ол нәмедин, пенжиресиз бинадыр?  
Ол нәмедин, бир-бириден аладыр?  
Шахыр болсаң, шондан бизе хабар бер!

– Ол көңулдин, дервезесиз галадыр,  
Ол габырдыр, пенжиресиз бинадыр,  
Ол Ай-Гундуру, бир-бириден аладыр,  
Бизден салам болсун, жсовап шейледир.

Мавзу мухокамаси учун ушбу бандларнинг учинчи, яъни таржима ва қўшиқ матнида «У нимадир, бир-биридан аълодир?» – «У ой-кундир, бир-биридан аълодир» мисралари муҳим. «Кун кундан бадтар» деган нақл бор. Ой-кундан нечук аъло бўлсин? Бу «аъло»лик қандай маънога эга? Зўрма-зўраки шарҳланса, дейлик, «ой-кун бир-биридан яхши бўла-

ди» деган маъно ҳам бирмунча мужмал. Ўйладимки, Махтумқули ўқувчи англаши қийин бўлган бундай мажхул-палапартиш шеърлар ёзган эмас. Гап ой ва куннинг «аъло» деган сифати устидами ёки осмондаги Ой билан Қўёшнинг бир биридан нимадир «олиши»га доир ҳаракат ва табиатдаги қандайдир физик ҳодиса хусусидами?

Бизнингча, шоир шеърида вақт маъносидаги ой-кун ёки осмондаги Ой билан Қўёшнинг бир-биридан аълолигини наzarда туатётгани йўқ. Туркман тилида «маъзур» – «магзур», «маълумот» – «маглумат» тарзида ёзилади. «Аълодир» туркманчада «агладыр» шаклида бўлиши лозим менимча. Юқоридаги матнда эса сўз қурилиши бундоқ эмас.

Ушбу қиёс ва асос-далил билан ҳам кўнгил тўлмади. 1983 йилда босилган Махтумқули шеърларининг арабий имлодаги танқидий матнини излаб топиб қарадим. Араб тилига асосланган имлода «аълодир» ва «аладир» сўzlари таркиби Ғ – «айн» ҳарфи эвазига фарқланади. Хўш, «аъло» бўлса, бу сўз «айн» иштирокида ёзилиши керак эди. Китобни варакладим: 470-бет. Эски арабий ёзувдаги «аладир»да







**Махтумқули – зўр қаломи**

**туркманинг,**

**Одамзотга чўнг саломи**

**туркманинг...**



«айн» топилмади. Иккиланишлар тарқаб, ишонч қатъийлашди. Махтумқули ҳазратлари ой-куннинг бир-биридан аъло ёки яхши-ёмонлигидан баҳс юритмаётгани ойдинлаши.

Мулоҳаза шуки, ушбу мисранинг тўғри таржимаси «У Ой-Кундир, бир-биридан оладир» тарзида бўлиб, бундаги тушунча вақтга эмас, осмондаги Ой ва Қуёш жисмларига оид. Фикр оқими Ойнинг Қуёшдан **нур олиши томон йўналтирилса**, шеърдаги маъно мантиқан чуқурлашади ва оригинал матнга мослашади.

Хуллас, янги нашрларда шоирнинг «Хабар бер – шундайдир» шеъри тар-

жимасидаги «аълодир» сўзи бир товуш эвазига ўнгланганини кўриб қувондим. Хонандалар ҳам хонишларини ўнглаши керак...


\* \* \*

Билдимки, Махтумқули Фироғий бизга, отам ва менга асло бегона эмас. XX аср бошлари матбуоти билан шуғулланганимда Закий Валидий Тўғоннинг 1913 йили «Шўро» журналида босилган «Девони Махтумқули» номли мақоласини махсус ўргандим.

Олмонияга борганимда Берлин кутубхонасидаги Махтумқулига тегишли манбалар мени бефарқ қолдирмади. 1879 йили Лейпциг шаҳрида «Олмония кунчиқар жамияти журнали»да («Zeitschrift der Deutschen Morgenländischen Gesellschaft») Ҳерман Вамберининг «Туркман тили ва Махтумқули “Девон”и» мақоласи босилган эди. Буни махсус тадқиқ этиб мақола ёздим...

Яна бир зарур гап. Махтумқулининг отаси Давлатмаммат Озодийнинг «Ваъзи Озод», «Маснавий», «Беҳиштнома» асарлари, фазал ва рубоийларини ўзбек тилига таржима қилдим. «Туркий адабиёт дурданалари» юз жилдлик тўпламида алоҳида китоб бўлиб босилди.

Университетда талabalарга қўлимдан келганича бадиий адабиёт сирларини





ўргатаман. Табиийки, бу сабоқларда дунё адабиёти, туркий халқлар адабиёти на-мояндалари қаторида Махтумқули ҳаётидан, шеърлари моҳияти ва шоирнинг бадиий маҳоратидан сўз очаман.

Махтумқули Фирофий отам севган ва улуғлаган улкан шоирдир. Ба бу оқил, аллома шоир адабий-ижодий фаолиятимда ҳам ҳамиша менга ҳамроҳдир.

Гўзал ва бамаъни поэтик сўз мухлислари Махтумқулини ҳар доим соғинади, шеърларини яйраб ўқииди.



**Махтумқули шеърларини ўқимаган,  
уқмаган ва ҳаётига татбиқ этмаган  
одам бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам  
ютқазади.**

Махтумқули шеърларини ўқимаган, уқмаган ва ҳаётига татбиқ этмаган одам бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам ютқазади. Чунки туркман халқининг марварид қалби бўлган Махтумқули Фирофий исломият ва инсоният шоиридир.

Сўзим сўнгига улуғ шоирга меҳр ва мухлислик рамзи бўлиб ёзилган каттагина шеъримдан олинган ушбу мисраларни илова қилишни лозим кўрдим:

*Махтумқули – руҳи-жони туркманнинг,  
Томирида оқар қони туркманнинг.*

*Махтумқули – борвужуди туркманнинг,  
Куий, сози – найи, уди туркманнинг.*

*Махтумқули – гўзал юзи туркманнинг,  
Дунёларни кўрар кўзи туркманнинг.*

*Махтумқули – жон ва тани  
туркманнинг,  
Ай, бепоён кенг ватани туркманнинг.*

*Махтумқули – ой, қуёши туркманнинг,  
Кувонганда кўзда ёши туркманнинг.*

*Махтумқули – сабогидир туркманнинг,  
Қоши билан қабогидир туркманнинг.*

*Махтумқули – фасоҳати туркманнинг,  
Икки дунё саодати туркманнинг.*

*Махтумқули – балогати туркманнинг,  
То қиёмат баланд оти туркманнинг.*

*Махтумқули  
– зўр қаломи  
туркманнинг,  
Одамзотга  
чўнг саломи  
туркманнинг...*



Йигирма етти давлатни ягона байроқ остида бирлаштырган, салкам 450 миллион нуфусга эга Европа иттифоқи (ЕИ) ҳудудида сиёсий иқлим кескин ўзгармоқда. Сўнгги йилларда Австриядан Италиягача, Венгриядан Франциягача – кўплаб давлатларда ўта ўнг қанотга мансуб сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг таъсири ошди. Бу хавфли тенденция сиёсатшунослик илмига «ўнгга бурилиш» (ингл. right turn) деган истилоҳ билан кирди.



# ИЛЕММА:

## МУЖОДАЛАМИ Ё МУРОСА?

**И**ккинчи жаҳон урушидан кейин Европа мамлакатларида ўта ўнг йўналишдаги сиёсий партиялар давлат бошқарувидан буткул четлатилган эди. Зеро, миллионлаб инсонларнинг ёстигини қуритган қирғинбаротга айнан ашаддий ўнглар бошлаган миллатчилик васвасаси сабаб бўлгани маълум. «Кўхна қитъа» кечаги кун сабоқларини унутдими, «тарих қабристонига дафн этилган» партиялар яна қайта бош кўтармоқда.

Фашизм аталган вайронкор таълимотдан кўп ва хўб азият чеккан Италияда 2022 йилги сайловда Жоржа Мелонининг миллатчиликка мойил «Италия биродарлари» (*Fratelli d'Italia*) партияси ҳокимиятга келди. Ж. Мелони нафақат Италияning илк аёл бош вазири, Иккинчи жаҳон урушидан кейин Фарбий Европада ҳукумат раҳбарлигини эгаллаган илк ўта ўнг партия етакчisi ҳамdir.



ЕИнинг локомотивларидан бири Францияда муҳофазакор ўта ўнг қанотга мансуб «Миллий бирлашув» (*Rassemblement national*) партиясининг нуфузи ийл сайин ошиб бормоқда. 1972 йилда ташкил этилган сиёсий ҳаракатнинг глобаллашув, миграция ва исломий қадриятларга қарши қаратилган доктринаси ўн йилликлар мобайнида жамиятнинг онгли қатлами томонидан рад этилган. Аммо француз жамиятининг сиёсий тафакку-

ри турли ижтимоий-иқтисодий омиллар таъсирида эврилишга учрамоқда. Яқингача «Миллий бирлашув»нинг миллатчи ва популист деб қораланган етакчisi Марин Ле Пен 2017 ва 2022 йилги президент сайловида Эммануэл Макронга асосий рақиб бўлди. 2024 йил июнь ва июль ойларида бўлиб ўтган парламент сайловида мазкур партия 143 та депутатлик мандатини қўлга киритиб, қонунчилик идорасидаги учинчи йирик фракцияга айланди.



*Фашизм аталган вайронкор  
таълимотдан кўп ва хўб азият чеккан  
Италияда 2022 йилги сайловда Жоржа*

*Мелонининг миллатчиликка мойил  
«Италия биродарлари» (*Fratelli d'Italia*)  
партияси ҳокимиятга келди.*

Иккинчи жаҳон урушининг асосий сабабчиси бўлган Германияда миллатлараро муносабат ўта ҳассос мавзулар сирасига киради. Нацизм балосининг оқибатларини ўз танасида ҳис этган олмонлар ҳатто миллатпарварлик ташабbusларига ҳам жуда эҳтиёткорлик билан ёндашиб келган. Аммо кейинги йилларда мазкур мамлакатда ҳам ўта ўнг йўналишдаги партияларнинг таъсир доираси кенгайиб бораяпти. Хусусан, 2013 йилда ташкил этилган «Германия



“

Европадаги ўта  
үнг партиялар ҳам  
миллатлараро низо қўзғаб,  
жамиятдаги бирликка рахна  
солаётгани билан хавотир  
уйғотмоқда.

учун муқобил» (Alternative für Deutschland) партияси муҳожирлар, қочқинлар ва мусулмонларга нисбатан «темир мушт» сиёсати тарафдоридир. 2017, 2021 йилги парламент сайловида учинчи ҳамда бешинчи ўринни эгаллаган партия 2025 йилги сайловда ҳатто федерал канцлер лавозими учун курашмоқчи.

2024 йил 6 – 9 июнь кунлари бўлиб ўтган Европа парламенти сайловида ҳам ўта ўнг йўналишдаги партиялар Франция, Германия ва Италияда кўп сонли овоз тўплаб, депутатлик мандатларининг қарийб чорак қисмини қўлга киритди («Миллий бирлашув» – 81 та ўриндан 30 та, «Германия учун муқобил» – 96 та ўриндан 15 та, «Италия биродарлари» – 76 та ўриндан 24 та).

Парламентда ўта ўнг қанот фракциялар сафининг кенгайиши ЕИ учун жуда муҳим аҳамият касб этган яшил иқтисодиёт, миграция каби йўналишларда қонунлар қабул қилишни қийинлаштиради. Бу – «ўнгга бурилиш»нинг ҳуқуқий оқибати, холос. Ушбу тенденциянинг жамият учун сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий асрорлари бир неча карра хатарлироқdir.

Ўта ўнг категорияга мансуб сиёсий партиялар дастурида анъанавий равишда миллий ўзлик муҳофазасига катта ўрин ажратилади. Улар ўзи мансуб доминант ёки титул миллат ўзлигини биринчи ўринга қўйгани ҳолда, бошқа миллий ҳамда этник жамоаларнинг қадрият ва анъаналарини чеклаш, умуман, тақиқ ва



табу усуllibарини ёқлади. Сиёсий мезонларга мувофиқ марказга яқин ўнглар миллий ўзликни мўътадил кураш услуби орқали ҳимоя қилишга интилса, ашаддий ўнглар бу борада ҳатто куч ишлатишни маъқул кўради.

Европадаги ўта ўнг партиялар ҳам миллатлараро низо қўзғаб, жамиятдаги бирликка рахна солаётгани билан хавотир уйғотмоқда. Моҳият эътиборига кўра «биз – устун, улар – остин» тамойилини байроқ қилган ашаддий ўнглар аксар муаммолар учун муҳожирларни айбдор деб билади.

1990-йилларда Европа давлатлари тараққиётнинг постиндустриал босқичига қадам қўиди. «Кўхна қитъа» аҳли янги тараққиёт меваларидан тўла-тўкис баҳраманд бўлиб улгурмай, 2008 йили жаҳон иқтисодий бўхрони рўй берди. Бир неча йилга чўзилган инқироз жароҳати ҳали битмасдан коронавирус пандемияси бошланди. Йўғон чўзилиб, ингичка узиладиган паллаларда эса ҳар қандай жамиятда ишсизлик кучаяди.



*Европа ҳамжамиятида ўта ўнгчи партияларнинг миллатчилик руҳини кучайтиришга уринаётгани ўт билан ўйнашиш демақдир.*

Миллатлараро муносабатлар катта сиёсатда ҳамиша тош босадиган масала бўлиб келган. Ўта ўнг партиялар «Жамиятдаги ижтимоий-иктисодий муносабатларнинг асосий айбори – муҳожирлар» деган қарашни илгари суради. Долзарб муаммоларга ечим топа олмаётган омма бу каби популистик баёнотларга ишонади. Пировардида жамиятда миллатчилик, этник айирмачилик, ксенофобия, исломофобия каби иллатлар янада чуқур илдиз отади.

Европа ҳамжамиятида ўта ўнгчи партияларнинг миллатчилик руҳини кучайтиришга уринаётгани ўт билан ўйнашиш демақдир. Чунки бу ҳол ижтимоий парокандаликка олиб келади. 2021 йилда Франция аҳолисининг 7 миллиони ёки 10,3 фоизи муҳожирлар бўлган. Таъкидлаш жоизки, уларнинг салмоқли қисми Франция фуқаролигига эга. Германияда эса мигрантлар улуши янада юқори: 2022 йилда 83,8 миллион аҳолининг 20,2 миллиони муҳожирлик ўтмишига эга бўлган ёки олмон заминида муҳожирлар оиласида туғилган фуқаролардир. Ейнинг бошқа мамлакатларида ҳам муҳожирлар салмоғи катта экани инобатга олинса, ўта ўнг партияларнинг дастурлари бирлик ва то-

тувликка қанчалик улкан зиён етказиши ни тасаввур қилиш мумкин.

Танганинг иккинчи томони бўлганидек, мутаассиб кайфиятдаги партияларнинг кучайишида мейнстрим йўналиш, мўътадил оқимга мансуб сиёсатдонларнинг ҳам айби бор. Яъни электоратни қийнаётган ижтимоий-иктисодий муаммоларга ўз вақтида, қониқарли ечим таклиф этилмагани ўта ўнг қанот партияларига қулай имконият туғдирмоқда.

Йигирманчи асрнинг иккинчи ярмида Farb давлатларида татбиқ этилган мултикультурализм сиёсати муайян мамлакатда турли этник групкаларнинг ўз анъана ва қадриятларини сақлаган ҳолда ҳаёт кечиришини таъминлашга қаратилган. Мултикультурализм кичик этносларнинг катта миллатларга қўшилиб кетишини ёқловчи ассимиляция сиёсатининг муқобили, муҳолифидир.

Мултикультурализмга хос ҳаддан зиёд бағрикенглик сабаб Европа мамлакатларида муҳожирлар мезбон жамиятга мослаша олмагани, замонавий геттолар юзага келганини рад этиб бўлмайди. Аммо, бизнингча, ушбу сиёсатга хос камчилик ва хатоларни ислоҳ этган ҳолда, ундан миллатлараро ихтилофларни ҳал этишнинг мақбул усули сифатида фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Чунки ҳозирги вазиятда «Европа уйи» учун этник ва маданий плюрализм сув билан ҳаводек зарур.

Аксар олим ва тадқиқотчилар таъкидлаётганидек, қалтис дилеммага дуч келган Европа ҳамжамияти миллий масалада зиддият, мужодалани бас қилиб, муроса йўлини танлаши, соғлом тафаккур ўзанига қайтиши керак. «Ўзимизнилар ва ўзгалар» тарзидаги янгиш мезон қутблашувни янада кучайтириши аниқ.

# ҚҮЁШ

## ҳаммамизни танийди!

Умр бўйи адабиёт, маънавият соҳасидан ризқ териб юрган бир киши сифатида бугунги тезкор замонамизга, ёшларимизнинг маънавият тушунчасига бўлган муносабатига ўз қарашларимни айтгим келди.



Тоштемир ТУРДИЕВ,  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган  
маданият ходими

**У**руш йилларидан кейинги очарчиликни, болалар ва аёлларнинг эркаклар билан тенг хизмат қилганини кўриб, шулар қаторида униб-ўсдим. Омоч тортдим, фаллани галагов<sup>1</sup> қилдим. Ҳаёт мажбур қилган, яшашга умидни рағбатлантирган ҳеч юмушдан бош тортмадим. Бунинг учун бирорни айбламайман, аксинча, қаттиққўл ҳаётдан розиман. Гарчи, ўша пайтлар маънавият деб аталмаган бўлса-да, инсонни тарбиялашга хизмат қилган ҳар қандай катта-кичик ҳаёт сабоғидан, одамларнинг иши, сўзи билан берган тарбиясидан маънавий куч олганман десам хато бўлмайди.

Қишлоғимизда бир кенгфеъл бригадир бўларди. Фалла пишган чоғлар у хирмонбоши бўлиб, галагов бошида туради. Бир-икки кило буғдой учун одамлар отилиб кетадиган замонда шу одам отоналаримизга тайинлар экан: “Болаларингга айтинглар, оёғига каттароқ калиш кийиб келсин! Хирмонжойдан қоронфида кетсин!” Чунки катта калиш билан галаговда қатнашсак, ичига ғиж-ғиж буғдой тўлади. Уни бирор, дейлик назоратчилар кўрмайди. Қоронфи тушганда шу буғдойни белбоқقا тўкиб оламиз. Битта нон бўладими, бир коса аталаға етадими, шу буғдой бизнинг кунимизга яраган.

Шу бригадир биз ўспиринларга ёлғондакам дағдаға билан “Нимага партия қўшиқларини билмайсанлар, ким ўқитаяпти сенларни,” деб дўқлаб ҳам қоларди. Биз буғдой янчаётган эшак ё хўқизларни қамчилаб, дўриллаб хиргойи қиладиган “Хирмончи”, “Ҳо, майда” каби халқ қўшиқларини бас қилиб, партияни мадҳ этувчи қўшиқларни билганимизча куйлаб қоламиз. Бу қўшиқдан мурод эса янада фалати: ковушларимизда ғижирлаётган, ё бехос ерга сочилиб кетаётган доннинг шитирлаган товушини

билдирмаслик! Қолаверса, хирмонжойда айланиб юрувчи партия вакиллирини чалғитиши. Ана сизга партия қўшиғи-ю, ўлмай яшаб қолиш учун минг бир ҳийла...

Бу бригадир ҳам кўп қатори чаласавод одам эди. Аммо инсоний меҳр, шу эл болаларининг илиги тўқ ўссин деган оддий ватанпарварлиги билан менга маънавият сабоғини берган.

Мактабдаги, кейин олий даргоҳлардаги айрим устозларнинг ич-ичидан ўксиси, мустақиллик ҳақида пинҳон бир оғриқ билан, ҳар сўзини ўн қат қофозга ўраб гапириши ботинимизга сингиб борди.

Маънавият дегани биринчи навбатда ватанпарварлик деган хуросага келгунимча анча-мунча йўлни босиб ўтдим. Чунки ватанпарвар дегани аввало худони таниш, инсонни севиш, бандасидан ҳаё қилиш дегани экан-да...

Айтмоқчи бўлган мавзумдан бироз чалғидим, шекилли, аммо юқоридаги гаплар ҳам зиён қилмайди деб ўйлайман.



Маънавият дегани биринчи навбатда  
ватанпарварлик деган хуросага  
келгунимча анча-мунча йўлни босиб  
ўтдим. Чунки ватанпарвар дегани  
аввало худони таниш, инсонни севиш,  
бандасидан ҳаё қилиш дегани экан-да...

Мен бугунги ёшларимиздан нолимайман, балки уларга ҳайрат ва ҳавас қилиб яшайман. Нолимаслигимга сабаб – булар ўзимизнинг ҳосилларимиз. Нимани эксанг, шуни ўрасан! Аммо уларнинг ҳаётга қарashi, ўзгаришларни қабул қилиш дараҷаси, тарзи мени барибир безовта қилади.

Маънавий комиллик ҳақида гапирганда, моддий тўқислик масаласи ҳам ўртага қалқиб чиқади. Халқимизда шундай нақл

<sup>1</sup> Галагов – комбайнлар пайдо бўлмаган пайтда, фаллани от, хўқиз кўмагида янчиш жараёни.

бор: "Түянинг юки енгил бўлса, бақироқ келади". Яъни, юки енгил тия шўх бўлади, шаталоқ отади, бақириб, эгасига ҳам бўйсунмай, оламни бузгиси келади. Бу нақл асли тия ҳақида эмас. Тия шунчаки рамз. Гап биз ҳақимизда, одамлар ҳақида.

Айтадиларки, одамлар орасидан меҳроқибат, бегидир муҳаббат, бетама яхшилик кўтарилиб бормоқда. Бунга бироз ҳаётни кўрган одам сифатида мен ҳам кўшиламан. Нега десангиз, ҳаётимиз яхшиланди, яшаш осонлашди. Минглаб юмушларни техника ўз зиммасига олди. Бироқ одамларни менинг ақлим етмайдиган ёлғизлик ҳам қуршаб бораётгандай. Бемор қўшнидан хабар олиш учун қўлимиздаги телефон тугмасини босиб, аҳволлашишга эриняпмиз ёки вақт тополмаймиз. Ваҳоланки, кўнгилни кенг қилсак, бугун ҳамма нарсага қўлимиз етади.

Узоқча бормайлик, салкам б миллион тонна пахта етказиб берувчи юртимиз мустақилликнинг ilk йилларида ғалла етишмовчилигига дуч келган эди. Марказий таъминотдан узилган давлат қарийб йигирма миллионлик аҳолини нон билан таъминлаёлмай қолди.

Ўшанда раҳбарларимиз бир йилнинг ўзида 300 минг гектар майдонни шахсий томорқа хўжаликларига ажратиб берди. Томорқали бўлган одамлар сал бўлсада, овунди, ўз аравасини торта бошлади. Пахта майдонлари кескин қисқарди. 1 миллион гектар суғориладиган, 500 минг гектар лалми ерга ғалла экилди. Кўрпани бошингга тортсанг оёғинг очилиб қолаётган, ғалла ҳам керак, кийим-бosh ҳам зарур, таълим ислоҳоти ҳам кутиб турмайдиган бир паллада бундай таваккал қилиш ҳам бир жасорат эди.

Ушбу рақамлар ва мисолларни нега келтиряпман? Шаҳарликлар бўлка нонга навбатда турган, қишлоқларда буғдойга арпа, жўхори, ҳатто, супурги уруғини қўшиб, тегирмонга элтаётган 90-йиллар воқелиги менинг талаба ёшидаги

неварам учун эртакнинг ўзи. Бу неварам, "Қўйсангиз-чи, бобо"деб менга истеҳзоли кулиб қараши мумкин. Аммо бу йигит ёки қиз, замонавий технологиялар ўстираётган авлод, инглиз тилини ҳам, комъютерни ҳам балодек биладиган бу дилбандлар маънавий қадриятлар деган табаррук сўзларга қандай қарайапти?

Нега улар Абдулла Ориповнинг "Ўзбекистон" қасидасини титраб, англаб ўқиш, Эркин Воҳидовнинг "Ўзбегим"ини Шерали Жўраев ижросида тани жимирилаб тинглаш ўрнига, хорижда ўқиш имкониятини сұйиistemol қилиб, борган жойи Америка, Европа давлатларида қолиб кетишияпти? Ёки шу нарса уларнинг орзусига айланиб қоляпти? Ёки оила қадриятлари деган шарқона катта меросимизга нописанд қараб, олти ой ҳам яшамай ажрашиб кетаяпти? Ёхуд мактабда, олий ўқув юртларида устоз-муаллимнинг бир оғиз даккиси учун уни ҳақоратлаб, ҳатто, судга беришгача боришияпти?

“  
Бу каби достонлардан умрида бир  
марта гина бўлса ҳам мириқа олган  
инсон юрт ҳақида, миллий рух ҳақида,  
халқимиз ҳақида шунчаки ўйлай  
олмайди. Юрт ҳақида қайғурмай  
утолмайди.

Бу каби ўйлантирадиган маънавий муаммоларимиз талайгина. Балки ушбу сатрларни ўқиган бугунги замонавий ўқувчи мени замондан ортда қолганликда айблар. Бироқ шу замондан ортда қолиш саналса, мен бу иddaога розиман.

Халқимизда "Қўйни ўзининг ёғига қовурадилар" деган ажойиб ибора бор. Бу дегани ҳамма сабаблар ўзимизда, яъни ҳамма саволга жавоб биз катталарда десам хато бўлмайди.

Биз қаерда хато қилдик ёки қиляпмиз? Яқинда Термизда истиқомат қиладиган бир ёш дўстимиз билан қилган мулоқот мени айрим фикрларга ундаи. Банк тизимида ишлайдиган бу 30-35 ёшлардаги йигитнинг учта фарзанди бор экан. Бу гўдакларнинг энг кичиги З ёшда. Инглиз тилига мослаштирилган пулли боғчада тарбияланаётган экан. Ҳатто ўша тилда юзгача санашни биларкан. Қолган икки фарзандининг каттаси рус синфида ўқиёди, кичиги инглиз тили мактабига қатнайди. Кўзу қоши манаман деб ўзбеклигини айтиб турган бу гўдаклар уйда ҳам қариб ўша тилларда сўзлашади, она тилини эплаб гапиролмайди. Отаонаси эса бундан жуда хурсанд, албатта.

Мен халқимизнинг улуғ эпоси “Алпомиш” достони билан шуғулланганман. Бахшиларимиздан бу сеҳрли достонни ёзиб олганман. Бу достон ўзбек тилининг, маърифати, маънавиятининг жуда катта хазинасини ўзида яширган. Бу каби достонлардан умрида бир мартағина бўлса ҳам мириқа олган инсон юрт ҳақида, миллий рух ҳақида, халқимиз ҳақида шунчаки ўйлай олмайди. Юрт ҳақида қайғурмай ўтолмайди.

Мен танишган учала гўдакнинг даврада ёки телевизорда “Алпомиш” тинглаб, мириқишига эса ишонгим келмайди.

Қариб йигирма ёшимизда, ҳарбий хизматда рус тилини чала-чулпа ўргандик. Қолганини эса кейинчалик ҳаётий эҳтиёж сабаб билиб кетдик. Ёшим саксондан ошган бўлса ҳам компьютерда ишлашни ўзимга керак даражада биламан. Буни ўрганганимга ҳам кўп бўлганийўқ. Рус тили ёки комъютерда ишлашни ўргатиш учун ота-онамиз бизни сираям пулли мактабларга берганийўқ. Унақа мактабнинг ўзи ийўқ эди.

Кейинги 15-20 йилда ёш оиласлар орасида ўз фарзандларини рус тили, инглиз тили, ахборот технологияларига, пулли таълимга йўналтириш жуда урф бўлди. Бу

албатта керак. Болаларимиз қанча кўп тил билса, замонавий технологияларни қанча кўп ўзлаштиrsa, шунча яхши. Бироқ...

Нима демоқчиман? Биз шу юртнинг фарзанди эканмиз, шу юртни ватан деб биларканмиз, ота-боболар қабри-ю қадамжоси шу юртда экан, бу юртни ким асрайди, ким қўриқлади, ким бу юртга жонини фидо этади, ким бу юртни шарафлайди? Албатта, бетама меҳри билан шу маконни севгандар қилади бу ишни. Битта нарсага қаттиқ ишонаман: ҳамма эзгулик она тили билан инсон руҳига сингиб боради. Тилсиз қолиш руҳнинг таназзулига олиб келади.

Айтиш мумкин, Абу Наср Форобий етмишдан ортиқ тилни билар эди деб... Бироқ бу зот шунча тилни билгани ҳолида, аввало ўз она тилини азиз тутган, ўз руҳини омон сақлаган тоза мусулмон, эл-юрт равнақи учун умрини бағишилаган аллома эди.



◊

Хулоса ўрнида ушбу сўзларни айтмоқчиман:

маънавият инсоннинг ҳаётидаги иккинчи қуёшdir. Бу қуёш ҳаммага тегишли, ҳаммани танийди. Бу қуёш нури етиб бормаган манзилларда майсаларнинг ранги сариқ, беҳосил бўлади. Бу қуёш нури тушмаган дарёнинг сувини ичиб бўлмайди.

Биз ўзимизни бу руҳга қувват бўлувчи, танини озод сақловчи қуёш нуридан бебаҳра қилмаслигимиз керак.

Бир тиш қоққан, оқсоқол ёшидаги биродарингизнинг сизга айтар сўзлари шу!

Ҳаётда  
ҳам,  
адабиётда  
ҳам

# СНАЙПЕР...

Отам 1918 йилнинг баҳорида Туркманистоннинг Тошқовузидага дунёга келган. Отабой амакимнинг ўлимидан кейин юрак олдириб қўйган бобом ва бувим ҳаётига отам ёруг нур бўлган. Шу боис у киши нафақат болалиги, балки бутун умри давомида эрка бўлиб яшади.

**У**кам вamen... Икки фарзандмиз. Олтига тўлганимда укам туғилган. Демак, беш ёшгача ота-онамнинг эркаси бўлганман. Москвада дунёга келган эканман. Отам бу ҳақда шундай эслайди:

«1954 йилда менинг ҳаётимда муҳим бирянгиликрўй берди. Ёшим ўттизлардан ўтиб кетган бўлса ҳам тўрт йиллик уруш, кейин ўқиш ва ташкилий ишлар билан банд бўлиб, оила қуришим ортга сурилиб кетди. Бу давр ичида оила қуришга лойик номзодлар кам учраган бўлса-да, бу ишни амалга ошириш имконияти бўлмади ва ниҳоят 1954 йилда ортиқча зеб-зийнатга берилмаган, илмнинг қадрига етадиган қизга дуч келиб қолдим. У билан оила қуришни ихтиёр қилдим. Бу рафиқам Раҳима Раҳмонова эди. Мана, 50 йилдан бери бирга ҳаёт кечираяпмиз. Оила қурган пайтларимизнинг бошларида Москвада эдик. Қизим Гулнора 1955 или Москвада туғилган. Гулнорадан кейин ўғил кўрдик».

Отамни кўпроқ бизга айтиб берган воқеалари, ҳикоялари билан эслайман. У киши тўғри инсон эди ва шу тўғриликни бизга-да сингдирган. Отам ўзи ҳақида



“

Отамни кўпроқ бизга айтиб берган воқеалари, ҳикоялари билан эслайман. У киши тўғри инсон эди ва шу тўғриликни бизга-да сингдирган.

кўп ҳикоя қилиб берарди, ҳикоялари билан ўrnak эди. Эсимда, болалиги ҳақида қизиқ воқеаларни айтиб берган. Асосан катта энамиз(бувиси)нинг ёнида юриб, достону маталларини эшитиб катта бўлган. Катта энам отамнинг ҳаётида чироқ бўлиб умр йўлларини ёритган. «Опам (онаси) уй ишлари билан банд бўлгани учун мен энамнинг тарбиясида бўлганман, – дея эсларди отам. – У менинг ғамхўрим, қўриқчим ҳисобланарди. Шу сабабдан дунёни таний бошлаган биринчи воқеаларим ҳам энам билан боғлиқ. Биласизларми, икки-уч ёшларимда бўлса керак, ўйнаб келиб энамдан ширинлик сўрайверардим. Бир гал (безор бўлган шекилли) ҳийла ишлатди. Мени тухум қилишга ётган товуқнинг олдига оборди-да чўнтагидаги конфетни олиб, “Мана, буни товуқ туғибди. Бошқа сўрама, энди туғмайди” деди. Шу-шу мен тегирмон тагига бирор товуқ ётиб олса, хурсанд бўлиб кетардим. Бир куни қоқоқлаб

“

жойидан туриб кетган товуқнинг тагида конфет эмас, тухум кўриб, роса хафа бўлганман. Энам эса “бу гал тухум туғибди, келаси гал конфет туғади” деган. Мен бу гапларга ишонардим ва ҳар гал товуқ конфет туғишини кутардим. Тегирмон тагида ётган товуқни кўрсам, энамни конфетни оберишга қисталанг қилган вақтларим кўп бўлган. Товуқнинг конфет туғмаслигини кейинчалик билиб олдим албатта» деб бизни роса кулдирган.

Ҳикояларидан отамнинг жуда эрка фарзанд бўлгани сезиларди. «Сендан олдин Отабойим бор эди. Худо умр бермади, кўп кўрди, – деб такрорларкан онаси отамга. – Отабойим ўлгач, отанг юрагини олдириб қўйди, шу сабабдан сен эрка ўсдинг, отанг кўпроқ сени дейдиган бўлди, сени ардоқлади, урмади, сўкмади. Кичкиналигингдан бирга олиб юрадиган бўлди».



«Шу сабабларга кўра мен дакки емасдан ўсдим, анча эркин эдим. Нима сўрасам, нима талаб қилсан мухайё эди», – деб кўп эсларди отам. Ўзи эрка ўсган бўлса-да, бизни сира эркалатмаган. Сўз билан суйганини асло эслолмайман. Айниқса мени. Билмадим, қиз бола деб эҳтиёткорлик қилишгандир балки. Лекин

*Отабойим ўлгач, отанг юрагини олдириб қўйди, шу сабабдан сен эрка ўсдинг, отанг кўпроқ сени дейдиган бўлди, сени ардоқлади, урмади, сўкмади.*

меҳрини доим ҳис қилганман – хавотирларида, қайғуришларида... Масалан, уйларни тозалаётсам, отам келарди-да, «иш қочмас, бироз дамингни ол, чарчадинг» дерди. Хурсанд бўлиб кетардим.

Отам мактабда унчалик яхши ўқимаган экан. Кўпроқ саргузаштларга қизиқкан бўлса керак. Ҳатто синфда қолиб кетишига ҳам сал қолган экан. Гўдаклигига (балки ҳали туғилмаган ҳам чиқар) боғом эски ҳовлининг бир қисмини бузиб янги уй қурган экан. Бир куни отам ўша эски уйнинг томига чиқиб, ўтинларнинг тагидан увадаси чиқиб кетган латтага ўралган тўппонча топиб олади. «Ўқиган жангномаларимнинг таъсирида бўлса керак, ўткир қиличга эга бўлиш ёки милтиқ отиб душманни қулатиш ўйи менинг борлиғимни эгаллаб олган эди. Ўтинлар орасидан чиқсан бу тўппонча мен учун энг зарур бир топилдиқ эди. Тўппонча анча салмоқдор, оғир эди. Худди милтиқдек овоз бериб отиларди, – деганларини эслайман. – Тўппонча менинг феъл-атворимга ҳам таъсири қилаётганини англардим. Мен энди халта кўтариб мактабга қатнайдиган, уй ишларида дастёрикдан бошқа нарсага ярамайдиган бола эмасман, қўлтиғимдаги тўппончанинг эгасиман». Хуллас, тўппончанинг янги «эгаси» тенгдошларига у ҳақида айтади. Дарс тугагач, отишга қизиқкан болалар тўда-



‘‘

## Урушнинг оловли йиллари отам ҳаётида ўчмас из қолдирган.



лашиб хилватроқ жойга боришади. Бўйинсалар бирин-кетин бошларидағи дўп-пиларини таёқчага илдириб мўлжалга қўйиб, тўппончанинг қандай отилишини завқ билан томоша қилишади. Уларнинг бу қилмишидан мактаб директори хабар топиб, отамга роса дакки берган экан. Ҳатто катта бир хонага бутун мактабни йиғиб мажлис ҳам ўтказади. Мажлисда отам достонлардаги маликаларга қиёслаб, ёқтириб юрган қиз ҳам қатнашади. Мактаб директори, ўқитувчилар бирма-бир сўзга чиқиб, тўппонча воқеаси-ю отамнинг ўқиши сустлиги ҳақида гапиради. Мажлис адогига етиб, ҳамма ўрнидан қимиirlай бошлагач, бояги қиз келиб «Ўлганинг яхшимасми?!» дебди. Отам учун шунча одамнинг дашноми бир ёну, шаҳлоқўзнинг дашноми бир ён бўлган. Унинг гапи таъсир қилиб, отам ўқиш кераклигини ҳис қилиб, мактабда аъло баҳога ўқий бошлаган экан.

Бу ҳикоядан кейин фақат илмгина одамни ҳар қандай вазиятдан омон олиб чиқишини ҳис қилганимиз. Биласизми, отамнинг бутун ҳаёти тажрибалардан иборат эди. Болалигидан ҳамма нарсани синаб кўрган. Ва мана шу тажрибаларини бизга ҳам ўргатарди.

Отам муомалада ва ҳаётда юмшоқ кўрингани билан ўта қаттиққўл ота эди. Гапни қисқа қиларди – бир-икки сўз билан фикр билдириарди, тамом. Соатлаб гапириш табиатида йўқ эди. Яримта сўздан

гапнинг равишини билиб олишни талаб қилган биздан ҳам. Абжирлик, иромда ва меҳнаткашлик кейинги талаби. Ушбу сифатлар отамнинг ўзида бор эди. Ҳар битта вазиятга мос бир воқеани айтиб бериб хулосани ўзимизга қолдирган.

Урушнинг оловли йиллари отам ҳаётида ўчмас из қолдирган. Аслида отам кабилар минглаб, миллионлаб. Мисоли қирқ йилдай ўтган фронтдаги тўрут йил ва тоабад қайта ўша ҳолатларга тушмаслик учун астойдил ҳаракат қилиб яшалган умр... Отамнинг «Тепки босилди» асари ўқлар, бомбаларнинг даҳшатли овози ичра яшаган оддий аскарлар кечирган машақкатли кунлар ҳақида сўйлади. Уруш даҳшатларини ҳам у кишининг қисқа-қисқа ҳикояларидан билиб олганимиз: «Окопда ўтирганимизда, тагимизда ўликлар борлигини билмай қолган пайтларимиз ҳам бўлган. Урушда яшаб қолиш



осон эмас. Снаряд ва бомбалар зарбасидан жон сақлаш, ота-она бағрига омон қайтиш катта иш. Минглаб одамлар ўлиб кетади, яна қай бирлари ногирон бўлиб қайтади. Тирик қолишимга ота-онамдан ўрганган тажриба ва кўниқмаларим, зуқколик ва тадбирлилик ёрдам берган. Пайтаваларим шилта бўлиб қолса, танамнинг энг иссиқ жойи – қўлтиғим остига олиб қуритиб кейин киярдим. Ҳўл бўлганини яна қўлтиғимга солиб қуритардим. Шундай қилиб жон сақлаганман. Ахир кўплар зотилжам, заҳдан ҳам ўлиб кетарди. Уруш бардошингни синайди, иродангни тоблайди, яшовчанлигингни оширади».

Отам урушда снайпер бўлган. У кишининг ҳаётини кузатиб, ҳаётда ҳам мерган

бўлганига амин бўламан. Ҳар қандай масалада мўлжални аниқ олар, муаммолар қаршисида ҳиссиётга берилмасди. Пухта ва чапдаст одам эди. Биз фарзандларни ҳам шу руҳда тарбиялашга интилган.

Фарзандимни машина уриб юбориб, узоқ вақт комада ётди. Комадан чиқиб, бир йилча оёққа туролмади. Ичим ёнди. Муаммо олдида, синов олдида ожиз қолдим. Шифокорлар умид йўқ деганидан кейин, отам «қизим, энди битта болам йўқдеб ҳисобла» деган. Йиллаб ажал гирдобида юрган одам ўлимга ҳам кўнишиб қолар экан-да. Ўшанда отамни қанчалик ёмон кўрганимни билсангиз эди... Шу гапдан кейин мен янада кучлироқ бўлдим. Онам, эрим билан тинимсиз парвариш-

66

Ҳаётнинг барча синовларига бошимни баланд тутиб бордим. Агар яна қайта танлов берилса, мен яна шу ҳаётни танлайман!

лаб, қаттиқ тиришиб болани оёққа қўйдик. Лекин бугун ёшим олтмишдан ошиб билаяпманки, отам мени кучли бўлишга, бу синов олдида эгилиб қолмасликка тайёрлаган экан. Бошга тушган ҳар бир ташвишни борича қабул қилиб, муносиб ҳал қилиш кучли одамнинг иши. Онам ҳам кучли ва қаттиққўл эди. Мен ана шу икки кучли одамнинг далдаси билан шу вазиятдан чиқиб кетдим.

Мен ҳам ота-онам сингари қарорларимда қайсар эдим. Эсимда, институтга ҳужжатларимни тайёрлаб юрганимда отам:

– Қизим, филологияга топширақол, – деган.

– Йўқ, мен шифокор бўламан, – деганимда отам қайта мажбурламаган. Ўқидим, шифокор бўлдим. Қариган чоғларида хасталаниб қолганида шу касбни танлаганимдан мамнун бўлди. Қайсиdir дўстига «қиз бола яхши бўларкан, яхшиям шу қизим бор экан» деганини эшитиб, кўнглим тоғдай ўсган.

Турмуш қуришимда ҳам отамнинг маслаҳатига таянганман. Хўжайиним тошкентлик. Совчилар келганида отам билан маслаҳатлашдик. Отамда бобомдан ўтган башоратгўйлик кучли эди. Бобом тартибли ва йиқиладиган жойига олдиндан кўрпача тўшаб қўядиган пухта одам бўлган экан. Отамнинг ҳикоя қилишича, бобом уруш бошланмасдан олдин ўра қазиб, озиқ-ов-



кат маҳсулотларини кўмиб қўйган. Уруш йиллари оила шундан жон сақлаган экан. Турмуш қуриш масаласида ҳам жуда кўп мулоҳазалардан кейин отам мени ёнига олиб, «қизим, йигит яхши, аммо ҳаётнинг асосий қийинчиликлари сенинг елканга тушади. Ана шу масъулиятни бўйиннинг олишга тайёрмисан?» деди. «Тайёрман» дедим баралла. Отам ҳақ чиқди. Лекин мен қароримдан афсусланмадим. Ҳаётнинг барча синовларига бошимни баланд тутиб бордим. Агар яна қайта танлов берилса, мен яна шу ҳаётни танлайман!

Мантиқ қани?! Бу бизнинг ҳаётий шиоримиз десам ҳам бўлади. Отам «ҳар бир ҳаракатда мантиқ бўлиши керак» дерди. Болалигимизда оддийгина оёққийимимизнинг ипини боғлолмасак, «мантиқ қани?» дерди. Ҳатто ҳозиргача бирор ишимиз ўхшамай қолса, уйдагилар билан «мантиқ қани?» деб бир-биримизга ҳазиллашиб қўямиз.



“

*Шогирдларидан,  
ҳамкасларидан қўлидан  
келган ёрдамини аямаган.  
Хозиргача шогирдлари  
эслайди буни.*

Матёкуб Қўшжоновнинг бўш вақтини топиш ўта қийин масала эди. Қачон қараманг, шогирдлар қуршовида. Чорвоқда дачамиз бўларди. Ўша ерга дам олишга борсак ҳам, бирпасда уйимизга тумонат одам йигиларди. Бу одамлар отамнинг келишини қаердан биларкан деб ҳайрон қолардим. Шогирдларидан, ҳамкасларидан қўлидан келган ёрдамини аямаган. Хозиргача шогирдлари эслайди буни. Отам ўта демократ одам эди. Дарс беришни яхши кўрган. Талабаларга «Бу дарс сизларнинг эҳтиёжларингиз бўлиши керак. Агар кўнглингизда истак бўлмаса, дарсга қатнашманг, мен талабаларни мажбуrlамайман. Дарсимга истаб келинг» дер экан.

Хонадонимизда оилавий икир-чикирлар онамнинг зиммасида эди. Онам онеколог шифокор бўлишига қарамай, барча муаммоларни ҳал қиласади. Отам бировга оғири тушмаган ҳолда ўзига жуда яхши қаради. Онам отамни яхши парваришлаган, ҳатто кексайганда отамга қараш учун эртароқ пенсияга ҳам чиқиб кетган.

Отам инсон руҳиятини яхши билгич эди. «Мулоқотга киришишдан олдин сухбатдошингнинг руҳиятини биринчи сух-

батдаёқ ўрганиб ол, ютқазиб қўймайсан. Агар нияти яхши бўлмаса, сенга қандай ҳамла қиласади, қайси тарафингдан келади, дарров пайқа. Позицияни берма, чап бериб кет» дерди.


Охирги пайтларда отамнинг икки кўзи ҳам кўрмай қолди. Вазиятга тез мослашди. Арз-дод қилмади. Ёзиш билан боғлиқ ишларини диктофонда бажаришга ўтди. Отам мени ўшанда яна бир бор қойил қолдирган. «Снайпер ўткир одам бўлади» дерди. Ҳақиқатан ўткир эди. У кишига тўғридан-тўғри ҳамла қилинса, чап бериб



кетарди. «Олдинга битта қадам боссанг, орқага иккита қадам бос» дер эди. Бугун мен отамнинг ҳамма ўгитини болаларимга айтаман. Шундай одамнинг қизи эканимдан фахрланаман!

У киши жуда яхши яшади. Бизни ҳам ҳаётнинг барча қийинчиликларига тошдай туриб берадиган инсон қилиб тарбиялади. Қийинчиликлар олдида довдираф қолмадик. Доим ота-онамиз каби кучли бўлдик.

**Академик Матёкуб ҚЎШЖОНОВНИНГ  
қизи Гулнора ҚЎШЖОНОВА  
хотираларини  
Гулжаҳон НАМОЗОВА оқقا кўчирди.**



Байрам АЛИ

# Ўйин Ўйин

иҷидаги



**Кузак. Қишлоқ болаларига кун туққан. Ҳали пичан ғамлаш керак, ҳали ўтин. Бироқ мен ҳам ўзимни хафа қилиб қўймайман. Катталарнинг кўзини шамғалат қилиб, имкон бўлди дегунча далага югурман. Шамол эркаланиб оёқларимга илакишиади. Йиғлаб беришга тайёр кўкимтири булултлар менга қўшилиб чопади. Қанча эрта етиб боришимга қарамай, далада уч-тўрт тасалтанг ҳамиша ҳозир. Улар билан нима ишим бор?! Атрофга аланглаб, бир қизни қидираман. Унинг ўзи-да буни билади. Мени кўрса, кўзларини олиб қочади. Атрофидагиларга сир бой бермай, таклиф айтади.**

– Ҳамсиялароов! «Оқ теракми, кўк терак» ўйнаймизми?

**Сўнг болалар икки тўпга ажралиб, кўл ушлашади. Ёнимдагилардан ортда қолмай қичқираман:**

– Оқ теракми, кўк терак? Биздан сизга ким керак?

– Аълочи Байрам керак! – дейди қатордагилар, мактабдаги баҳоларим борасида лутф қилиб.

**Кейин қизнинг шериги билан ушлашган қўлларини мўлжаллаб аввал ортимга тисариламан, сўнг ўша тарафга камондан учган ўқдай отила-ман. Яна шамол оёқларимга чирмашади. Булат қўшилиб чопади. Дала... Дала ҳам аллақандай шовурларга тўлиб кетгандай туюлади. Қарабисизки, болалар, дала ва осмон чапланган буёқдай бир-биримизга уйқашиб кетамиз. Нега шундай бўлмасин? Ахир азалдан ўйинларда инсоннинг табиатга, табиатнинг инсонга яқинлиги акс этган. Улар ўртасидаги ўйғунык ифода этилган...**

**Ү**йлашимча, инсоният хаётига ўйин қайси даврда кириб келганини ҳеч ким аниқ айттолмаса керак. Чунки битиктошлар орқали бизга довур келган қадими суратлардаги ибтидоий одамларнинг олов қаршисидаги ҳаракатлари ҳам ўйиннинг бир тури эди. Ўшанда одамлар олов атрофида нағма қилиб жанговар қобилияtlарини оширганми ёки оловдан мадад сўраб топин-



ганми – бир нарса дейиш қийин. Бироқ хис этаман. Бу ўйинларда табиат билан инсон ўртасида бир муқаддас алоқа бор. Табиатга яқинлашишга уриниш, уни идрок этишга ҳаракат бор. Бошқа бир тарафдан қараганда эса мазкур ўйинлар ҳақиқий ижод – она табиатнинг бадиий



талқини...Олис ўтмишни қүя турайлик. Яқин тарихда ёзилган мумтоз асарларимизни ўқийдиган бўлсак ҳам, улар бизга даврнинг майший ҳаёти билан бирга, ўша замон болалар ўйинлари ҳақида маълумот беради. Жумладан, Faфур Гуломнинг «Шум бола» асарида шундай парча бор:

«Маҳалламизинг бир томони Тиканли мозор, бир томони Қўргонтаги. Узун кўчанинг ўнг, чап томонидаги пастқам, тор кўчаларда ўғил ва қиз болалар тўпланиб, ҳар хил ўйинлар ўйнаймиз. Кураш, “ботмон-ботмон”, “оқ теракми, кўк терак”, “кушим боши”, “ўгри келди”, “бекинмачоқ” деган ўйинларимиз бор.

Булар ҳаммаси оқшом ўйинлари. Кундузи ўйинларимиз бошқача: ҳар хил ёнгок ўйини, тўп ўйини, зумчиллак ўйини, ёв-ёв, ўқ камалак отиш, ялонгоч пойга, от ўгриси ва хоказо».

Асадаги ушбу жумлалар киши эътиборини тортмасдан қолмайди. Тасаввур қилинг-а! Ҳозир курашга алоҳида

эътибор қаратилиб, уни ўрганиш учун маҳаллалардаги қирқта боладан иккитаси спорт мактабларига қатнаётган бир пайтда, XX аср бошларида у қишлоқ болаларининг кундалик ўйини, эрмаги ҳисобланган. Қолаверса, ўша давр болаларида кундузги ўйин, кечки ўйин деган тушунчалар бўлган. Ўйин ўйнаб, болалар на кундузи, на оқшомда тиним билмаган. Чопиб, сақраб, ўмбалоқ ошиб ўз таналарини чиниқтирган. Ўйинлар болаларни нафақат жисмонан, балки маънан ҳам тарбия қилган. Ёш авлоднинг тафаккурини халқнинг азалий қадриятлари, анъаналари ёрдамида ўтмиш билан боғлаган.

Яна асарга қайтамиз:

““Кушим боши” шунақа ўйин: болалар иккита тўдага ажralиб, ичидан иккитаси “онабоши” бўлади. Улар битта латтани қушга ўхшатиб тугади. Ҳар икки бола бир-бирига шивирлашиб, бир қушнинг отини яширади. Суттими, балиқчими, читтакми, қумрими, итолгими, қиргийми,

миқыйми – бирор қүшнинг номини келишиб олишади. Кейин болаларга латтадан қилинган қүшни кўрсатиб:

– Қүшим боши шунча, тана-манаси билан мана шунча, топинглар, нима? – деб савол беради. Болалар жавобга ошиқибчуввос билан:

– Калхат! – дейишади.  
– Йўқ, тополмадинг! – деб жавоб қайтаришади онабошилар.

– Товук!  
– Йўқ, тополмадинг!  
– Заргалдоқ!  
– Укки!  
– Топдинг, топдинг!

Ўша замон топган томон топмаган томонни битта-битта миниб олади. Ҳаммаси баравар “ҳих, эшагим!” деб маълум белгиланган жойгача опичиб боради. Ўша ерга борганда онабошиларга болалардан биттаси “отлиқми, яёв?” деб савол беради. Агар онабоши “ост-устига” дегудай бўлса, мингандар тушиб, миндирғандар устига опичиб олади».

Шунга ўхшаш парчани Тоғай Муроднинг «Ойдинда юрган одамлар» асарида ҳам учратиш мумкин. Қиссада бошқа айрим вилоятларимизда «бештош» деб аталаидиган қизларнинг «босмалим» ўйини хақида қўйидагича гап кетади:

«Бир қизалоқ гилосдай-гилосдай бешта тош иккитасини ўнг, иккитасини чап тарафга қўярмиш. Қўлида қолмиш бир тошни осмонга отармиш. Кафти билан ерга бир шапатилармиш-да, осмондан келмиш тошни қўли юзаси билан илиб олармиш. Қўли юзасидан гоят нафислик, гоят эпчиллик билан кафтига олармиш...

Қизалоқ... онамиз қизи эмиш.

Онамиз... қизи отини билмасмиш.

Қизи босмалим ўйнай берармиш-ўйнай берармиш! Босмалимнинг ёвгон турини ўйнаб бўлиб, даҳмана, улуг, эшала, эшонқўзим, шовдир, кичиккон, каттакон, култепа, ершапиллатар, қайирув, келин турларинида ўйнармиш.



**Завқ баҳона болалар жамоа тарзида уюшган. Уюшиш натижасида бир-биридан ўз тенгқурларига муносабатни, ҳаёт талаб қиласидиган хислатлар, бурчларни ўзлаштирган.**

Ўйин яқунловчи турига яқинлашгани сайн мураккаблашиб борармиш. Қизи тошни турли-туман ўйнатиб-ўйнатиб илиб олармиш. Шу тур номини ўйин нагмасига монанд бот-бот айтар эмиш:

– Келиним бир, келиним икки, келиним уч...


Қизи кўп турларни уч маротаба ижро этибди. Улуг, каттакон деган турларини олти маротаба. Эшонқўзим деган турни тўққиз маротаба тақрорлабди. Тошни тур охиригача ерга туширмай ўйнабди. Хатоликка ўйл қўймай ўйнабди. Борди-ю, бирор тошни номаъкул илиб олса, ё адашиб илиб олса, босмалим ўйнаш гали ёнидаги қизалоқнику...».

Амин бўлганингиздай, ўйинларда болаларни бир-бирига завқ боғлаб турган. Завқ баҳона болалар жамоа тарзида уюшган. Уюшиш натижасида бир-биридан ўз тенгқурларига муносабатни, ҳаёт талаб қиласидиган хислатлар, бурчларни ўзлаштирган. Нима яхши, нима ёмонлиги ҳақида теран тасаввур ҳосил қиласидиган. Ўйинлардаги турли-туман қўшиқлар орқали эса жамиятдаги воқеа-ходисаларга муносабат билдириган. Умуман олганда, ҳалқ ўйинлари – болалар учун ҳақиқий ҳалқ педагогикаси вазифасини бажарган.

Бошқалар ҳам эсласа керак. Болалик-да ўзимиз ҳам ошиқ отиш, бекинмачоқ, ҳакка-чиллик қаби ўйинларни ўйнардик. Бу ўйинларни ўйнаш жараёнида баъ-

зи бир ғирромлар учраб турарди. Улар пайт пойларди. Жамоа назоратини чалғытиб, ҳаммани онгда қолдиришга ҳаракат қиласы. Лекин құлға түшса албатта жазоланарди. Вазият ҳатто ўша ғирромларнинг ўйиндан четлатилиши гача борарди. Кейин ялиниб келса-да, болалар уни ўйинга құшмасди. Чақириб борса, ҳеч ким уйидан чиқмасди. Бу ҳолат ўша боланинг ғирромлик қилмаслигига то бошқа болалар ишонч ҳосил қылғунга қадар давом этарди. Ўзингиз айтинг. Жамоат фикри билан ҳисоблашиш, уюшқоқликнинг нечогли зарурлигини англатышда ҳамда болага тұғриликнинг ахамиятини тушунтиришда мазкур усул ҳар қандай насиҳатлардан авлороқ әмасми? Қолаверса, ўйин ихтиёрий фаолият ҳисобланади. Шу туфайли бола унинг ҳар битта қиррасини дикқат билан ўрганади. У билан боғлық тушунчалар, ҳодисалар онгига одатдагидан чуқурроқ кириб боради.

Тағын бир гап. Табора унутилиб бораётган халқ ўйинлари фақат ҳаракатлардан иборат бўлмаган. Улар орасида жумбоқ шаклидаги – иштирокчидан зукколик, фикрлаш талаб қиладиганлари ҳам кўп бўлган. Шундай ўйинлардан бири ҳақида қорақалпоқ адаби Тўлапберген Қайипбергенов «Қорақалпоқнома» асарида қўйидагича ёзади:



## “

*Вазият ҳатто ўша ғирромларнинг ўйиндан четлатилиши гача борарди. Кейин ялиниб келса-да, болалар уни ўйинга құшмасди. Чақириб борса, ҳеч ким уйидан чиқмасди.*

«Болалигимизда “Чумчук учди” деган ўйинимиз бўларди. Бу ўйинга қари, ёш – ҳамма қўшиларди. Яъни, “Биздан бир чумчук учди” деб гап бошларди бирор. Қолганлар “Таърифла!” дейишарди. Кейин ўйинни бошлаган одам таърифлашга тушарди: “Учган чумчукнинг уч ўғил, уч қизи бор, ўн олтита тоғуги, иккита сигири, битта ургочи ити бор....”

Овулда ўтирган ҳамма гап қайси қўшини ҳақида кетаётганини қидириб кетарди...

Энди-энди ахамият берсан, ўшандা ўйнаган “Чумчук учди” ўйинимиз шунчаки ўйин бўлмаган экан. Биз болалар овулимизда яшаган инсонларни яхшироқ таниб олишимиз, уларнинг яшаш шароитидан хабардор бўлишимиз учун ўйлаб топилган гаройиб тарбия воситаси бўлган экан...».

Ҳа! Қайси даврда ва қандай вужудга келган бўлмасин, халқ ўйинлари зинҳор шунчаки ўйлаб топилган эмас. Улар ўзида инсониятнинг ҳаёт тарзи билан боғлық заруратларни ҳеч бир мажбуриятсиз, табиий акс эттирган. Шунинг учун ов билан тирикчилик қилинган даврларда овчилик, дехқончилик билан кун кўрилган даврларда дехқончилик ўйинлари шаклланган. Бундай ўйинларда ҳам миллатнинг турмуш тарзи, ҳам миллий тарбия тизими қоришиб кетган. Ҳаёт учун зарур чақонлик, зукколик, ҳалоллик ифода этилган. Ўйин қоидаларига таби-



атга нисбатан ғамхўрлик, баъзида эса эҳтиёткорлик ҳисси сингдириб юборилган. «Лайлак учди», «Она фоз», сувда ййналадиган «Ўрдак», «Оқ тош» каби ййинларимиз бунга бир мисол.

Қадимий ййинлардан ҳатто табиат билан боғлиқ дастлабки англамлар, турли маросимларнинг таркибий қисмларини ҳам топиш мумкин. Биргина юқорида ўзим хотирлаган «Оқ теракми, қўк терақ» ййинини олайлик. Ййинда ибтидоий одамларнинг оқ ва қўк рангларга оид мифологик қарашлари, қолаверса, дарахтга топиниш билан боғлиқ тотемистик маросим анъаналари яққол сезилади. Бу ҳақида XIX асрнинг иккинчи ярмида юртимизга келган рус ўлкашунослари эр-хотин Наливкинлар ёзиб қолдирган. Ўзбек фолклоршуноси Фани Жаҳонгиров эса мазкур ййиннинг тарихий-генетик илдизларига назар ташлар экан, унинг қоидалари шаклланишида қабилачилик давридаги жанг кўринишлари асос бўлганини айтиб ўтади. Фикримча, «Оқ теракми, қўк терақ» ййинида инсоннинг ҳаёт

учун кураши акс этган. Чунки ҳалқимиз сифинган қадимий эътиқодга кўра оқ ранг ҳаёт, қўк ранг ўлим маъноларини англатган. Ҳатто ҳалигача Фарғона водийси, Тошкент вилоятининг баъзи туманларидаги қўк ранг мотам либоси ҳисобланади. Яқин қариндоши ўлган азадорлар йил бўйи қўк, бир йилдан кейин оқ либос кийишади. Оқ либос аза даврининг тугаганини билдиради. Ййинда икки сафга тизилган «оқ» ва «қўк» теракларнинг бир-биридан «биздан сизга ким керак?» деб сўраши, исми айтилган боладан жонжади билан югуриб, улар қўйган тўсиқни бузиб ўтишида тириклик билан боғлиқ муракқаб тушунчалар ифода этилади.

Бироқ ўша қадим замонлардан бери инсон ҳаётида кўп нарсалар ўзгарди. Инсонда рамзларга қизиқиши, табиат билан уйғун яшаш истаги сўна бошлади. Энг алам қиладигани, инсон ва табиат ўртасидаги бегоналашув энди болаларнинг ййинларга ҳам кўчган. Ҳарқалай, гаджетлардаги роботнинг олдидан чиққан нарсани автомат билан тариллатиб вай-

рон қилиб кетавериши, ҳозирги ўйинлардаги совуқонлик, қирғинбаротлар менда шундай таассурот уйғотади. Уларда табиатни бадий талқин қилишга уринишни, меҳрни құрмайсиз. Ўйинлардаги идрок, түйғу тарбияси ўрнини совуқ ақлни ривожлантириш талаблари әгаллаган. Аңыана, қадриятларга ҳурмат ўрнини яккаҗокимликтак интилиш, ўз манфаатини ҳамма нарсадан устун қўйиш зabit этган.

Албатта, бу гапим билан бугун экран қарисида ўтириб, компьютер, гаджетларда ўйнаётган авлодни айбламоқчи эмасман. Улар нима ҳам қилсин? Зичлик ортган, шовқинлар кўпайган замонда табиатнинг ҳеч бўлмагандан расми билан алоқа боғлашга мажбур бўляяпти. Ё бир вақтлар баджаҳл отамнинг шапалоғидан қўрқмай ишни ташлаб қочишга мени мажбур қилган кенгликлар ҳаваси, ташналиги бугунги болаларда йўқми? Ахир улар соатлаб экранга тикилиб ўтиришга кўникунга қадар ичига қамалган шиддатли болалик қуввати, ёшлиқ ғайрати, шижоати неча бор ўзини ҳар ёққа ургандир?!.

Ана энди масаланинг энг долзарб нуқтасига етиб келдик. Таниқли адаб Хуршид Дўстмуҳаммаднинг бир гапи бор. «Тор хонада ўтирсанг ҳам тасаввуринг кенг бўлиши мумкин» дейди ёзувчи. Агар фалсафий маънода тушунмаганимизда, бу фикрни маъқуллаб бўлмасди. Чунки инсон тасаввuri, ички оламининг шаклланишида муҳитнинг кенг ё тор эканлиги катта аҳамиятга эга. Буни фан исботлаган. Яъни, зичлик тасаввурни бўғади. Фикр даражасини чеклаб, секинлик билан руҳиятни ишдан чиқаради.

Лондон қироллик колледжининг руҳий саломатлик бўйича профессори Andrea Mечелли «Шаҳарда қандай яаша керак ва бизни ташвишига солиши мумкин бўлган ҳодисаларга қарши қандай курашамиз» (How city living could be making you anxious - and how to deal with it) номли тадқиқотида шаҳар ва қишлоқ одамла-

рининг руҳиятини таққослаган. Натижада шаҳарда яшайдиган одамларда қишлоқ одамларига нисбатан тушкунлик, хафақонлик 20 фоиз, ваҳима ва қўрқув 21 фоиз, галлюцинация ва ўтқир руҳий бузилишлар эса қариийб 77 фоиз юқори экани аниқланган. Олим бунга сабаб сифатида совуқ муносабатлар, ҳаво етишмаслиги ҳамда табиатдан узилиб қолишни қўрсатган. Ушбу мақолани ўқишим билан негадир кўз олдимга атрофига борган сари кўпроқ одам йиғаётган (ва бу одамларнинг ёш қамрови тобора ёшараётган) смартфон, ранг-баранг экранлар келди. Ахир бу ранг-баранг, катта-кичик экранлар болаларни табиатдан ҳам, тоза ҳаводан ҳам, реал инсоний муносабатлардан ҳам тўсиб қўймаяптими? Ва... битта қутининг ичидан ҳам дала, ҳам дўст то-паётган, аниқроғи, шунга кўникаётган болаларда эртага жонли табиатга нисбатан нечоғли меҳр ёки завқ қолиши мумкин? Аксинча, бу уларда реал ҳаётга нисбатан ҳафсаласизлик, нафрат уйғотмайдими? Улардаги жисмоний фаолиятнинг сустлиги, камҳаракатликнинг бадали-чи? Одам боласи уни нима билан тўлайди? Тиббиёт ривожлангани сайин турли касалликлар, дардманлик ҳам шунча ортиб бораётгани эҳтимол шу туфайлидир?..

Айтаётганим сира ваҳима, ошириб-тошириш эмас. Бир куни дўконга кириб, каттагина, чиройли пакетга жойланган иккита қопчага кўзим тушди. Уларнинг узунлиги беш сантиметрдан ошмас, қофозида бош бармоқларнинг расми бор эди. Сўрай десам, дўкончи банд. Бармоқларга қопчаларнинг нима зарурати борлигини ўйлайвериб, миямда мажлис бошланиб кетди. Агар халтачалар резин бўлса, тушунаман. Микроскопни ўрганаётган бирор киши пашшанинг оёғидан шу билан ушласа керак дейман-қўяман. Аммо улар матодан. Синтетик, жуда юпқа...

– Булар нимага керак? – сўрадим ниҳоят сотувчи бўшагач.

Сотувчи «шуниям билмайсанми?» дегандай менга энсаси қотибина қаради.

- «Паб-жи»га.
- Телефондаги ўйинми?.. Лекин унга бунинг нима кераги бор?
- Пўсти шилинмайди.
- Ниманинг?..
- Бармоқларнинг!

Сотувчининг жавобини эшитиб, рости, сесканиб кетдим. Уйнинг бир бурчагида икки букилиб, бармоқлари шилиниб кетгунга қадар телефон ўйнаётган болани ўзингиз бир тасаввур қилиб қўринг-чи?!.

\* \* \*

Педагогика фанлари номзоди, профессор Мукаррам Аюпова «Логопедия» китобида ўйинни болалар руҳий ривожланишининг муҳим воситаларидан бири деб кўрсатди. «Кўпгина логопедлар тилида нуқсони бор бола билан ишлашда қўл, елка, бўйин, оёқ, юз мушакларини бўшаштиришга ёрдам берадиган ўйинлардан фойдаланаяпти. Чунки бола ўйинни узоқ вақт давомида катта хоҳиш билан ўйнайди. Ундаги ҳаракатларни ўзлаштиришга қийналмайди», – деб ёзади муаллиф. Тадқиқотчи Мамлакат Мамадалиева ўз илмий ишида болалар кафтидаги моторикаларни – эврилиш, улғайишни қўзғатиш учун тавсия қилаётган ўйинларнинг энг самарадори «беш тош» ўзбек миллий ўйини эканини таъкидлаган. Эътибор қилсак, бу ерда катта бир огоҳлик даъвати бордай. Халқ ўйинларини болаларимизнинг ҳаётига қайтаришга эҳтиёж борлигини бугун фан, замонавий билимлар ҳам эътироф этаётган экан, демак, биз бунга бефарқ қарамаслигимиз керак. Бу ҳам навқирон авлоднинг саломатлиги нуқтаи назаридан, ҳам оломончилик кайфияти табора ошаётган жамиятда аждодларга нисбатан ҳурмат ҳиссини ўйғотиш нуқтаи назаридан ниҳоятда долзарб.

Нима қилиш керак дерсиз? Биз шундай йўл тутишимиз лозимки, бу ўйинларни ўйнаш ва уларга қизиқишига бола-



*Шуни унутмаслигимиз керакки,  
компьютеру телефонлардаги  
аксарият ўйинларда болаларимиз  
ютқазиши муқаррар.*

да зарурат туғилсин. Бу борада болалар бугун халқ ўйинларидан афзал қўраётган замонавий электрон ўйинларни қадимий ўйинлар билан боғлаш, уйғунаштириш чораларини кўриш шарт.

Ҳарқалай, ҳам руҳий, ҳам ақлий, ҳам жисмоний тарбияни ўз ичига олган халқ ўйинларини бой бериш, назаримда, миллатга анча қимматга тушади. Экрандаги зомбилар ёш авлодни зомбига айлантиришидан, болаларимиз бир жойда ўтириб кузларидағи нур ва юракларидаги қўрдан айрилишларидан олдин ҳаракатимизни қилишимиз зарур.

\* \* \*

Болалиқда кимдир ўйинда ютқазиб қўйса ёки ҳазилни нотўғри тушуниб, аламига чидолмай йиғлаб юборса, унга бошқалар шундай дакки-таскин берарди: «Йиғлама, ўйинда йиғлаган кал бўлади». Бу гап ҳалиги ўпкаси катта шеригимизга тезда таъсир қиласа ва йиғидан тўхтарди.

Бугун биз катталар ўз ишимизни яхши адо қилмаяпмиз. Болаларимизни банд қилиб қўйган нарсалар уларнинг қўлига, юрагига биз орқали етиб бораяпти. Шуни унутмаслигимиз керакки, компьютеру телефонлардаги аксарият ўйинларда болаларимиз ютқазиши муқаррар. Шаклан ютса-да, моҳиятан ютқазади. Қанча мукка тушиб ўйнаса, шунча ютқазади. Кейин... қанча йиғламасин, барибир, кал бўлади. Бу ўйинлар авлодни енгиш учун ўйлаб тоғилган. Шундан огоҳ бўлайлик!



# ГУЛ ГУЛДАН РАНГ ОЛАДИ

Рустам ТУРСУНОВ,  
мустақил тадқиқотчи

**Улуф шоир ва адаб, замонасасининг адабиётшунос, элшунос олими, публицист, моҳир хаттот ва «зубдатул-ҳукамо» («ҳакимларнинг сараси») деган эътирофга сазовор бўлган Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқат (1859-1909) мумтоз адабиётимиз тарихида ўзига хос ўрин тутади.**

Устозимиз Эркин Воҳидов «Йиғлади фурқатда Фурқат ҳам муқимлиқда Муқим...» деб бежиз ёзмаган эди. Шу мисрада икки замондош ва сафдош шоирнинг Фурқат (айрилиқ) ҳамда Муқими (турғун, событ) деб олган тахаллуслари уларнинг тақдирига катта таъсир кўрсатганига нозик ишора бор. Дарҳақиқат, Муқими бир жойда маҳдуд яшаган бўлса, Фурқат қисмат тақозоси билан умрининг аксар қисмини мусофиричиликда ўтказди ва Шарқий Туркистондаги (ҳозир Хитой ҳудудида) Ёркент шаҳрида дорулбақога рихлат қилди.

Аммо бу мусофиричилик мashaққатлари, юрт соғинчи Фурқат шеърияти мазмун географиясининг кенгайишига сабаб бўлди, ғазаллари янада дардчил, ранг-баранг бўлишида муҳим

рол ўйнади. Муқимий айтмоқчи, «Ўзим ҳар жойдаман – қўнглим сендадур»га мувофиқ Фурқат қай ерда бўлмасин, ғоявий сарчашмалири бўлган Алишер Навоий ва Муҳаммад Фузулийга эргашиб ижод қилишдан тўхтамади.

Бу борада фузулийшунос Ҳасанхўжа Маҳамадхўжаев шундай маълумотни келтиради: «Фурқат асарларида Фузулий номи тез-тез тилга олинади. Хориждаги ватандошларига ёзган хабарларида ҳам Фузулий шеърларини соғинганини ёзади... Жумладан, “Сайдинг қўябер, сайд” мусаддасини дикқат билан ўқиб, Фузулий “Лайли ва Мажнун”идаги қуидаги мисраларнинг Фурқатга таъсирини кўрамиз:

Кўрдики бир овчи дом қурмиш,  
Домига газаллар юз урмиш.  
Ул дома жафойи чархи гаддор,  
Бир охуни айламиш гирифтор.  
Бўйни бурули, оёги боғли,  
Шаҳло кўзи намли, жони дөгли.

Фузулийнинг лирик маҳорати Фурқатнинг диққатини оҳанрабодай ўзига тортган. Фузулийдан шеърий санъат сирларини ўрганган Фурқат унинг бадиий тасвир маҳоратига алоҳида эътибор беради. Бу борада кўп мисол келтиришимиз мумкин. Хусусан, Фурқатнинг

«Сурмадин кўзлар қаро, қўллар хинодин лоларанг,

Гозадин юзларда тобу ўсмадин қошлар таранг»

деган байти Фузулийнинг

«Эй, юзи гул, кўнглаги гулгун, тўнидур қирмизи,

Оташин кисват кийиб, ўдлара ёндиридинг бизи»

деган байтига ўхшашлиги кундай равшан». Юқоридаги иқтибосда Фурқатнинг Фузулийдан таъсирланиб битган байтлари борасида ўринли мисоллар келтирилган, аммо таҳлилимизга кўра бъязи қиёсий мисолларда жузъий камчиликларга йўл қўйилган. Яъни «Сурмадин кўзлар қаро, қўллар хинодин лоларанг...» деб бошланган матлаъ Фузулийнинг

«Сурмадин кўзлар қаро, аллар хинодан лоларанг, Ҳеч шоҳид ўйқ буранг илаки, сансан шўху шанг,

Вўсмали қошинг яшил тузли камон, гамзанг хаданг,

Ғамза-ву қошингга майл айлар Фузулий бедаранг,

Қуш ажабдур қилмомоқ тири камондан ижтимоб»

мухаммаси бандидаги илк мисрадан олингган. Шунингдек, Фурқат ўзининг

«Гул бирла кўйлакка кийдинг камзиҳури қирмизи,

Иккисин зеболиги ўтлара ёндируди бизи» деган сатрларини ёзишда Фузулийнинг яна ўша муҳаммасидаги

«Эй юзи гул, кўнглаги гулгун, тўнидур қирмизи,

Оташин кисват кийиб, ўдлара ёндирудинг бизи,

Одам ўғлиндан санингтак тұғмаз, эй золим қизи,  
Ойу кундур ҳусн баҳсинда жамолинг ожизи,

Гўйиё отанг моҳитобондур, онанг офтоб» деган банднинг икки сатридан илҳомланганлиги маълум бўлади. Мухтасар айтганда, Фузулийнинг мазкур муҳаммаси этагидан Фурқатнинг ушбу икки ғазали яралгани шеъриятда «гул гулдан ранг олиши»га ёрқин мисол бўла олади.

Фурқат девонини варақлар эканмиз, бу каби фузулиёна, озарий сўзлардан маҳорат билан фойдаланиб битилган қатор байтларни кузатишмиз мумкин. Ҳусусан:

Эй бути жаври фузун, оху фигонимдин сақин,

Фарқ эдар оламни чашми хунфишонимдин сақин.

Ёки:

Анбар ҳатинг на танҳо шавқи хаёла душти,  
Дашти Ҳўтанда балким мушкин гизола душти.

Фузулийнинг «садқаси» радифли ғазалига Фурқат боғлаган навбатдаги тахмис тадқиқотимиз учун айни муддао бўлади.

Таъкидлаш жоизки, асос ғазал етти байтдан иборат бўлиб, Фурқат боғлаган тахмис ҳам еттита бандни ўз ичига олган, яъни тахмисда асос ғазалдаги барча байтлар сақланган.

Шунингдек, ғазал рамали мусаммани маҳзуф (фоилотун фоилотун фоилотун фоилун) вазнида ёзилган бўлиб, боғланган тахмисда айнан шувазнга қатъий риоя қилинган. Демак, биринчи банд:

Жон аро шакли алиф раъно ниҳолинг садқаси,

Нутқиминг маъноси ул шаккар мақолинг садқаси,

Юз кўнгил бир кўнглингга кечмиш хаёлинг садқаси,

Кўз қароси ашки гулгунимда холинг садқаси,

Ашки гулгуним гули руҳкори олинг садқаси.

Мазкур банднинг биринчи сатри маъносини очиқлаш учун Алишер Навоийнинг китобат санъати устига қурилган машҳур рубоийсининг иккинчи мисрасига мурожаат қиласиз:

«Жоним»даги жим икки долингга фидо,  
Андин сўнг алиф тоза ниҳолингга фидо...

Алишер Навоийнинг лирик қаҳрамони шу қадар фидойики, у ёри учун нафақат жонини, балки араб ёзувида ёзиладиган «жон» сўзининг ҳар бир ҳарфи-ю нуқталарини маҳбубнинг шакл нуқтаи назаридан ўхшайдиган муайян аъзосига бағишилайди. Масалан, бунда жим ҳарфи маъшуқнинг дол ҳарфига ўхшаш зулфига, алиф ҳарфи эса текис ва ниҳолдай нозик қоматига фидо бўлиши назарда тутилмоқда.

Фурқат Навоийга тақлид қилиб, «жон» сўзидаги алиф ҳарфини ёрнинг «раъно ниҳоли»га, нутқини «шаккар мақол» – ширин сўзига, хаёлига эришиш учун бир кўнглига юз кўнгилни тасаддуқ қиласман деса, Фузулий шу руҳда «ашки гулгуни» – қон йиғлаб турган кўзи ичидаги «кўз қароси» – қорачиғини маҳбубнинг қора холига, мазкур йиғлаб турган кўзини «гули руҳкори оли» – гулдек қизил юзига садқа қиласи.

Бир кичик тадқиқотда бу икки буюк шоирнинг ижодий қўламини қамраб олиш имконсизdir. Шу боис маънавий, руҳий, ирфоний жиҳатдан ҳамроҳ бўлган икки ижодкор хусусидаги фикрларимизни қуийдаги холоса билан мухтасар қиласиз.

Имом Абу Ҳомид Газзолий «Кимёи саодат» асарида ёзади: «Инсон фаришта ва ҳайвон орасидаги маҳлуқдир. Ҳайвон ривожланмайди, чунки унинг камолот қуввати йўқ. Фаришта ҳам ривожланмайди, унинг ўзи пок илоҳий нурдан иборат. Фақат инсондагина ривожланиш, руҳий камолот хислати мавжуд».

Демак, инсон ўзидағи ҳайвоний ҳирсларни қанчалик сўндирилса, шунчалик (фаришталарга хос) руҳий покликни касб этади. Бундай покликка эришишнинг бутун концепцияси эса Фузулий ва Фурқат сингари маслаги бир буюк шоирлар мұхабbat қўйган тасаввуфда мужассамдир.



Рахматулла НУРИМБЕТОВ,  
Тошкент давлат шарқшунослик  
университети тадқиқотчиси



**2022–2026-йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида мамлакатимиз ташқи сиёсатидаги устувор вазифалар қаторида ҳамкор мамлакатлар ҳамда халқаро ташкилотлар билан минтақавий ва глобал масалалар бўйича мувозанатли, доимий мулоқот олиб бориш, икки ва кўп томонлама учрашувлар ўтказиш, сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳаларда маслаҳатлашувларни ташкил этиш, миллий манфаатларимизни илгари суриш белгилаб қўйилган.**

## ЎЗБЕКИСТОН ВА ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ

Хусусан, Ўзбекистон ташқи сиёсатида Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг аҳамияти катта. Мамлакатимиз мазкур тузилманинг таъсисчиларидан бири сифатида унинг институционал ривожланишига катта ҳисса қўшиб келмоқда. ШХТ ҳам Марказий Осиёда хавфсизликни мустаҳкамлаш орқали иқтисодий ривожланиш концепцияси асосида минтақамизда стратегик барқарорлик ва геосиёсий мувозанатни таъминлашга интиляяпти.

Бугун сиёсий, иқтисодий ва маданий-тарихий жиҳатдан бир-биридан фарқ қиливчи мамлакатларни бирлаштирган тузилма сифатида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига қизиқиши ортиб бораётир.

Ҳозир ШХТ катта ўзгаришлар остонасида турибди. Бир томондан ташкилот кенгайиб, унда турли хил шароит, тарихий, маданий, диний цивилизациялар асосида шаклланган, тараққиёт модели ва қарашлари фарқ қилувчи мамлакатлар сони ортиб бормоқда. Бу ташкилотдаги ички вазиятни ўзгартириб, кун тартибидаги масалаларнинг кўпайишига олиб келаяпти. Иккинчи томондан замонавий халқаро муносабатлардаги фундаментал ўзгаришлар ташкилот фаолиятини такомиллаштириш ва ислоҳ қилишни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон ШХТ доирасида кўптомонлама ҳамкорликни кенгайтириб, мамлакатимизнинг минтақадаги ролини мустаҳкамлаш, миллий хавфсизликни таъминлаш, ташкилотга аъзо давлатлар билан савдо, иқтисодий, транспорт ва маданий алоқаларни йўлга қўйишни устувор вазифа деб билади. Марказий Осиёнинг етакчи давлати ҳамда ШХТнинг энг фаол иштирокчиси сифатида ташкилот тараққиётининг йўналишларини белгиловчи жараёнларга жиддий муносабатда бўлмоқда.

Ўзбекистон ШХТ фаолиятини такомиллаштиришни қўллаб-қувватлаётган мамлакат ҳисобланади. Хўш, Ўзбекистоннинг ШХТни ислоҳ қилишда ёндашуви қандай? Бизнингча, у қўйидагилардан иборат:

1. Ташкилотга аъзо барча давлатларнинг ШХТ хартиясида ўз ифодасини топган таъмиллари қатъийлигини таъминлаш.

2. ШХТнинг блоклардан холи мақомини сақлаб қолиш, истиқболда уни учинчи мамлакатлар ва халқаро ташкилотларга қарши қаратмаслик. Яъни, Ўзбекистон мазкур тузилмани сиёсий-ҳарбий блокка айлантириш тарафдори эмас.

3. ШХТда барча қарорларни консенсус асосида қабул қилиш тартибини ўзгартирмаслик. Чунки консенсус тамоили барча мамлакатлар тенг ҳуқуқлигини белгилайдиган асосдир.

4. ШХТда яхлитликни кучайтириш, аъзо давлатлар ўртасида яхши қўшничилик, ўзаро ҳурмат ва ишончни мустаҳкамлаш орқали кенг ҳамкорлик учун шароитларни яхшилаш.

5. ШХТнинг учинчи мамлакатлар, халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан ҳамкорлигини қўллаб-қувватлаш.

6. Минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга қаратилган ҳамкорликни кучайтириш.

7. Иқлим ўзгаришига қарши ҳамжиҳатлиқда курашиш.

8. Ташкилотнинг маданият, фан, таълим ва туризм соҳаларидағи ҳамкорликни ривожлантиришдаги улкан салоҳиятидан самарали фойдаланиш.



# SUMMARY

The 3rd edition of 2024 of the magazine "Ma'naviy hayot" has been published. In the current edition, there are interesting, significant and analytical articles that urge the readers to observe.

In the article "Kelajak darvozasi" from the first pages of the magazine, the author talks about the value and the importance of independence and the dark days that befell our nation in the recent and distant past.

The opinions expressed in the article "Milliylik xususida besh saboq" by the literary scholar Rahmon Qo'chqor can be said to be in the hearts of many people. Because in the era of globalization, when the diversity of people is changing, it is very important to preserve the spirit of the Uzbek nation, to instill it in the generations. The fact that the author gives examples from the life and work of the nation's leaders helps to fully understand the topic. It motivates to look at the issue of nationality from above.

In the article entitled "So'zning tuzi nimada?" by Anvar Boboyev, researcher of Imam Bukhari International Research Center, expressed his opinion about the condition of Uzbek language, mistakes and shortcomings we make in the use of words in many cases. There are many examples of such cases in the press, on television and on the streets. He calls our people to be responsible in this regard.

The column "Tavsiya" talks about the opinion of the doctor of philology, professor Hamidulla Dadaboev about the new words entering our mother tongue. In particular, the Uzbek alternative of words such as login, password, fake was found.

Journalist Shahnoza Rofiyeva and doctor of biological sciences, professor, the first female vice-president in the 80-year history of the Academy of Sciences of Uzbekistan — Shahlo Turdiqulova had a conversation in a topic "XXI asr o'zbek fani". In the conversation, the opinions were exchanged about the current state of Uzbek science, the role of women in this regard, the care and attention given to women in our country in the education and working in various responsible positions.

Also, the magazine contains a number of articles by different authors on various topics.

**Муассис:**  
Республика Маънавият ва маърифат маркази

**Бош муҳаррир:**  
Эшқобил ШУКУР

**Ижодий гурӯҳ:**  
Азим РЎЗИЕВ  
(бош муҳаррир ўринбосари)

Шодмонкул САЛОМ  
(бош муҳаррир ўринбосари)

Мусулмон НАМОЗ  
Ҳасан КАРВОНЛИ  
Шахноза РОФИЕВА  
Бобо РАВШАН  
Гулжаҳон НОМОЗОВА

**Масъул котиб:**  
Орзу АЪЗАМ

**Фотограф:**  
Султонбой ДЕҲҚНОВ

**Муқова фотоси муаллифи:**  
Ҳамдам ШОРАҲМЕДОВ  
Нанай қишлоғи, Тошкент вилояти  
(муқова)

**Ички муқова фотоси  
муаллифи:**  
Рустам НАЗАРМАТ


**Манзил:**  
Тошкент шаҳри,  
Бобур кўчаси, 6-йи.  
e-mail: manaviyayot@inbox.ru  
Тел.: 55 508 85 31 (қабулхона);  
90 319 11 41 (маркетинг ва  
реклама бўлими)

Ўзбекистон Республикаси  
Матбуот ва аҳборот агентлигидан  
30.06.2015 йилда 0828-ракам  
билин руйхатдан ўтган.

Бир йилда тўрт марта чоп этилади.  
Журналдан кўчириб босилганда  
манба қайд этилиши шарт.

Босишига 03.10.2024 да руҳсат  
берилиди. Бичими 60x84 1/8.  
Офсет усулида босилди.  
Босма табори 14,0.  
Буюртма № 24-454  
Адади 6900 нусха.  
Обуна индекси: 919  
ISSN 2181-7766

Журнал "O'zbekiston" НМИУ МЧЖ  
босмахонасида чоп этилди.  
Манзил: 100011, Тошкент ш.,  
Навоий кўчаси, 30-йи.



ТАРИХИЙ-ФАЛСАФИЙ,  
МАЬНАВИЙ-МАЪРИФИЙ,  
ИЛМИЙ-ОММАБОП ЖУРНАЛ  
№3 (43), 2024

# МАЬНАВИЙ ХАЁТ

ТАРИХИЙ-ФАЛСАФИЙ, МАЬНАВИЙ-МАЬРИФИЙ, ИЛМИЙ-ОММАБОП ЖУРНАЛ

Ҳар бир халқ улкан дарахтга ўхшайди. Унинг илдизлари нақадар теран бўлса, қадди-басти ҳам шунга яраша улуғ бўлади. Маънавият халқнинг ана шундай ўқ томиридир. Бу илдизлардан сув ичган авлод асло кам бўлмайди. Кўзлаган муродига ҳам шу қувват билан етиб келади.

Обуна  
индекси:  
**919**

«Маънавий ҳаёт» журнали бу йўлда сизнинг  
кўмакчингиздир.  
Журналга обуна бўлинг!



